

82.3.4
A-PDF Merger DEMO: Purchase from www

К. Курамбоев, Г. Курамбоева



**ҒАФУР
ҒУЛОМ
ВА
АДАБИЙ
АЛОҚАЛАР**

«ҚАРАҚАЛПАҚСТАН»

82.3

K-

КАРИМБОЙ КУРАМБОВ
ГУЛАНДОМ КУРАМБОВА

АДАБИЁТЛАР ДУСТЛИГИ — ХАЛКЛАР
ДУСТЛИГИНИНГ БИР КЎРИНИШИ
(Муқаррирлар ўрнида)

ФАФУР ГУЛОМ ВА АДАБИЙ АЛОҚАЛАР

Олий ўқув юртларининг
филология факультетлари талабалари учун
Қардош халқлар адабиётидан ўқув қўлланма

DIZINGE AL'INDI-2006

НУКУС
•КОРАКАЛПОРИСТОН•
2006

К. Курамбоев, Г. Курамбоева
ФАҒУР ҒУЛОМ ВА АДАБИЙ АЛОКАЛАР
Нукус, «Қорақалпоғистон», 2006 йил, 128 бет

Ушбу рисолада XX аср ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари-
дан бири, Ўзбекистон халқ шоири, Давлат мукофоти лауреати, акаде-
мик Ғафур Ғулом ижоди, унинг туркман, қozoқ ва қорақалпоқ ада-
биётлари билан алоқалари ҳақида, шоир ва ёзувчилари билан дўстона
муносабатларининг ижодий самаралари тўғрисида, умуман, адабнинг
Марказий Осиё адабиётлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашдаги восита-
чилик роли ҳусусида ҳозирги воқеалар, истиқлол мафқураси нуқтаи
назаридан сўз юритилади.

Китоб адабиётшуносларга, Олий ўқув yurtларининг филология фа-
культетлари талабаларига, магистрлари ва аспирантларига, шунингдек,
адабий алоқалар ва таъсир масалалари билан шуғулланувчи мутахас-
сисларга, Ғафур Ғулом ижоди билан қизиқувчи китобхонларга мўл-
жалланган.

Масъул муҳаррир:

ЎзРФА академиги, филология фанлари доктори,
профессор Бахтиёр Назаров

Таҳрирчилар:

Қ. Бойиниёзов — филология фанлари доктори
А. Мамедов — филология фанлари доктори
Қ. Жумажапов — филология фанлари номзоди

Ю 4306000022 — 346 Буйруқ — 2006
М — 357(04) — 2005

ISBN 5-83-45-11-9

© «Қорақалпоғистон» нашриёти, 2006

АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ — ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ БИР КЎРИНИШИ (Муҳаггима ўрнига)

Биз — туркий эл, халқ, миллат деб аталмиш қадим
ва азиям дарахтининг шохларимиз. Тосмиримиз бир, сув
ичган тарихимиз бир, бутунимиз ва эртаниз ягона!

Тўлепберган Қайпберганов

Дарҳақиқат, туркий адабиётларининг, айни пайтда, туркий тил-
ларнинг ҳам муштарак манфаатлари учун доимо ғамхўрлик қилиб,
фойдали таклифлари ва амалий фаолияти билан кенг жамоат-
чилик эътиборига сазовор бўлиб келаётган Ўзбекистон Қаҳра-
мони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, элимиз
ардоғидаги адиб Тўлепберган Қайпбергановнинг юқоридаги теран
маъноли сўзлари, бизнингча, изоҳга муҳтож эмас. У Туркистон
халқлари ҳаётида синондан ўтган, исботланган ҳақиқат. Фақат
бу анъанани, умас гоёни кўзининг қорачигидек асраб-авайлаб
саклаш, ривожлантириш, келгуси авлодларга етказиш муқаддас
вазифа эканлигини унутмаслик лозим.

Ҳурматли адибимиз ёзганидек: "Қудратимиз маънавий бир-
лик, руҳий бутунликда" экан, қадимда бир бўлган ўша маъна-
вий — руҳий яқинлигимизга қайтиш, ўзаро яқинлашиш жараён-
ларини жадаллаштириш зарурати пайдо бўлмақда. Айниқса,
иқтисодий ва маънавий ҳаётимизнинг барча соҳаларида янги
ўзгаришлар жараёни қизгин давом этаётган мустақиллик ша-
ронитида нинтақамиз халқлари ўртасидаги дўстлик, ўзаро ёрдам
каби муносабатлар жуда зарур эканлигини бутунги турмуш тақозо
этмоқда. Шунинг учун ҳам бу жараёнларни фаоллаштиришга,
халқларимиз ўртасидаги биродарлик муносабатларини янги та-
рихий шариотда, истиқлол мафқураси манфаатлари нуқтаи на-
зарида тамомилан янги назмунда давом эттириш ва ривожлан-
тиришга ҳаракат қилинаётгани мантиқий асосга эга. Ҳатто бу
тадбир даъват даражасидаги масалала кутарилади. Халқларимиз

instituti INV

ўртасидаги тарихий-маънавий бирлиkning аҳамияти энг нуфузли минбарлардан гапирила бошланди. Республикамиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 5 майдаги иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида бу жараёни янада ривожлантириш масаласига жамоатчиликнинг эътиборини қаратиб, шундай деган эди: "Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон катта бир уй, буюк бир рўзгор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзгор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади. Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир. Бугун кенг жамоатчилик вакиллари, биринчи навбатда, ижодкор зиёлилар — ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг бундай муҳим, ҳаётимизни, тақдиримизни ҳал қилувчи масалага эътиборини, ташаббусини жалб этиш вақти келди, деб ўйлайман".¹

Чиндан ҳам, қадим Туркистон заминида яшаётган қардош халқларнинг ўзаро бирлигини янада мустаҳкамлаш, маънавий-маданий муносабатларни, алоқаларни янги ижтимоий-тарихий шароитда, миллий мустақиллик руҳида давом эттириш айни ҳозирги куннинг вазифаси. Халқимиз қалбида тарихий бирлик, руҳий бутунлик туйғусини уйғотиш ва шакллантириш энг вожиб масала. Табиийки, бу жараёнда адабий ва маданий алоқаларнинг роли ниҳоятда катта. Ахир "Адабиётлар дўстлиги бу халқлар дўстлиги" деган шiorда катта ҳақиқат бор. Адабиётларимиз, маданиятларимиз дўстлиги орқали халқларимиз ҳамкорлиги мустаҳкамланади, шаклланади. Бу ҳаётда синовдан ўтиб, исботланган ҳақиқат. Узоқ асрлардан бери давом этиб келган адабиётларимизнинг ўзаро алоқалари ва таъсири тажрибалари бунга ёрқин мисол. Шундай экан, бу жараёнга ҳар бир зиёли ва муайян адабиёт вакили ўз хиссасини қўшмоғи, уни ривожлантириб, мундарижасини янги шакллар ва мазмун билан бойитмоғи ҳам қарз, ҳам фарздир. Тарихи, адабиёти ва маданияти, тили, яшаш тарзи бир — бирига жуда яқин бўлган Марказий Осиё ҳудудида яшовчи тақдирдош халқлар саналмиш ўзбек, тожик, қozoқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркманларнинг ижодкорлари бу масалада фидойилик намуналарини кўрсатиши зарур.

Марказий Осиё адабиётларининг тарихий тараққиёт босқичлари шундан далолат берадики, бу қардош халқ ижодкорлари ҳамisha адабиётларимизни яқинлаштиришга, шу орқали халқларимиз дўстлиги ғояларига хизмат қилишга интилаганлар. Устоз — шоғирдлик муносабатлари бир — бирларидан ижодий таъсирланишлари, ўзаро тажриба алмашув аънавалари улар тараққиётининг ҳамма босқичларида ҳам самарали давом этган ва ҳар бирининг муваффақиятли ривожланишини таъминлаган асосий омиллардан бири саналган.

Жумладан, ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ ва туркман адабий алоқалари қадимий аънавага эга. Биргина мисол. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий замонасидан тортиб то ҳозирги кунга қадар бу ҳамкорликлар катта самаралар берди. Алишер Навоийнинг ушкан мероси туркман, қozoқ, қорақалпоқ китобхоналари, бахшлари, хонада ва соҳадалари орқали туронзамин халқларига кенг тарқалиб, қалбларига сингиб кетганидек, Махтумқули, Абай, Бердақ каби туркман, қozoқ, қорақалпоқ шеърятининг ёруғ юдузларининг ўлмас асарлари ҳам қардош элларнинг маънавий мулкига айланган. Бу улуғ сўз санъаткорлари тизмолида биз халқларимиз ва адабиётларимиз дўстлиги ва ижодий ҳамкорлигининг ажойиб ютуқларини кўраимиз.

Марказий Осиё адабиётлари ўртасидаги аънавий алоқалар XX аср тарихий шароитида янги шакл ва мазмун касб этди. Ўтмиш адабиётда тўпланган тажрибалар янги адабий муҳит талаблари ва тамойиллари асосида бойитиб борилади, ривожлантирилади, адабий алоқаларнинг янги шакллари кашф этилиб, мундарижаси кенгайтирилади. Хусусан, бу жараён ўтган асрнинг олтинчи — етмишинчи йилларида ранг-баранг кўринишларда яхши ривожланди. Туркман, ўзбек, қорақалпоқ ва қozoқ адабиётлари алоқалари муайян шоир ва ёзувчиларнинг шахсий дўстлиги, ижодий ҳамкорлиги, бадий таржима, ўзаро намуз алмашиш каби адабий — бадий шаклларда муваффақиятли тараққий этди. Қўлингиздаги рисолада адабий алоқаларнинг ана шу шакллари ҳақида имконий доирасида сўз очар эканмиз, ўзаро янги ҳам шахсий, ҳам ижодий фаоллиги билан адабиётларимиз ва халқларимизнинг азалий дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилган алоҳида ижодкорлар, уларнинг ибратомуз аънавалари тўғрисида мулоҳаза юритишга ҳаракат қиламиз.

¹ И.А.Каримов. Туркистон умумий уйи. Тошкент, "Ўзбекистон", 1995, 16-бет.

Аввало, шунини таъкидлаш лозимки, Марказий Осиё адабиётларининг юқорида қайда этилган даврига ҳос алоқалари ҳақида сўз бошлангудек бўлса, даставвал, бу жараёнга фаол таъсир кўрсатган адибларнинг шахси, кейинчалик уларнинг ижодий қиёфалари кўз олдидан гавдаланади. Бу тасодифий эмас, албатта. Ҳар бир миллий адабиётда байналминималчилик, дўстлик гоёларига садоқатли, ижодий тақдирини бошқа миллий адабиётлар билан ҳам мустаҳкам боғлаб қалам тебратадиган сўз усталари бўлади. Фафур Фулом, Берди Кербобоев, Собит Муқонов, Жўмҳираз Оймирзаев, Миртемир каби адиблар ана шундай улут фазилатли инсонлар эди. Шунинг учун ҳам эллигинчи-етмининчи йиллардаги ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва туркман адабий алоқаларини бу сўз заргарларининг ижодисиз, уларнинг дўстона муносабатларисиз тасаввур қилиш қийин. Улар ўзоқ йиллар маънавий манфаатларимиз учун фаол ижодий ҳамкорлик қилишди, бу алоқалар кейинчалик шахсий дўстликка айланиб, халқларимиз ва адабиётларимизни янада яқинлаштиришга хизмат этди. Ҳавас қилса арзигулик бу дўстлигини улар умрларининг охирига қадар изчил давом эттирганлари таҳсинга лойиқ фактдир. Бу табарруқ инсонларнинг бундай олижаноб ҳаракатлари бутун ҳам қардош республикалар ижод аҳлига намуна бўлса арзийди. Гарчи, бу улут сиймолар бутун ҳаёт бўлмасаларда улардан мерос қолган шахсий—адабий дўстлик алоқалари бу жараёнга қуёш шуъласидек нур сочиб турибди.

Уялаймизки, қардош адабиётларимиз ва уларнинг таниқли арбоблари ўртасида ҳар хил шаклларда бир вақтлар давом этган дўстлик, ижодий ҳамкорлик бутунги шоир ва ёзувчиларимизга ихом беради, ибрат бўлади. Бу анъаналар янги тарихий шароитда, янги шаклларда ривожланиб, янги босқичга кўтарилади, деб умид қиламиз.

Бизнинг ушбу мавзуга алоҳида ургу қилаётганимизнинг сабаби бор. Гап шундаки, қардош республикалар, аниққса, Марказий Осиёда яшаётган ижодкорларнинг ўзаро борди-келдилари, шахсий дўстликка қурилган муносабатлар ва шунга асосланган адабий алоқалар сўнгги йилларда йўқолиб бораётти. Бир вақтлар адабий жараён тараққиётининг қудратли таянчи, сифатида ҳаракатда бўлган, ҳамма ижодкорлар томонидан яқинлик билан қўллаб-қувватланган, амалда ҳам адабиётлар дўстлигига, ҳам халқлар дўстлигига фаол хизмат қилган бу хайрли

тадбирнинг нуқтилади, умуман, тўхтаб қолгани, бутунги авлод шоир ва ёзувчилари томонидан деярли давом эттирилмаётгани ташвиш туғдиради. Тўғриси, бу масаланинг адабий жараён кун тартибидан деярли тушиб қолётгани нафақат халқимизни, балки ижодкорларини ҳам жиддий ташвишга солаётгани сир эмас. Улар ўзларининг бу масаладаги нуқтаи назарларини матбуотда ҳам айтишган. Биз уларнинг айримлари билан сизни таништириб ўтмоқчимиз. Тўғри, бу фикрларнинг матбуотда босилганидан бери анчагина вақт ўтди. Лекин шундай бўлсада, бу мулоҳазалар, бизинича, бутун ҳам ўзининг долзарблик хусусиятини йўқотганича йўқ. У ҳамон кенг жамоатчиликнинг диққат марказида, адабий-маданий жараённинг кун тартибиде турибди. Шундай экан, бундай аҳамиятли масалаларни тез—тез тилга олиб, эслатиб туриш, назаримизда, зарар қилмайди. Ақинча, бу жараённинг озгина бўлсада ҳаракатга келишида "туртки"лик вазифасини ўтаса ажабмас. Масалан, таниқли қозоқ адиби Мухтор Шаханов кейинги авлод ижодкорлари томонидан бу дастурининг суст давом эттирилаётганини "Дўстлик қадри" номи мақоласида қулоңчаклик билан шундай ёзган эди: "Адабиётнинг хизмати беқийс. Улкан дарёлар бор. Улар ҳеч бир чегара, тўсиқни тан олмайдилар, турли мамлакатларни кесиб ўтиб, барчасига баравар обихаёт улашадилар. Улкан ёзувчилар ҳам ўшундай дарёларга ўхшаш. Истайсизми, истамайсизми, адабиётни алоҳида, катта шахслар яратди. Катта шахсларнинг дўстлиги эса халқларнинг дўстлигига айланади. Шу матбуотда мен Фафур Фулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзодалар билан Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Ғабит Мусреповларнинг дўстлигига доимо ҳайрат билан қарайман. Улардан кейинги авлодлар ўртасида тигиз алоқалар ўрнатилмаганидан ачинаман, ташвишга тушаман. Зотан ижодкор ўз шахсининг эмас, ўз халқининг манфаати учун ҳам бошқа халқлар вакиллари билан дўстлашишга мажбур. Ахир Фафур Фулом билан Собит Муқоновнинг нафақат расмий, балки ўзаро оилавий учрашувлари, борди—келдилари ҳам бутун халқ, адабиёт аҳли ўртасида байрамга айланиб кетмасмиди?! Улар дўстлашишини, бир—бирларининг ижодларига, шахсий ҳаётларига таъсир ўтказишни билишар эдилар. Бир учрашувда Қайсин Қўлиев мендан кимлар билан дўст эканлигини ҳақида сўраб қолди. Саволига ҳали жавоб қилиб улгурмаган эдимки, ўзи тапнин давом эттирдиган: "Бундай савол берганим учун кечирасан. Дўстлик ижодкор

учун, унинг маънавияти, шахсий ҳаёти учун жуда зарур", — деди. Шу маънода Ўзбекистонда ўтаётган адабиёт кунларининг ҳаммаиз учун ҳам фойдаси катта¹.

Қардош адабиётлар арбоблари ораларидаги шахсий борди-кеддиларининг сўнгги йилларда тобора пасайиб кетаётганидан фақат қозоқ адабларигина эмас, балки ўзбек ижодкорлари ҳам ташвишланмоқдалар. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти соҳибдори Ўткир Ҳошимовнинг қуйидаги фикрларида катта ҳақиқат бор: "Ҳеч қайси миллий маданият ўз ҳолича ривожлана олмайди. Маданий алоқаларни кучайтиришнинг йўллари кўп. Афсуски, кейинги пайтларда бу соҳада янги формаларни излаш тугул, борларини ҳам унутаямиз. Қардош республикаларнинг санъат ва адабиёт декадалари, маданият кунлари, ҳафталиклар камайиб кетди. Маданиятлар дўстлиги маданият арбоблари дўстлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Эслаб кўринг: Гафур Ғулом у ёни Москва, бу ёни бутун Ўрта Осиёда барча шоирлар аллоҳлар билан шахсан дўст эди. Қозоғистон дейсизми, Тожикистон ёки Туркменистонми, қаерга борса, ўз уйидек эмин-эркин юрар, унинг хонадонини ҳам бутун мамлакат ижодкорларига очик эди. Ёки Ойбекнинг Мухтор Аvezов, Абдулла Қаҳҳорнинг Константин Симонов, Миртемир домланинг Абдулла Тожибоев билан, Шайхзодаининг талай озар шоирлари билан яқинлигини олайлик. Ҳозир шахсий борди-кеддилар бир-икки ижодкорларимизни ҳисобга олмаса, жуда камайиб кетди"².

Бу соҳадagi турғунликдан ташвишланаётган яна бир таниқли адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповдир. Унинг мулоҳазалари билан ҳам танишиб кўринг: "Дўстлик ҳақида гап борар экан, бугунги кунга нисбатан кеча биз ўзбек ёки қорақалпоқ ижодкорлари яқин эдик, бир — биримизга ҳамкор эдик, десам Америка очган бўлайман ва бу ҳақиқатни айтиш билан ўтмишни қўсовчи гап айланмайман. Фақат биз энг яхши аёнчаларимизни тикалайлик, давом эттирайлик демокчиман. Бошқа нарсаларга қўшиб маданий ҳамкорликларимиз устига ҳам чизик тортиб юбордик. Давримизда кутимагадa бирдиганга юз бераётган ўзгартишлар одамларнинг психологиясини, руҳиятини ҳам ўзгартириб юбормоқда. Тўртинини айтay, ўзарo ҳамкорлик масаласида биз, қорақалпоқ ёзувчилари ҳақиқатан ҳам кечаги кунни,

"турғунлик" деб аталаётган даврдаги муносабатларни соғинамиз, кўрсаймиз. Биз фақат ўша даврдаги энг яхши аёнчалар — ҳамкорлик, дўстлик, борди-кеддиларининг давом этишини истаймиз... Миллий маданиятимиз қанча тараққий этсада, ҳеч вақт ўз қобилига ўзи ўралаиб яшай олмайди. Яъни миллий маданиятлар ҳамкорлик қилмасдан, Гафур Ғулом айтганидек, "Бир-бирита устоз, бири — бирига шоғирда" бўлмасдан яшай олмайди. Бунинг учун бир — бирларимизнинг асарларимизни ўқиб, ҳаётимизни телевидение орқали намойиш қилишнинг ўзи етмайди, кўзларимиз кўзларимизга тушиши, юзимиз-юзимиздан баҳра олиши, жонан мулоқотлар зарур"¹.

Мазкур жараённинг тараққиёти туркман адабий-маданий муҳитида ҳам кўнгилдагидек эмас. Туркман адибларининг миёнада адабиётлари билан ҳамкорлигини муайян шоир ва ёзувчиларининг, маданият арбобларининг шахсий борди — кеддиларини, адабий — маданий соҳаларда ўзарo тажриба алмашиб, бир-бирларига елкадош бўлиб ҳаракат қилаётганини намойиш этадиган, намуна қилиб кўрсатгудек адабий — маданий тadbирлар йўқ ҳисоби. Бундай қолоқликдан илҳомли кайфияти туркман адибларида ҳам оз эмас. Туркменистон халқ ёзувчиси, Махтумқули номидаги Давлат мукофоти лауреати Бердиназар Худойназаров "Сарбонимиз" номи мақоласида бу масалага танқидий муносабатни яшириб ўтirmайди: "Туркменистонда сўнгги марта Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларини ўтказганимизга ҳам 25 йил бўлибди! Бу орада адабиётларимизда, санъатимизда қанчалар — қанча янги номлар поради, янги алоқлар шаклланди. Қодирий ва Деряевнинг устоз — шоғирдик, Гафур Ғулом, Ойбек ва Берди оғаларнинг дўстлик, маслақдошлик аёнчаларини янги алоқларимиз унутиб қўймагитми?! Миртемир, Шайх оғалар туркман динери ҳақида, Қора Сейитлиев, Керим Қурбоннепесовлар ўзбек дўгонлари ҳақида ўтди мисралар битган эдилар — бутунги ёшларимиз дўстлик туйғуларини мана шундай йўлда ҳам ифодалаш мумкинлигини биладиларми? Ўзбек тўйлари туркман бахшларисиз, Махтумқули шетларисиз ўтмаган, туркман динери Комилжон Отаниёзовнинг таширфиларини бир умр унутмай келаётми — кейинги йилларда санъат ва соз соҳасидаги алоқаларимиз ҳам сусайиб қолмадими? Бу саволлар мендай бир оқсоқол адиби жуда ташвишлантиради"².

¹ "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1987, 29 май

² "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1989, 13 январ

¹ "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1992, 2 октябрь

² "Ўзбекистон овози", 1991, 27 сентябр

Сиз тўрт қардош адабиёт — ўзбек, қozoқ, қоракалпоқ ва туркман адабиётининг энг машҳур шоир ва ёзувчиларининг кейинги пайтларда адабий алоқаларининг эътибордан четда қолиб кетганини, бу соҳада “турғунлик” ҳолати юзага келгани ҳақида куюнчоқлик билан айтилган фикрлари билан танишдингиз. Бундай мулоҳазалар бошқа ижодкорлар томонидан ҳам бир эмас, бир неча марта айтилган, расмий давраларда гапирилган, матбуотда ёзилган. Афсуски, бу масалада ҳозирги кунга қадар бирор жиддий силжишлар бўлаётгани кузатилмайди. Ваҳоланки, турли миллат вакиллари адабларининг норозилик оҳангидagi фикрларида асос бор. Улар бутунги ижтимоий — маданий ҳаётимизда, адабий жараёнда пайдо бўлган бу бушлиқни тўлдирини, халқларимиз дўстлигига хизмат қиладиган адабий алоқаларимизни тиклаш ва уни ранг — баранг шакллarda давом эттириб, жадал имовожапантиришга куюнчоқлик билан даъват қилаётгани, бонг ураётгани тасодифий эмас. Ушбу соҳага мутасадди бўлган ҳар бир раҳбар, ҳар бир ижодкор, ҳар бир зиёли бундан тегишан хулоса чиқариб, бу жараёнинг тикланишига ўз ҳиссасини қўишига интиломоғи зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз ҳам маълум даражада, мана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, салгина бўлсада бу бушлиқни тўлдирини мақсадида қўлингиздаги рисолати ёзишга жазм этдик. Яқин ўтмишимизда халқларимиз ва адабиётларимиз дўстлигига жонкуварлик билан хизмат қилган қардош адабларнинг ижодий фаолияти, шахсий ибрати мисолда адабиётлар ҳамкорлиги, ижтимоий — маънавий ҳаётимиз учун нақадар қудратли куч, янги — янги асарларнинг яратилишида эса илҳом манбаи бўлганлигини адабий мисоллар орқали далиллаб беришга уринамиз. Шояд, бизнинг бу сазй-ҳаракатимиз минтақадаги адабий алоқаларимизнинг бундан кейин озгина бўлсада ҳаракатга келишида “туртки”лик вазифасини ўтаса, ижодкорларимиз ўртасида анъанага айлиниб қолган дўстона муносабатларнинг қайта тикланишига хизмат этса, мақсадиимизга эришдик деб ҳисоблаган бўлуз эдик.

Кези келганда рисолага жалб қилинган адабий-бадий материаллардан фойдаланиш билан боғлиқ бир мулоҳазани қайда этиб ўтини лозимга ўхшайди. Гап шундаки, китобда сўз юритилган ёки таҳлилга тортилган баъзи илмий манбалар ва адабий-бадий нашрларнинг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинганга қўп йиллар бўлган. Аникроқ қилиб айтсак, уларнинг қўп-

чилиги совет даврида яратилган ва чоп этилган. Бир қарашда бу ижод намуналари истиқлол воқеалиги учун унчалик долзарб эмасдек қўриниши мумкин. Аслида уларнинг маъно-моҳияти теарироқ идрок этилса, бу асарларда ҳеч қачон ва ҳеч бир ижтимоий-тарихий шароитда ҳам эскирмайдиган, долзарблик ҳуссиятини, аҳамиятини йўқотмайдиган шундай муҳим илмий-бадий талқинлар борки, улардан бутун ҳам бемалола фойдаланиш, ҳозирги авлод вакилларига ибрат қилиб қўрсатиш мумкин. Сабаби, мазкур тадқиқотларнинг ҳар бирида бутунги замон руҳига мос гоъвий қарашлар, бадий ифодалар бор. Фикримизча, шўролар даврида яратилган баъзи бадий-публицистик асарларни ҳам, шоир ва ёзувчиларнинг ўзга адабиётларнинг намоилдалари тўтрисида бирор тадбир муносабати билан биттан мақолаларини ҳам мустақиллик мафжураси нуқтаи назаридан ўрганиш, талқин қилиш, илмий муомиллага киритиш фойдадан холи бўлмайди. Энг муҳими, адабий алоқа ва таъсир масалалари билан боғлиқ янги замон тақозо этган айрим муаммоларни тадқиқ қилишда, муайян хулосалар чиқаришда, бу “эски” материалларнинг амалий аҳамияти ниҳоятда катта. Шу боисдан ҳам биз тадқиқотимизда қўзланган мақсадага эришини учун ушбу илмий-адабий манбалардан янги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, жумладан, адабиётшунослик ва адабий танқидчиликда шўролар даври адабиётини қайта баҳолаш жараёнлари қизғин давом этётган бир шароитда, бу асарларнинг истиқлол гоёларига муштарак жиҳатларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилдик. Ва унда қиламизки, муаммонинг ечимига бундай ёндашувимиз ўкувчиларда, мутахассисларда эътироз туғдирмайди, балки қўла — қувватланади.

Адабиётларнинг бир-бирлари билан алоқа ўрниатишда алоҳида ижодкорларнинг воситачилик роли жуда муҳим. Ҳеч бир адабиёт бошқа бир адабиёт билан муайян шоир ёки ёзувчи шахсиятисиз алоқа ўрната олмайди. Зеро уларни бир — бирлари билан боғлаб турадиган “кўприк”, бу конкрет шоир, конкрет ёзувчи, унинг асарлари. Бу жаҳон адабиёти тажрибасида синналган ҳақиқат. Бу жараён ўтмишда ҳам шундай бўлган. Шунинг учун бўлса керак, бир адабиётнинг иккинчи бир адабиёт билан алоқалари тўтрисида сўз очилганда, энг аввало, ўша адабиётдаги адабий дўстликка кўпроқ хизмат қилган ёки хизмат қилиб келатган ижодкорнинг номи ва асарлари қўз олдимида намоён

бўлади. Ижодий фаолияти давомида қардош адабиётлар ман-
фаати учун сидикидидан қалам тебратган, бутун ҳаёти давомида
ҳам шахсий, ҳам адабий фаолияти билан, хусусан, туркий халқ-
лар ўртасида байнаминалчи бўлган, ана шу муқаддас гояга содиқ
қолиб, ажойиб асарлар яратган, хайрли ишларни амалга оширган
ижодкорлар ҳамма адабиётларда ҳам бор. Ўзбекистон халқ шо-
ири, Давлат мукофоти соҳирдор, академик Ғафур Ғулом XX
асрнинг мана шундай сўз усталаридан бири эди. Давримизнинг
машҳур ёзувчиларидан бири Чингиз Айтматовнинг ҳаққоний
ёзганидек: "Ғафур Ғулом туркий халқлар шеърини ривожига
буюк ҳисса қўшган, бутун кўп миллатли адабиётимизнинг тўнг,
кўркам вакилларида бири, барчамизнинг гуруримиз бўлган
ажойиб сўз санъаткоридир".¹

Ҳа, Ғафур Ғулом туркий халқлар ва туркий адабиётларнинг
том маънодаги ҳақиқий ҳурматга сазовор шоирларидан бири
бўлган. Собиқ шўролар замонидида унинг пойқадми тегмаган рес-
публика йўқ, десак муболага эмас. Ҳар бир республикада унинг
қаламкаш дўстлари, ҳамфикрлари бор эди. Улар ўзбек адабини
гоя ҳурмат қилганидек, Ғафур Ғулом ҳам уларни жуда қадр-
лаган, ижодини Ўзбекистонда тарғиб қилишда фаоллик кўр-
сатган.

Айниқса, Ғафур Ғулом Марказий Осиё халқлари ўртасида
ангачина танилган, асарлари севиб ўқиладиган катта мавзеге
эга атоқли шоир эди. Шу боисдан ҳам минтақамиз адабий ало-
қалари муҳити Ғафур Ғулом фаолияти билан жуда ранг-баранг
ва мазмунли бўлган. Ўзбек адабиётининг элгинчи-етмишинчи
йиллардаги қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ ва қирғиз ада-
биётлари билан алоқадорлигини Ғафур Ғулом ижодисиз тасав-
вур қилиш анча мушкул. Шоирнинг кўп қиррали адабий фао-
лияти бу давр адабий алоқалари китобининг энг ёрқин ва энг
мазмунли саҳифаларидан бирини ташкил этади. Унинг туркман,
қозоқ ва қорақалпоқ адабиётлари, ижодкорлари билан ҳамкор-
лиги, дўстона муносабатлари катта самаралар берган, мазкур
адабиётлар тараққиётининг муайян босқичларида ижобий рол
ўйнаган. Шу маънода Ғафур Ғулом бу қардош адабиётларнинг
"ўз шоири"дай бўлиб қолганди. Бугина эмас. Адиб шахсий ва
адабий фаолияти туфайли ўзбек адабиётини минтақамиздаги
қардош адабиётлар билан боғлашда, улар ўртасида ҳамкорлик-

ни, шоир ва ёзувчилари билан шахсий борди — келдиларни йўлга
қўйишда воситачи — "кўприк" вазифасини бажарди. Агар диққат
қилган бўлсангиз, М.Шаханов, Б.Худойназаров, И.Юсупов, Ҳ.Ҳо-
шимовларнинг юқорида эслатилаган мақолаларида адабий ало-
қаларимизнинг фидойилари тўғрисида сўз бошланса,
Ғафур Ғулом номининг биринчилар қаторида тилга олиниши ва
ўрнат қилиб кўрсатилиши бежиз эмас.

Ғафур Ғулом замонадош қаламкашлари эътироф этганидай,
худди мана шундай бағри кенг, оляжаноб инсон бўлган. Унинг
хонадонининг эшиги барча қалам аҳли, жумладан, жаҳон ва қар-
дош адабиёт вакиллари учун доимо очиқ эди. Шоир хонадонидида
меҳмонда бўлиб, мушоираларга қатнашган адабиёт, шеърят
муаммолари хусусида фикр алашган, баҳс-мунозаралар қилган
адибларнинг сони жуда кўп. Қардош адабиёт вакиллари учун
ўша йилларда ўзбек адабиёти ва маданияти ютуқлари билан та-
нишув Ғафур Ғулом хонадонини оstonасидан бошланган. Ўзбек ту-
проига қадам қўйган ҳар бир хорижлик адиб бу улкан шоирни
зиёрат қилиб, у билан дийдор кўришиб, суҳбатларидан баҳра-
манд бўлмасдан кетмаган. Шоирнинг "Бизнинг уйга қўниб ўтинг
дўстларим" деган шеърини ўқисангиз, бу фикрнинг қанчалик
ҳаётий, Ғафур Ғуломнинг адабиётлар дўстлигининг ҳақиқий
фидойис эканига ишонч ҳосил қиласиз. Унинг Мухтор Авесов
ва Собит Муқоновдек қозоқ, Берди Кербобоев ва Омон Кеки-
ловдек туркман, Мирзо Турсунзода ва Миршакардек тожик, Али
Тўқамбоев ва Чингиз Айтматовдек қирғиз, Жўлмирза Оймирзаев
ва Тилобберган Жўмамурадовдек қорақалпоқ адиблари билан
дўстона муносабатлари узоқ йиллар давомида адабиётларимизга
маънавий таянч бўлди, халқларимиз дўстлигини янада мустаҳ-
камлади. Шунинг учун ҳам бутунги авлод бу ҳамкорликларга
ҳавас билан қарайди, қўмсайди, мустақиллик замонидида ҳам
бу алоқаларнинг худди шундай даражада ижодкорларимиз томо-
нидан давом эттирилишини истади.

Мазкур рисола марказига Ғафур Ғулом ижодини қўяр экан-
миз, унинг шахсий ва адабий фаолияти нисолида мана шу ма-
салами — у ёки бу халқ адабий жараёнини фаоллаштиришда,
адабий алоқаларни ривожлантиришда алоҳида ижодкорларнинг
воситачилик ролини ёритиб беришни ният қилдик. Ғафур Ғулом-
нинг қардош адабиётларга, қардош адабиёт вакиллари билан
Ғафур Ғулом ижодига муносабатлари аспектида минтақа ада-

¹ Ғафур Ғулом замонадошлари хотирасида. Тошкент, 2003, 88 бет

биётлари ўртасидаги алоқаларнинг шаклланиб ва ривожланиб бориш жараёнларини таҳлил қилишга, ўзаро дўстлик, ижодий ҳамкорлик, адибларнинг шахсий борди-кеддилари бу адабиётлар учун қай даражада наф келтирганилигини адабий-бадний материаллар асосида илмий умумлаштиришга уриндик. Ва умид қиламизки, рисолада ижоди таҳлилга тортилган шоир ва ёзувчиларнинг бир-бирларининг адабиётлари тараққиёти учун қай-гуришлари, ғамхўрлик қилишлари, бошқада омижаноб сазй-ҳаракатлари, бутунги адабий жараёндаги қалам аҳлига намуна бўлади, қалбида устозлар анъаналарини давом эттириш истагини уйғотади. Энг муҳими, муҳтарам Юртбошимизнинг Олий Мажлис сиссияси минбаридан туриб айтганидек: "Халқларимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилиб турган"¹ Бир пайтда яқин ўтмишимиздаги маданий-адабий алоқаларимиз бобидаги бу хайрли ишлар амалий аҳамият касб этади, минтақадаги маънавий-руҳий бирлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ХАЛҚ ҲУРМАТИГА БЕЛАНГАН "ШАХИР"

Мен шеърят паҳлавони Ғафур Ғулом билан жуда яқин бўлиб кетганим, бизни бемалол оғанин деб аташингиз мумкин.

Берди Кербоев

Ўзбек ва туркман адабий алоқаларининг ўтган асрдаги 50—70 йиллари ҳақида сўз бошланса, атоқли шоир Ғафур Ғуломнинг номи, асарлари биринчилар қаторида тилга олинади. Сабаби, адиб ижодий фаолияти давомида икки адабиётнинг дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга, ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган эди. Унинг шеърлари бу ўлкада севиб ўқилади, туркман адиблари ўзбек шоирини ўзларига яқин олиб "ўз шаҳиримиз" ёки "Ғафур оғамиз" деб ҳурмат билан гапиришади, олимлари ижоди тўғрисида мақолалар ёзиб Туркменистонда тарғиб қилишади.

Ғафур Ғуломни туркман ҳаёти, адабиёти ва маданияти билан боғлаб турадиган дўстлик иллари кўп ва турли-туман. Уларнинг қайси бири ҳақида сўз очмайлик, бу жараён туркман ва ўзбек адабий алоқалари китобининг мазмуни саҳифаларидан бирини ташкил этишига гувоҳ бўламиз.

Ғафур Ғуломнинг Туркменистон ҳаёти, адабиёти ва маданияти билан танишувининг, ижодкорлари билан дўстлик алоқаларини ўрнатишининг ўзига хос тарихи, анъанаси бор. Шоир ҳаммisha қардош халқнинг адабиёти ва маданиятига қизиқиб, унинг тараққиётини кузатиб борарди, ютуқларидан қувонарди. Доимо туркман ҳаёти ва адабиётига яқин бўлишга интилган. Шу жиҳатдан, Туркменистонда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадалари, ўн куликлари шоир учун қулай имконият бўлган. Қаламқаш дўстлар билан шахсий учрашувлар, баҳс — мунозаралар, адабиётнинг турли муаммолари юзасидан фикр алмашишлар, адабий анжуманлардаги қизгин мушоиралар, шунингдек, пахтакорлар ва чорвадорлар, нефтчилар ҳузурида бўлиб, улар-

¹ И.А.Каримов. Туркистон умумий уйимиз. Тошкент. "Ўзбекистон", 1995, 15 бет

нинг меҳнат шариоатлари ва турмуш тарзи билан батафсил танишув шоирда чуқур таассурот қолдиради ва ихлом бағишлайди. Бундай тадбирлардан кўнган тўлган адиб ўн кунликлардан бирининг ёпилиш тантанасида шундай деган эди: "Бизнинг Туркменистонда бўлган ўн кунимиз бахтли ўн кунликлардан бири бўлди. Бизнинг ёзувчиларимиз сизнинг ёзувчиларингиз, сизнинг ёзувчиларингиз эса бизнинг ёзувчиларимиздир. Ўзбек адаблари ўз республикасига қайтгач, туркман халқининг қаҳрамонона меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи ажойиб асарлар яратадилар".

Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом башорат қилганидек, Ўзбекистонлик шоир ва ёзувчилар адабиёт байрагидан қайтиб келгач, туркман турмушига бағишлаб туркум асарлар ёздилар. Бу соҳада Ойбек, Уйғун, М.Шайхзода, Зулфия, Миртемир, Гайратий, А.Мухтор, Мирмуҳсин ва яна бошқа бир неча ижодкорларнинг туркман мавзусида яратган шеърлари диққатга сазовордир. Ғафур Ғулом ҳам ижоди давомида туркман халқи ҳаётига тез-тез мурожаат қилиб турди. Халқларимиз дўстлигига бағишлаб шеърлар, баллада ва поэмалар ёзди.

Ғафур Ғулом халқлар дўстлиги ва қардошлигининг чинакам куйчиси, тарғиботчиси бўлганини кўпчилик билади. Адабиётдаги дўстлик мавзуси шоир учун энг муқаддас ва энг шарафли мавзулардан бири эди. Унинг ижодини дўстлик мавзусидаги асарлардан холи тасаввур қилиб бўлмайди. Дўстликка бағишланган ҳар бир янги шеърда ҳамжиҳатлик ва биродарликни қаламга олар, аҳиликнинг самараларини ижтимоий-маданий ҳаётдаги муваффақиятлар билан бадний далиллаб кўрсатар эди. Маънавий-иқтисодий ҳаётимиздаги ҳар бир ютуқ, ҳар бир галаба халқларимиз дўстлиги, биродарлиги туфайли амалга ошаётганини, у барча галабаларнинг гарови эканлигини мисолларда ифодалайди. Биз шоирнинг қозоқ, тожик, озарбайжон, қорақалпоқ, кирғиз ва бошқа халқлар ҳаётига бағишланган шеърлари билан танишар эканмиз, сўз юритилаётган халқнинг турмуши, урф — одатлари, орзу — умидлари табиий, миллий бўёқларда чиқилганини кўриб мамнуи бўламиз.

Шоирнинг туркман ҳаётига бағишланган асарларида ҳам ана шу фазилатлар жамулмадир. Баъзи мисолларга мурожаат этайлик. Ғафур Ғуломнинг йигирма беш банддан иборат "Аму" сарлаҳли бир шеъри бор. Унда Амударёнинг ўтмиши, ҳозир ҳақида ҳаяжонли поэтик ҳикоя қилинади. Ўзбек ва туркман халқлари

тақдирида бу дарёнинг ўйнаган роли, гоҳ муңгли оҳангларда, гоҳ завқли мисраларда куйланади. Узоқ асрлар давомида икки қардош халқ ерларини сув билан таъминалаб келаётган бу азим дарёнинг дўстлик рамзига айланганлиги поэтик образларда бадний умумлаштирилади. Айниқса, туркман, қорақалпоқ, Хоразм заминини учун бу муқаддас дарёнинг аҳамияти бекиёс эканлиги, муштарақ мақсадларни амалга оширишда ҳаёт чашмаси вази-фасини ўтаётгани мамнуфоти билан қаламга олинади. Амударёнинг дўстлик дарёси сифатида талқин қилиниши шеърга кучли ижтимоий маъно касб этган ва у халқларимиз дўстлигига бағишланган энг яхши шеърлардан биридир. Мазкур шеър гоҳий йўналишни нуқтаназардан Берди Кербобоевнинг "Туркменистон баҳори" поэмасини эслатади. Бу асар ҳам Қорақум даштига сув чиқариш, Туркменистон ёлларини ўзлаштириш мавзусига бағишланган. Поэмада ҳам худди "Аму" шеърдагидек икки давр қиёсланади. Туркман шоири ҳам дастлаб Амударёнинг ўтмишига назар ташлайди:

*Қўлга олиб бўлмагандир Амуни,
Халқда бунга лойиқ қудрат йўқ эди.
Оҳ—нолага тангри қулоқ солмагач,
Яшашга ҳам бунда ҳожат йўқ эди.*

*Шу—шу бундан кўчиб кетган аҳли юрт,
Ундан буён кечгандир кўп асрлар.
Ўзбойнинг ҳам кўмилгандир шухрати,
Кўмилгандир унда пинҳон кўп сирлар.¹*

Бандлардаги фикр оқими, мазмун, мисралардаги драматик руҳ "Аму" шеърига жуда оҳангдош. Амударёнинг тарихини бадний ифодалашда икки шоир ҳам бир хил йўналишда турган, лекин ҳар хил ифода усулини қўллаганлар. Энг муҳими, икки шоир ҳам дарёнинг қадимги ўзанида яшаб келган халқлар, сув-сизлик туфайли мураккаб ҳаёт кечиргани тўғрисидаги реал ҳақиқатни ўзларининг ижодий принципларида келиб чиқиб ўзига хос бадний шаклда ёритган.

¹ Ё.Кербобоев. Туркменистон баҳори. Тошкент, 1974, 117-беш. (Турк-манчадан Ойон Матжон таржимаси)

"Туркменистон баҳори" яна бир хусусияти билан "Аму" шеърига ўхшайди. Б.Кербобоев асарида ҳам халқлар дўстлиги ғоясини улуғлашга алоҳида эътибор бериллади. Поэмда туркман ва ўзбекларнинг ҳамжиҳатликда Амударё сувидаан фойдаланиб деҳқончилик қилаётгани, барча қийинчиликларни биргаликда енгиб, ҳосил етиштираётгани кўтаринки руҳда тасвирланади. Дўстлик заминига қурилган меҳнат инсонни улуғлайди деган ғоя поэманинг маъзига сингдирилган. "Аму" шеъри ва "Туркменистон баҳори" поэмаси худди мана шу ғояни бадний талқин қилишда муштаракдир.

Амударёга бағишланган бу икки асарни қиёслар эканмиз, улардаги диққатга сазовор яна бир адабий ўхшашликни қайд этиб ўтмоқчимиз. Бу — поэтик фикр ифодалашдаги шоирларнинг бадний маҳорати билан боғлиқ масала. Ғафур Ғулом шеърида Қорақум ва Амунинг ўзига хос табиатини ўқувчи кўз ўнгиде жонлироқ, таъсирлироқ гавдалантириш учун бадний тасвир воситаларидан санъаткорона фойдаланади. Дарёнинг ўжарлиги "бевафо ёр"га қиёсланиши, асов тўлқинларнинг "аждаҳо"га ўхшатилиши, дарёнинг тез оқиши "чопқир от" тарзида берилиши, Қорақум билан Амударёнинг "ошиқ-маъшуклар" деб таърифланиши шеърнинг таъсирчанлик хусусиятини оширган.

"Туркменистон баҳори" поэмасида ҳам бу ҳидаги ташбеҳлар ўзига хос бадний шаклда, миллий бўёқларда муваффақиятли қўлланилган. Бу эса асардаги лирик қаҳрамон туйғуларининг таъсирчан чиқишига, айтилаётган фикрнинг ўқувчи қалбига осон етиб боришига ёрдам берган. Дарё оқимининг "нор туянинг эсириши"га ўхшатилиши, Қорақумнинг "жонор"га, унинг сийнасининг "кўк водийлар қўйлаги"га, чангининг "улагга", қўллариинг "биллур ойина"га қиёсланиши, поэманинг бадний мукаммаллигидан дарах беради. Ўқувчи хотирасида абдий муҳрланиб қоладиган бундай поэтик ташбеҳларни ўзига хос кашфиётлар дейиш мумкин. Асл нусхага хос бўлган такрорланмас миллий хусусиятларнинг таржимада ҳам яхши чиқишида Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг таржимон сифатидаги ижодий меҳнатлари мақтовга лойиқ эканлигини қайд этиб ўтиш ўринлидир.

Ғафур Ғулом ва Берди Кербобоевнинг "Аму" ҳамда "Туркменистон баҳори" асарлари ўртасидаги ғоявий-бадний яқинлик, мазмун оҳангдошлиги, бадний санъатларни қўллашдаги ўхшашлик,

адабий усуллардаги умумийлик, бизнинг назаримизда, тасодифий эмасдек кўринади. 1950 йилда ёзилиб, ўша йили "Шарқ юлдузи" журналинда босилган Ғафур Ғуломнинг "Аму" шеъри ва унда тасвирланган халқлар ўртасидаги дўстликнинг бадний лав — ҳалари Берди Кербобоевни илҳомлантирмадимикин ва уни 1958 йилда "Туркменистон баҳори" поэмасини ёзишга "туртки" бўлмадимикин?, деган фикр хаёлимиздан ўтганлигини яшира олаемиз. Берди Кербобоев қаламкаш дўсти Ғафур Ғулом ижодини доимо қизиқиб ўқиб боргани, шуҳрати баланд катта-кичик ижод намуналаридан хабардорлиги, ҳамша доларб мавзуларда асарлар яратишда тажриба олишиб, фикрлашиб тургани, шундай ҳулоса чиқаришимизга асос беради.

Лекин "Туркменистон баҳори" умумий хусусиятлари билан "Аму" шеърига ҳар қанча яқин бўлмасин, у тамонилда оригинал, янги асар. Шеър ва поэманинг таҳдиди предмети, тасвир объекти (Қорақум, Амударё) бир бўлса ҳам, ифода усуллари ҳар хил. Жанр нуқтаси назаридан ҳам улар фарқланади. "Аму" лирика билан публицистика ўзаро уйғунашиб кетган шеър бўлса, "Туркменистон баҳори" ўзига хос сюжет оқимига, образлар тизимига, композицион қурилишига эга лиро-эпик поэма.

"Туркменистон баҳори"нинг яна бир ўзига хослиги шундаки, у миллий заминда, маҳаллий тарихий шароитда яратилган асар. Поэмадаги ҳар бир кўриниш тасвирида, ҳар бир лирик чекиниш, табиат манзаралари чизилган лавҳаларда туркман миллий колорити уфуриб туради. Демак, асардаги миллий заминнинг мустаҳкамлиги, давр колоритининг чуқур ифода этилгани, ижтимоий ҳаёт шароитининг образлар орқали ҳаққоний тасвирланганлиги "Туркменистон баҳори"нинг ўзига хослигига яна бир далилдир.

"Туркменистон баҳори" ва "Аму" ҳар икки адабиётда, муайян даражада анъана яратган асарлар деб айта оламиз. Амударё мавзуси кейинчалик ўзбек ва туркман адабиётларида кўп марта қаламга олинди, бир қанча дostonлар, туркум шеърлар, очерклар майдонга келди. Туркман шеърятинида Б.Сейтақовнинг "Амударё қирғоғида", О.Отажоновнинг "Аму", Б.Худойназаровнинг "Амударёда сузиш", О.Кекиловнинг "Дўстлик дарёси" каби шеърлари, Қ.Тагриқулиевнинг "Муқаддас дарё" поэмаси, ўзбек адабиётинида Ғайратийнинг "Қорақум каналига", Р.Бобожоннинг "Оқ йўл бўлсин сизга Аму суварли", "Оби ҳаёт" дostonи, Мирте-

мирнинг "Аму бўйларида" ва яна бошқа ўнлаб асарлар фикри-мизга нисол бўла олади.

Амударё мавзусига бағишланган юқоридаги асарларнинг барчасига хос бир муштараклик бор. Бу уларда халқлар дўстлиги ғоясининг юксак нафосда куйланиши. Ўзбек ва туркман халқларининг мураккаб меҳнат шароитларидаги ҳамкорлиги, сул танқислиги оқибатида пайдо бўлган қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтишлари каби ҳаётий ҳақиқат асарларда катта маҳорат билан поэтик умумлаштирилади. Ғафур Ғулом ва Берди Кербобоевдан кейин бу мавзуга мушоаёт этган туркман ва ўзбек адиблари устозлари анъаналари изидан бориб, янги шеърлар, дostonлар яратишди. Икки сўз санъаткорининг бу соҳадаги адабий тажрибаси уларни ўзига хос овоз ва услубда қалам тебратишга илҳомлантирди.

Шу ўринда бир аччиқ ҳақиқатни айтиб ўтмасак бўлмас. Ғафур Ғулом ва Берди Кербобоевнинг Амударё мавзусида яратган ҳар икки асарида (бошқа шоирларимизнинг ҳам ўтган асрининг 60–70 йилларида Аму ҳақида ёзган асарларида ҳам) илгари сурилган ғоя, Амударёни жиловлашда ўзбек ва туркман меҳнаткашларининг ҳамжиҳат бўлганлиги, дарё сувини туркман, ўзбек саҳроларига буриб, қўриқ ерларни ўзлаштирганлиги, экин май-донларини кенгайтирганлиги, бу жараён улар ўртасидаги дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлашга хизмат қилганлиги каби масалаларнинг шеър ва поэмада улуғланиши, кўтаринки руҳда тасвирланиши бугунги китобхона бирмунча эриш туолини табиий. Ҳозирда Амударё сувининг камайиб кетганлиги, унинг ғоят ифлосланиши, айниқса, Орол денгизининг қуриб бораётгани каби аянчли фактлар, эндиликда Аму соҳилларида яшаётган халқларнинг катта ташвишига сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Агар бир вақтлар Хоразм воҳасида яшовчи туркман, қорақалпоқ, ўзбек ва бошқа миллат вакиллари Амударё тошқинларига қарши биргаликда кураш олиб бориб, уни жиловлаб, сувини қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга "бўйсундирган" бўлсалар, эндиликда Амударё бу халқларни бошқа бир йўналишда ўзининг "аччиқ қисмати" атрофига тобора тигизроқ жипслашишга ундамоқда.

Албатта, бу билан биз Берди Кербобоев ва Ғафур Ғулом асарларида бир вақтлар илгари сурилган ғояларни, ифодаланган

мазмунни бугунги Амударё ва Оролнинг ачинарли тақдирига қарама-қарши қўйиш, шу орқали шоирларни бугунги ҳаёт ҳақиқатидан чекинганликда айблаш фикридан йироқмиз. Бундай йўл тутилса, маънависизлик бўлур эди. Ғафур Ғулом ва Берди Кербобоевнинг бу икки асари яратилган даврларда, чиндан ҳам, Амударёнинг шухрати жуда баланд бўлиб, у воҳа халқларининг ижтимоий—иқтисодий ҳаётида ижобий рол ўйнаган. Ғафур Ғулом ҳам, Берди Кербобоев ҳам Аму туйфали қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилаётганини, улардан юқори ҳосил олинаётганини, қўллар бог—бўстонга айланиб, чирой очаётганини ўз қўллари билан кўрганлар. Бу меҳнат жараёнлари икки шоирга ҳам илҳом берган, қўлларига қалам тутқазган. Бу ўша даврнинг ҳақиқати! Шунинг учун ҳам мазкур асарлардаги мазмун, илгари сурилган ғоя, гарчи Амударё ва Оролнинг бугунги тақдирига мос келмасда, ўз даврининг бадий қўзғуси, ўша замоннинг жўшқин ҳаёт тарзи сифатида ўқувчига завқ беради. Агар ҳар бир асарга у яратилган ижтимоий—тарихий шароит, давр нуқтани назаридан баҳо берадиган бўлсак, Ғафурнинг "Аму", Б.Кербобоевнинг "Туркменистон баҳори" асарлари XX асрининг 50 йиллари ўзбек ва туркман шеърнати тараққиётида сезиларли из қолдирган ижод намуналаридир.

Ғафур Ғулом шеърнатида туркман ҳаётига бағишланган яна шундай асарлар ҳам борки, уларда бевосита туркман хотин-қизларининг меҳнати мадҳ этилади. Ғилат тўқувчи туркман қизларининг нафис санъатидан қалбни завққа тўлган шоир жўшқин илҳом билан мана бундай гўзал қаторларни ижод этган эди:

*Бир мари қизининг тиккан ғилами,
Охирги сапрга номин ўқидим.
Юлдузни эришиб, азиз дўстларим,
Шу туркман қизи—чун шеър тўқидим.*

*Чинорлар учига биринчи нурни
Даставвал қўришга кўзим учатди,
Қалам ҳам қуёшдек, тез юриш билан
Сапримдан сапримга қараб кўчатди.*

*Малла қўзичокнинг териси каби,
Баҳор эркалаган ҳайқирувчи сув,*

*Битта қиз гуллардан тақиб чамбарак,
Узи ҳам кулворди ва кулди кўзугу.*

Ғафур Ғулом қардош туркман халқи ҳаётидаги ҳар бир ян-гиликдан, қўлга киритилган ҳар бир муваффақиятдан қувонди, фахрланди. Дўстларнинг ижтимоий – иқтисодий ҳаётда эришган ҳар бир ғалабасини ўз ғалабасидек ҳис қилди, қувонч туйғуларини шёрий сатрларга жойлаб қардошларига ҳада этди. Ғафур Ғулом ана шундай меҳри дарё, катта қалб эгаси, оташин байнаминал шоир бўлган.

Ғафур Ғулом ва Берди Кербобоев ўртасида узоқ йиллар давом этган шахсий дўстлик, ижодий ҳамкорлик ўзбек ва туркман адабиётлари дўстлиги китобининг энг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этадики, бу ҳақда сўз юритмаслиқнинг асло иложи йўқ. Ғафур Ғулом вафот қилганига мана салкам қирқ йил бўляпти. Лекин ҳозирга қадар туркман адиблари бу забардаст шоир ҳақида, унинг туркман ёзувчилари билан алоқалари, дўстлиги тўғрисида ажойиб мақолалар, хотиралар ёзишда давом этмоқда. Шу фактнинг ўзидек туркман адибларининг ўзбек адабиётига, Ғафур Ғулом ижодига бўлган катта ҳурматининг рамзидир.

Ғафур Ғулом билан Берди Кербобоев ораларидаги самимий дўстлиқнинг жонли гувоҳи бўлган машҳур туркман шоири Ота Отажонов "Битта қиздан бошланган йўл" номи мақоласида ўша тарихий учрашувларини хотирлаб шундай ёзган эди: "Ғафур Ғулом билан Берди Кербобоевнинг оташин дўстлиги ҳақида қанча ёзилса ҳам оз. Бу иккала оқсоқолнинг дўстона учрашувларидан бир нечасига мен ҳам гувоҳ бўлганман. "Мабода туркман ерига, Ашхобдага йўлим тушадиган бўлса, бу тупроққа таъзим қилмасдан, Берди оғага салом бермасдан, унинг тузини тотмасдан ўтиб кетолмайман", деган гапини Ғафур Ғулом жуда кўп такрорлар эдилар. Ғафур ақа ҳаммадан кўра ҳам шёър тинглашни яхши кўрардилар. Дастурхон ёзилганда, ёки овқат тортилиш олдидан: "Келингар, бир шёър эшитайлик" дердилар. Шёърдан олган таассуротлари яхшими, ёмонми юзларида шундоқ акс этиб турарди".

Икки оқсоқол адиб самимий дўстлик аъёналари фонида узоқ йиллар давомида ҳамкорлик қилдилар, ўзбек ва туркман адабиётлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, ривожлантиришга астойдил ижодий меҳнат сарфладилар. Шунинг учун ҳам Берди Кербобоев ва Ғафур Ғулом дўстлигининг мазмунида биз бир вақтлардаги икки қардош халқ биродарлигининг, адабиётларимиз ҳамкорлигининг ажойиб тимсолини кўрамиз, фахрланамиз.

Ғафур Ғулом халқларимизнинг азалӣ дўстлиги ҳақида оташин нутқ сўзлаганида ҳам, қардош адабиётлар ҳамкорлигига бағишлаб мақола ёзганда ҳам Берди Кербобоев номини, асарларини биринчилар қаторида тилга олади. Бунинг боиси шундаки, Ғафур Ғулом Берди Кербобоев тимсолида қардош адабиётларининг бўй-бастини, халқларимизнинг истиқболи, бахт-саодати учун курашаётган, тинимсиз ижод қилаётган ҳақиқий байнаминал, бутун Шарқнинг қоядек оқсоқол ёзувчисини кўргандек бўлади.

Ғафур Ғулом "Бу гимини ҳаммамиз куйлаймиз" номи мақоласида дўстлик ва қардошлик ҳақида сўз очиб, кўпгина адабиёт даргаларининг номларини фохр ва ифтихор туйғулари билан тилга олади, уларнинг ҳар бирига атаган дил сўзларини айтади. Ана шу рўйхатнинг бошида "Берди Кербобоев" деган улут ном туради. "Мана булар эса, — деб ёзади Ғафур Ғулом юқориди тилга олинган мақоласида, — барҳаёт улут халқимиз адабиётининг темир бетондан қилинган устунларидай, реалистик ижоднинг бутун завқини, ҳузурини, машаққатларини елкаларига кўтариб, қалъалар очиб келаётган афсонавий рицарлардай олдинги сафларда кетаётган қардош адабиётларнинг йирик намояндалари — меннинг қардошларим, қариндошларим, дўстларим.

Мана бу — Берди оға Кербобоев — Небитдоғда нутқ сўзлаб турибди.

Мана бу — Собит Муҳонов — ўз сайловчилари олдида отда кетаётибди.

Мана бу — Мухтор Аъезов — ўзбек дўпписи, чопонида Ўзбекистон Фанлар академиясининг юбилей сессияси президиумида.

Мана бу — халқимизнинг шоир ва дипломати Мирза Турсунзода — Жавоҳарлал Неру қабулида..."

Мақола давомида Ғафур Ғулом XX аср адабиётининг ёрқин сиймолари саналиши С.Вургун, С.Рустам, А.Сурков, С.Айний,



Ғафур Ғулом қаламқаш дўсти Берди Кербобоев 70 йиллик юбилейи билан табрикламоқда

сеизларли рол ўйнаган.

Ғафур Ғулом учун Берди Кербобоев ҳақида гапириш, бу туркман халқи ҳақида сўз айтиш, умуман, халқларимиз ва адабиётларимиз дўстлиги тўғрисида гапиришди. Ғафур Ғулом Берди Кербобоев асарларини гоҳат қадрлаган, унинг ижодий муваффақиятларидан ҳамиша қувонган, ўрни келганда у ҳақида махсус мақолалар ҳам ёзиб, Ўзбекистон матбуотида чоп эттирган. Унинг ана шундай мақолаларидан бири "Оғамнинг тўйи" деб номланади. Мақола Берди Кербобоев таваллаудининг етмиш йиллиги муносабати билан ёзилган.

Адабиётшунослик ва тадқиқчиликнинг ўзбек-туркман адабий алоқаларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларида Ғафур Ғуломнинг Берди Кербобоев ижодига бағишланган мақоласи бор эканлиги қайд этилади — ю, лекин у ҳақда кенгроқ мулоҳаза юри-

П.Тичина, Ойбек, А.Тўқамбоев каби шоир ва ёзувчиларнинг дўстлиги бебаҳо дўстлик эканини ҳаётий тажрибалари, ижодий учрашувлардаги тавассуротлари асосида ёритади. Ғафур Ғулом бу адибларнинг ҳар бири билан шахсий дўстона муносабат ўриганди, ижодий ҳамкорлик қилган эди. Бундай мулоқотларнинг самараларини биз ўзбек шоирининг ижодий қамолотида кўришимиз мумкин. Жумладан, Ғафур Ғулом билан Берди Кербобоев ўртасидаги самимий дўстлигини, адабий ҳамкорликни далилловчи ҳаётий фактларни, адабий материалларни ўрганиш шуни кўрсатаптики, икки адибнинг ижодий биографиясида ҳам уларнинг ўзаро суҳбатлари, тажриба алмашувлари

тилмайд. Ўзбек шоирининг туркман адаби ҳақидаги баъзи фикрлари, кўпинча мақоланинг у ер бу еридан олинган кўчирмалар орқали юзаки шарҳланади, мақоланинг илмий-эстетик салоҳияти етарли очиб берилмайди. Мутахассисларнинг мазкур мақолага бундай муносабатини, назаримизда, унинг юбилейбоп эканлиги билан изоҳлаш керакка ўхшайди.

Адабиётшуносликда муайян шоир ёки ёзувчининг юбилейи муносабати билан ёзилган бундай мақолага мутахассислар негадир эътиборсизлик билан қарайдилар. Уларнинг назарида бундай мақолалар гўё илмий таҳмидан йироқ, адабиётшунослик муаммоларидан холи, шунчаки, бир ахборот учун ёзилган маълумот деб қаралади. Адабиётшуносликда шундай характердаги мақолалар балки учраб турар. Буни инкор қилмоқчи эмасмиз. Айниқса, муайян бир қардош адабиётнинг шоир ёки ёзувчисининг юбилейига бағишланиб "зарурат" билан ёзилган мақолаларда, кўпинча, биографик маълумотларни қалаштириб ташлаб, фақат яратган асарларининг номларини санаб ўтиш билан чекланилади. Сўз юритилаётган шоир ёки ёзувчи ижодининг ўз адабиёти ва бошқа адабиётлардаги ўрни, мавқеи, конкрет асарлари таҳлилида етарли илмий асосда очиб берилмайди. Юзаки ёзилган бундай қалендарбоб мақолаларнинг илмий-эстетик аҳамияти ҳам заиф бўлиши табиий. Шу жиҳатдан қарасак Ғафур Ғуломнинг Берди Кербобоев ижодига бағишланган мақоласи, гарчи, туркман адабиятининг юбилейи муносабати билан ёзилган бўлса-да, унинг илмий савияси анча бақувват. У чинакам илмий таҳлил асосига қурилган адабиётшуносликнинг етук намунаси. Б.Кербобоевнинг адабий-эстетик принципларини ўқувчи кўз ўнгига гадалантира оладиган илмий тадиқот. Мақолани ўқиган киши Берди Кербобоевнинг шоирлик, ёзувчилик, драматурглик фаолияти ҳақида яхши ва аниқ маълумотларга эга бўла олади. Бутуна эмас. Ғафур Ғулом Берди Кербобоевнинг туркман адабиётида тутган ўрнини, барча қардош адабиётлардаги мавқеини, катта жамоат арбоби эканлигини, унинг ижоди жаҳоншумул аҳамият касб этаётганини, шунчаки, юзаки баён этмайди, балки ёзувчининг ижодий ва ижтимоий фаолиятига доир далиллар билан асослаб беради. "Берди оға Кербобоев деганда, — деб ёзади Ғафур Ғулом мақолада, — ҳозирги кунларда тобора гуркираб яшнаётган қардош туркман адабиётининг забардаст вақили, отахон ёзувчиси ва бутун Шарққа номи кетган йирик жамоат арбоби кўз олдинта келади. Ҳозирги кунларда бу

йирик сиймоннинг туркман халқи ҳаётининг тиник кўзгуси дейишга аризулик ажойиб асарларини — жўшқин лирик шеърларини, серзавқ ва ҳаётбахш қўшиқларини, тарозни босадиган салмоқдор поэмаларини, замондошларимизнинг унутилмас образлари яратилган повесть ва романларини, юрак тўқинлари мавжланиб турган публицистик мақолаларини ўқимаган, уларга ақалли кўз қири тушмаган адабиёт ҳавасманди тошмас, десам хато бўлмас".

Ғафур Ғуломнинг бу сўзлари, унинг узоқ йиллар давомида қаламаш дўсти ижодини кузатиш ораксиде тушланган тажрибаларининг умумлашмаси, тафаккурда шакланган илмий-эстетик хулосалари йиғиндисидир.

Ғафур Ғулом мақолада Берди Кербобоевнинг ҳаммага маълум ва машҳур асарлари тўғрисидагина эмас, балки унинг ижодий лабораториясига, тадрижий ўсиб бориш жараёнларига ҳам назар ташлайди. Шоир лирикасининг маззу ранг-баранглиги, жанговарлик хусусияти, замон талабларига ҳозиржавоблиги, давр билан ҳамнафаслиги ҳақидаги фикрлар мақолада жуда асосли келтирилганки, бу ўзбек шоирининг туркман адаби ижодини анча мукаммал билганлигидан дарак беради. Агар Ғафур Ғулом Берди Кербобоев шеърлатидан яхшигина хабардор бўлмаганида, ўтган асрнинг йигирманчи йилларидаги лирикаси ҳақида, ёш шоирнинг бу давр газета-журналларида пешма-пеш босилиб турган шеър ва поэмалари тўғрисида дадил фикрлар биладириб, илмий хулосалар чиқаришга журъат эта олмаган бўларди. Адибнинг ўша даврларда яратилган "Қизлар дунёси" достони ҳам Ғафур Ғулом томонидан шундай илмий савияда, профессионал даражада яхши таҳлил қилинганки, тақинининг пухта ва пишиклигига эътироз билдириш қийин. Достоннинг туркман адабиётидеги ўрни ва аҳамияти тўғри белгилан берилган.

Ғафур Ғулом мақолада Берди Кербобоевнинг насрий асарлари, айниқса, "Дадил қадам" ва "Небитдоғ" романлари юзасидан салмоқли фикрлар айтган. Жумладан, "Дадил қадам" романига юқори баҳо беради. Романде туркман халқининг ҳаёти реал тасвирлаб берилганлиги, ҳар бир эпизод, ҳар бир образда давр руҳи ҳаққонин ифода этилганлиги ёзувчининг ижодий ютуғи сифатида баҳоланади. Муаллиф асардаги қаҳрамонларнинг ҳаётининг, таъсир кучи ҳақида тўхтаб, "Романдаги Ортиқ, Айна, Чернишев каби қатор образлар кишининг қалбига маҳкам ўрнашиб, унда унутилмас таассурот қолдиради" деб ёзади.

"Небитдоғ" романи ҳам Ғафур Ғуломнинг ҳурматини қозонган асарлардан биридир. Шоир мақолада мазкур романининг говийи-бадий хусусиятларини таҳлил қилишга кўпроқ ўрин ажратади. Мазкур романи у: "Давримизнинг қудратли одими эшитилиб турган, замона руҳи билан сугорилган асар" деб баҳолайди ва шундай ёзади: "Берди Кербобоев асарларида замонамиз нафаси сезилиб, давримизнинг қудратли овози эшитилиб туради. Мен ёзувчининг китобхоналарга кейинги йилларда тўхфа қилинган "Небитдоғ" романини замона руҳи билан сугорилган асарлардан бири деб биламан. Бу асарнинг қаҳрамонлари офтобда хонсираб ётган қум барханлари қатъидан бебаҳо бойлигимиз бўлган нефть олаётган азамат замондошларимиздир. Мен 1962 йилининг охириларида Туркменистонда ўтган ўзбек адабиёти декадаси кунларида Ашхабоддан анча нарида бўлган Небитдоғ ва Қўтир тепада — "қора олтин" олаётган кишилар даврасида бўлиб, уларнинг меҳнатда кўрсатаётган фидокорликларига ва жасоратларига қойил қолиб, офаринлар ўқидим. Берди оға романининг прототишлари ҳаётдаги ана шу нефтчиларди. Бу кишилар ёзувчига ихлос бериб, унинг қўлига қалам тутқазинган, адиб эса энди ўз навбатда ажойиб китоби билан уларни янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқда".

Академик-шоирнинг бу мулоҳазалари унинг Туркменистонда бўлиши, қум барханлари қатъидан "қора олтин" қазиб олаётган туркман нефтчилари ҳаёти ва меҳнат шароитлари билан бевосита танишуши ва шу жараёни ҳис қилиши кейинчалик унга "Небитдоғ" романи тўғрисида далилли фикр юритишга, роман қаҳрамонларини ҳаёт қаҳрамонлари билан қиёслаб хулоса чиқаришга асос бўлган эди. Ғафур Ғулом айтганидек, "Небитдоғ" романининг шўхрати, илтимой — тарбиявий аҳамияти фақат Туркменистон билан чегараланиб қолмади, у ўз даврида ўзбек нефтчи ва кончиларини ҳам, пахтакор ва чорвадорларини ҳам янги меҳнат зафарларига ихлослантирувчи маънавий куч, қудратли бадийи восита ҳам бўлди. Романининг ўзбек тилига ўғрилиб нашр этилиши Берди Кербобоевни адабиётимизга, китобхоналаримизга, энг муҳими, нефтчи ва кончи замондошларимизга, Муаллиф руҳий оламига янада яқинлаштирди.

Муаллиф мазкур мақолада Берди Кербобоевнинг ўзбек адабиёти билан бўлган алоқаларига, асарларининг ўзбек тилида нашр этилиши ва китобхоналар томонидан севиб ўқилиши каби факт-

ларга ҳам эътиборни қаратади. Туркман адабиётининг қарвон-бошичи асарлари туркман китобхоналари томонидан қанчалик қизиқиш билан ўқилса, улар Ўзбекистонда ҳам худди шундай севиб мутолаа қилинади. Унинг "Дади қадам", "Небитдоғ" романлари, "Оқ олтин" қиссаси ва яна бошқа бир неча шеърый ва насрий асарлари ўзбекистонлик мухлисларга кўп йиллардан бери маълум эканлиги Ғафур Ғулом мақоласида тилга олинади ва шунинг учун ҳам Берди Кербобоев ўзбек адабиётининг, ўзбек китобхоналарининг энг яқин дўсти, "ўз ёзувчиси" бўлиб қолган, деган хулосага келади.

Берди Кербобоевнинг ижодий қиёфасини характерлайдиган бундай қизиқарли кузатишларга, ибратомуз фикрларга мақоладан яна бир неча мисоллар келтириш мумкин эди. Биз мазкур мақолани бирмунча кенгроқ шарҳладик. Аслида, Ғафур Ғуломнинг Берди Кербобоев юбилейи муносабати билан ёзилган "Оғамнинг тўйи" мақоласи борлигини йўл-йўлакай тилга олиб ўтаверсак ҳам бўларди. Юқорида қисман қайд этганимиздек, Ғафур Ғуломнинг ушбу мақоласи календарбоб мақоладан фарқи ўлароқ, чинакам илмий-тадқиқот, адабиётшунослик асарига мансубки, шу боис у ҳақда батафсилроқ мулоҳаза юритиш зарурати туғилди. Ўзбек китобхоналарини Берди Кербобоевнинг ижод йўли билан муфассал таништиришда ушбу мақола катта аҳамият касб этишига ишонамиз.

Биз кўпроқ Ғафур Ғуломнинг фақат Берди Кербобоев ижоди ҳақидаги кузатишлари, фикр-мулоҳазалари хусусида тўхтадик, холос. Бундан Ғафур Ғулом туркман адабиётининг бошқа намоёндалари ижодидан, туркман мумтоз ва замонавий адабиётидан беҳабар бўлган экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги лозим. У Махтумқули, Камина, Андалиб, Мулланафас, Зеҳилий, Сейидий каби туркман мумтоз адабиёт шoirларининг асарларини қанчалик мукаммал билган бўлса, Х.Деряев, Б.Сейтақов, К.Сейталиев, К.Қурбонпешев, О.Отажонов каби туркман замонаш адиблари ижодидан ҳам яхшигина хабардор бўлган. Қардош туркман халқи Ғафур Ғуломни ана шу фазилати учун ҳам унинг ижодини қадрлайди, уни "ўз шахири미з" деб атайди, асарларини қайта-қайта нашр қилишади. Урта мактаблар учун қиқарилаган дарслик ва мажмуаларда, Олий ўқув юрталарига мўжалланган туркман адабиёт қўлланмаларида қардош халқлар адабиётининг йирик арбоблари сафида Ғафур Ғуломнинг номи ва асарлари ҳам ҳурмат билан тилга олинади, ўрганилади.



Ўнглаш: Берди Кербобоев, Ғафур Ғулом
ва Камил Яшин ўзаро фикрлашмоқда

Ғафур Ғулом ҳақида ҳаминша жўшқин илҳом билан гапирадиган, қаламқаш дўстини доимо шарафлаб мақолаалар ёзган, шoirлик талантини олқишлаган туркман адибларининг биринчиси бу — Берди Кербобоев эди. У ўзбек шoirини сиқидилдан ҳурмат қилар, унга бағишланган қалб сўзларини гоҳ туркман матбуотида, гоҳ Ўзбекистондаги газета ва журнал саҳифаларида, баъзан марказий матбуот орқали ихпор этар эди. Ғафур Ғулом туғилган куннинг элики ва олтинчи йиллик тантаналарида Берди Кербобоев шахсан иштирок этиб, бутун туркман халқининг ўзбек шoirита бўлган садоқат туйғуларини баён этганлиги адабий жамоатчиликка яхши маълум.

Ғафур Ғулом билан ўзбек тарихий учрашувлар, адабий анжуманлардаги ўзаро фикр алмашувлар, самимий суҳбатлар, халқаро анжуманларда бирга қатнашишлар, бари Берди Кербобоевда ўчмас таассуротлар қолдирган. Унинг Ғафур Ғуломга бағишланган ҳар бир мақоласида ана шу таассуротлар нафаси уфуриб туради. Берди Кербобоев Ғафур Ғулом билан Туркменистон бўйлаб сафарда юрган кезларини эслаб, марказий мат-

буотда эълон қилган мақолаларидан бирида шундай деб ёзган эди: "Горький номи қолхоз атёлари ўзбек шоирини чин дилдан севиб қолдилар, улар уни "шахир" деб, яъни Махтумқули замонидан туркманлар орасида қалам аҳлига бериладиган энг олий унвон билан атадилар. Ўрта Осиёнинг қайси бир жойига бормасин, уни одамлар меҳмон сифатида эмас, балки яқин дўсти сифатида кутиб олар эдилар. У қозоқлар билан қирғизлар, тожиқлар билан туркманлар учун бизнинг ўз элатимиздай эди".

Берди Кербобоевнинг собиқ иттифоқнинг энг нуфузли матбуоти минбаридан туриб Ғафур Ғуломга нисбатан айтган бу гаплари, берган юксак баҳоси, халқимиз, адабиётимиз учун қанчалик мароқли ва аҳамиятли эканлигини тасаввур қилган бўлсангиз керак.

Берди Кербобоев учун Ғафур Ғулом ҳақида гапириш, ёзиш икки қардош халқнинг абадий дўстлиги, адабиётларининг ҳамкорлиги ҳақида гапириш, ёзишдир. Шу тўғрисида ҳам унинг Ғафур Ғуломга бағишланган мақолалари адабий дўстлик мақолаларига ўхшаб кетади. Берди Кербобоев Ғафур Ғулом тимсолида икки қардош адабиёт ҳамкорлигининг ажойиб самарасини кўради ва бу ҳақда доимо ифтихор туйғулари билан қалам тебратди. Туркман адабининг Ғафур Ғулом ижодига бағишланган "Халқлар дўстлигининг жарчиси", "Дўстимга шарафлар бўлсин!" мақолалари алоҳида адабий дўстлик туркумини ташкил этади, туркман ва ўзбек адабиётлари ҳамкорлигининг ҳаётбахш самараларидан далолат беради.

Берди Кербобоевнинг Ғафур Ғуломга бағишланган мақолаларида наники ўзбек шоирининг ижодий биографияси, яратган асарлари ҳақида сўз юритади, шунингдек, унинг ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳаётига ҳам назар ташлайди. Қоронғу ўтмишнинг жонли гувоҳи бўлган, етимлик азобини тортиб бир бурда нон учун одамлар эшигида хизматкорлик қилган ўзбек шоири тақдирини ўз тақдирига қийслади: "Ғафур Ғулом билан биз ўтмиш дунёни кўрган, унинг аччиқ аламларини татиган одамларимиз", — деб ёзади Берди Кербобоев "Дўстимга шарафлар бўлсин!" номи мақоласида.

Бу икки сўз санъаткорининг ижтимоий келиб чиқиши, босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўллари бир-бирига қўп жиҳатдан ўхшаш. Берди Кербобоев Ғафур Ғулом ҳақидаги мақолаларида мана шу тақдирлар туташлиғи тўғрисида, ижодларининг оҳангдошлиғи хусусида, синалган дўстлик борасида ҳикоя қилади. Муҳими,

буларнинг барчаси туркман ва ўзбек адабиётлари раънақиға, икки қардош адабиёт алоқаларининг юксалишига ҳисса бўлиб қўшилаётган омиллар эканлиги алоҳида таъкидланади. Берди Кербобоевнинг Ғафур Ғулом ижодига бағишлаб ёзган мақолалари шу хусусияти билан адабиётшунослик учун аҳамиятлидир.

— Ғафур Ғуломнинг адабий дўстлиги туркман ва ўзбек адабиётлари раънақиға, икки қардош адабиёт алоқаларининг юксалишига ҳисса бўлиб қўшилаётган омиллар эканлиги алоҳида таъкидланади. Берди Кербобоевнинг Ғафур Ғулом ижодига бағишлаб ёзган мақолалари шу хусусияти билан адабиётшунослик учун аҳамиятлидир.

Туркменистонда Ғафур Ғулом номини эшитмаган китобхон, шеърят чашмасидан баҳраманда бўлмаган адабиёт ихлосманди, шоир номини қадрламаган ижодкор кам топилади. Берди Кербобоев ўзининг ранг—баранг жанрдаги асарлари билан ўзбек китобхоналари орасида қанчалик машҳур бўлса, Ғафур Ғулом ҳам қардош Туркменистон тупроғида шунчалик азиз ва севимли шоир бўлган. Оддий ўқувчиларига эмас, ҳатто атоқли туркман шоир ва ёзувчилари ҳам адаб ижодига ҳурмат кўрсатиб шеърларида шоирни мадҳ этишган, юксак талантига тан беришган. Туркменистон халқ шоири Нури Байрамовнинг Ўзбекистонга бағишланган қасидасидаги мана бу тўртликда Ғафур Ғуломнинг номи алоҳида тилга олинishi бежиз эмас эди:

*Навоий Ватани, ўзбек тупроғи,
Қабул эт туркманнинг қайноқ саломин.
Мен асил қўшиғу шеърнинг чангоғи
Тингламоққа келдим Ғафур Ғуломин*

Туркменистон халқ шоири Қора Сейитлаев Ғафур Ғулом ижодини жуда қадрлаган машҳур қалам соҳиби ва таниқли жамоат арбобларидан бири эди. Ўтган асрнинг олтинчи йилларининг бошида Туркменистонда ўтган ўзбек адабиёти ва санъатининг ўн қунағи давомида Қ.Сейитлаев анжуманга келган Ғафур Ғулом билан яқиндан танишиш, суҳбатлашиш бахтига мушарраф бўлади. Уларнинг Ашхабод ва Туркменистоннинг бошқа шаҳар ҳам қишлоқларидаги адабий учрашувларга бирга қатнашишлари, мушоираларда иштирок этишлари, бир-бирларининг шеърлари билан танишувлари, яхши ижодий самаралар берди. Ғафур Ғуломнинг тинчлик, дўстлик мавзусидаги публицистик руҳ, чуқур лиризм билан сугорилган шеърларини ўқиб

завқланган Қ.Сейиталиев кейинчалик уларнинг кўпчилигини туркман тилига ўгириб, ўз халқига тақдим этди, ўзи Ғ.Ғуломга бағишлаб оригинал шеърлар ҳам ёзди. Масалан, унинг "Инсон ва барҳаётлик" номида шеъри Ғ.Ғулом хотирасига бағишланган ўзига хос марсия бўлди.

Шеърнинг дастлабки бандларида Ғафур Ғуломнинг вафоти ўзбек шеърини учун катта йўқотиш бўлганлиги чуқур ҳамдардлик билан изҳор этилади. Туркман шоири ҳаёлида Ғафур Ғулом билан учрашувларда, бевосита шахсий суҳбатларда шаклланган ажойиб таассуротлар гавдаланади. Ўзбек шоири шахсиятидаги буюк инсоний хислатлар, соддалик, камтаринлик туркман шоири қалбига жо бўлиб қолгани куйидаги сатрларида ҳаққоний чизиб берилади:

Дейдилар, буюклик соғдаликдасир,

Шу соғдалик учун севардик сени,

Дейдилар, инсонлик соғдаликдасир,

Шу инсонийлик учун севардик сени,

Шу соғдалик учун севардик сени.

Қ.Сейиталиевнинг мазкур шеърида ҳаётбахш оҳанглар, қалбларга фахр ва гурур туйғулари улашадиган ажойиб хусусиятлар бўртиб туради. Гарчи, у марсия бўлсада, ўқувчининг руҳини туширмайди, умидини сўндирмайди. Ақинча, Ғафур Ғуломнинг номи, асарлари асрлар оша авлодлар хотирасида мангу барҳаёт эканлигига сизни ишонтиради. Ўз тақдирини эл-юрти тақдири билан боғлаган, халқ учун ижод қилган шоир ҳамиша қалбларда мангу яшاش ҳақида, унинг фаолияти қаламқаш дўстлари, шоғирдларида давом этиши хусусида шеърда ўлмас ғоялар илгари сурилади. Ғафур Ғулом ижодининг умрбоқийлиги, абадийлиги тўғрисидаги қардош халқ шоирининг куйидаги мисралари, чиндан ҳам поэтик маҳорат билан битилгандир:

Халқпарвар шоир Ғафур Ғуломни,

Инсониятдан ола билмас ҳеч ўлим!

Дунёсевар шоир Ғафур Ғуломни

Дунёмиздан ола билмас ҳеч ўлим,

Инсониятдан ола билмас ҳеч ўлим!

Навоийни ҳаққинг севгани янглиғ,

Сени ҳам қалбига сақлар элларинг.

Боқий қўшиғи бор ёш наслларнинг

Шеърини боғига эккан гулларинг.

Сени ҳам қалбига сақлар элларинг.

Ғафур Ғуломнинг қардош туркман ижодкорлари ўртасидаги ҳурмати, обрўси, қадр-қиммати юқори эди. Туркменистонда бирорта катта юбилей тантанаси ёки адабий анжуман йўқки, унда Ғафур Ғулом фаол иштирок этмаган, минбарга чиқиб жўшқин шеърларидан ўқиб туркман халқини олқишламаган бўлсин. У ҳамиша доно сўзлари, қайноқ табриқ шеърлари билан бундай анжуманларга фойз кiritган ижодкор эди. Шунинг учун бўлса керак, ҳар бир туркман зиёлиси, шоир ва ёзувчиси Ғафур Ғуломни эъзозлашарди, у ҳақда гапириш ва ёзишни ўзлари учун шараф деб билишарди. Туркменистон халқ ёзувчиси Тошли Қурбонов ўзининг "Ўзбекистон диёрим" деган очеркида туркман ва ўзбек халқларининг, адабиётлари ва маданиятларининг дўстлиги ҳақида сўз очар экан, бу жараёнинг ривожланишида Ғафур Ғулом ижоди алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлайди. Ўзбек шоири билан бўлган учрашувлардаги таассуротларини бадиий лавҳаларда қизиқарли ҳикоя қилади. Мана, ўша дўстлик очеркининг адибга бағишланган саҳифасидан кичкина бир лавҳа: "Анча ёшга бориб қолган, ола дўстлисини ҳеч қачон бошидан қўймайдиган, оққўнгил, очиқ чеҳрали, хушчақчақ, кенг пешонали бу инсоннинг оташин нутқининг қулоғим остида жарагтлаб эшитилиб турганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Ўшанда у (адабмасам Берди онанинг 70 йиллик тантанаси бўлса керак) халқларимиз ўртасидаги дўстликни қандай асраб сақлаш кераклиги тўғрисида, адабиёт ва санъатнинг халқларимиз турмушидаги бекиёс аҳамияти ҳақида қайнаб-жўшиб сўзлаган эди. Бу — ўзбек халқининг содиқ фарзанди, таниқан шоир Ғафур Ғулом эди. Ғафур ака ёзувчилик санъатини энг масъулиятли санъат деб биларди. Ўзи эса умри бўйи халқим деб яшади, ижод этди. Ўзининг ҳеч қачон сўнмайдиган қалб ҳароратини китобларига, инсонлар дилига сингдириб кетди. Шунинг учун ҳам унинг юраги шеърларида, одамлар қалбига уриб турибди".

Ғафур Ғуломнинг туркман ижодкорлари билан дўстлиги, ижодий ҳамкорликлари хусусида гапирар эканмиз, яна бир ибратли хотира-мақолага диққатингизни жалб қиламоқчимиз. Бу Туркманистон Фанлар академиясининг академиги, таниқли адабиётшунос олим, атоқли шоир Омон Кекиловнинг Туркманистон матбуотида босилган "Бизнинг Ғафур оғамиз" номли мақола-сидир. Ушбу мақола икки академик адибнинг шахсий муносабатлари ҳақидагина эмас, албатта. Бизнингча, у шахсий дўстлигининг ижодий ҳамкорликка айланиш жараёнида тўғрисида қизиқарли маълумотлар бериши жиҳатидан ҳам адабиётшунослигимиз учун аҳамиятлидир. Шу боисдан ҳам биз мазкур мақола хусусида кенгроқ тўхтамоқчимиз, унинг туркман ва ўзбек адабиёт-мадания алоқаларидаги аҳамиятини тўлароқ шарҳламоқчимиз.

О.Кекилов Ғафур Ғуломни шахсан таниган, у билан кўп марта учрашган, ўзбек шоирини беҳад ҳурмат қилган туркман олимларидан бири бўлган. О.Кекилов мақоласида Ғафур Ғулом ҳақидаги таассуротларини баён этар экан, ўзбек шоирининг шахсий фахриятларига, ижод аҳлини қадрашдаги жонкуярлиги ва талабчанлигига, ғамхўрлиги ва камтаринлигига тегишли бир неча ҳаётий воқеани қизиқарли ҳикоя қилади. Энг муҳими, бир вақтлар Ғафур Ғуломдек катта шоир ўғитларидан баҳраманда бўлиб, адабиёт сирларини ўрганган, кейинчалик туркман адабиёти ва адабиётшунослигининг йирик арбоби даражасига кўтарилган бу академик-адибнинг берган маълумотлари, санмий фикрлари икки қардош адабиёт ҳамкорлиги яқин ўтмишда ниҳоятда самарали бўлганлигига ёрқин далилдир.

Сўз юритилаётган мақола ҳам жижҳатидан анча катта бўлиб, жуда қизиқарли ёзилган, зерикмасдан ўқилади. Унинг ёзилиш услуби очерк-хикояга ҳам ўхшаб кетади. Мақоланинг ўқимишли чиқишида Омон Кекиловнинг ижодкорлик қobiliяти, ёзувчилик қалами, шоирлик таланти кўл келганини айтиб ўтиш жоиз. Мақоланинг муқаддимида шундай жумлалар билан бошланади: "Мен бугун дўстимни ёд этиб кўлимга қалам олдим. Бунинг сабаби бор, албатта. Мен уни ҳикоям давомида айтаман. 1962 йилда бизнинг республикамизда ўзбек адабиёти ҳафталиги бўлиб ўтди. Ҳафталик давомида биз ўзбек ёзувчилари билан кўп марта учрашувлар ўтказдик, ижодий ишларимиз ҳақида фикр алмашдик.

Ушбу учрашувларнинг бирида мен машҳур ўзбек шоири Ғафур Ғулом ҳақида сўз очиб, у билан илк бор танишувим, Бутуниттифок Ёзувчилари уюшмасининг қурултойларида, бошқада анжуманларда, Тошкентда, Ашхабодда ва бошқа жойларда бу улкан сўз устаси билан бўлган учрашувларим тўғрисида қисқа гапириб бердим. Ўзбек ва туркман ёзувчиларининг ҳаммаси ўринларидан туриб, Ғафур оға билан қадаҳ уриштирдилар. Ушбу маҳал ўзбек шоири ва драматурги Уйғун менга мурожаат қилди: — Омон ака, мен Сизнинг ҳозир айтган сўзларингизни диққат билан тингладим. Агар сиз шу гапларни мақола шаклида бўладими ёки хотира шаклидами, ўзингизга қайси қўлай бўлса, бир жойда — бизда ёки ўзингизда эълон қилдирсангиз, бу бизнинг ёзувчиларимиз учун ҳам, адабиётшуносларимиз учун ҳам жуда қимматли адабий материал бўларди. Бу икки қардош республиканинг — Туркманистон ва Ўзбекистон ёзувчилари ўртасидаги адабий алоқанинг жонли мисоли, муҳим факти бўларди. Сиз шу тўғрида бир ўйлаб кўринг, деди. Уйғуннинг бу маслаҳати, чиндан ҳам, мени ўйга толдирди. Мен уни кўпдан бери ўзимда ҳам шундай ният борлигини айтиб, берган маслаҳати учун миннатдорчилик билдирдим. Ушбу суҳбатимиздан бери беш йилга яқин вақт ўтди, бу давр ичيدا кўп ўзгаришлар содир бўлди, ҳар хил воқеалар юз берди. Шулардан бири Уйғуннинг юқоридаги маслаҳатини яна эсимга солиди, ваъдада вафоли бўлишга ундади".

О.Кекиловнинг "Бизнинг Ғафур оғамиз" номли мақоласининг ёзилишига "туртки" бўлган ҳаётий факт шу. Чиндан ҳам, О.Кекилов Уйғун маслаҳати билан қўлга қалам олиб, жуда хайран ш қилган. Икки адабиёт учун ҳам ибратли бир эссе ёзиб қолдирган. Бу таъриба барча ижодкорларга ўрнак бўлса арзийди. Биз қардош адабиётларнинг машҳур номонадалари ораларида шахсий дўстлик муносабатлари ўрнатилганлиги тўғрисида, қизиқ — қизиқ воқеалар хусусида, уларнинг бир — бирлари ҳақида эсдаликлар ёзишларини, бу иш қандайдир учинчи шахс орқали эмас, балки айнан шоир ёки ёзувчининг ўзи томонидан амала оширилшини истар эдик. Тўғри, бундай хотиралар матбуотда тез-тез босилиб туради. Лекин умар аксарият ҳолларда ўз адабиётимиз доирасида ёзимоқда. Қардош адабиёт номонадаларининг ўзбек ижодкорлари ҳақидаги эсселари, ўзбек шоир ва

¹ Мазкур мақоладан бундай кейин келтирилган мисоллар ўз таржимамизда берилди (К.К., Г.К.)

ёзувчиларининг бошқа қардош адабиёт вакиллари тўғрисидаги эсдаликлари ҳам ҳар икки республика матбуотида тез-тез кўриниб турса, адабий алоқаларимизни ривожлантириш билан бирга байналминал дўстлигимизнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилган бўлур эди.

Омон Кекиловнинг "Бизнинг Ғафур оғамиз" мақоласининг илмий-амалий аҳамияти юқ юксакдир. Шунинг учун ҳам биз бу илмий-бадний очеркни икки қардош адабиёт саҳифаларини, адабий алоқаларимизни бойитишга хизмат қиладиган нуқталарини ташлаб илк бор илмий муомиллага киритаямиз. Очерк-мақола нафақат Омон Кекилов ва Ғафур Ғулом ораларидаги оддий дўстона муносабатлар ҳақида тасаввур беради, айни чоғда у Ғафур Ғуломнинг шахс ва ижодкор сифатида ҳали кўпчиликка унчалик маълум бўлмаган янги қирраларини кашф этиш жиҳатидан ҳам муҳим аҳамият эга, деб ҳисоблаймиз.

О.Кекилов Ғафур Ғулом билан собиқ шўролар иттифоқи доирасида ўтказилган кўп адабий анжуманларда бирга иштирок этганини, қаерда бўлмасин, ўзбек шоирининг олқишлар билан кутиб олиниши, нутқлари хусусида гапиради, қардош адабиётларнинг вакиллари ҳақидаги дил сўзларидан намуналар ҳам келтирадики, бу мулоҳазалар ўзбек адабиётшуносини учун ҳам аҳамиятлидир. Чунончи, муаллиф Ғафур Ғуломнинг бутук озарбайжон шоири Низомий Ганжавий ижоди тўғрисида Бokuда ўтказилган тантанادا сўзлаган нутқини шарҳлар экан, ўзбек шоирини милаий адабиётларининг юксак тарғиботчиси, оташин байналминалчи адиб сифатида таърифлайди. Ғафур Ғулом томонидан айтилган бу мулоҳазалар барча қардош адабиётлар учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилади.

О.Кекиловнинг Ғафур Ғулом билан илк учрашуви мақолада кўрсатилганидек, ўтган асрнинг 30 йилларининг биринчи ярмига тўғри келади. Анзиқроғи, улар собиқ Вутуниттифок Ёзувчиларининг Биринчи съездида учрашган ва танишган. О.Кекилов бу учрашувни ҳаяжон билан эслайди ва ўзбек шоири билан яқиндан танишишга сабаб бўлган ўша воқеаларни мақолада ҳикоя қилади. Съезд тамом бўлгач, эртасига О.Кекилов Ғафур Ғулом билан бирга бир поездада, бир вагонда Ватанига қайтди. "У (Ғафур Ғулом — К.К., Г.К.) — деб ҳикоя қила бошлайди О.Кекилов, — вагондаги ёзувчиларнинг барчасининг диққатини дарров ўзига тортиб олди. Биринчи кунданок "оқсоқол" деган номга са-

зовор бўлди. Халқининг ўтмиши, адабий ҳаёти, ўзининг ёшлик йиллари тўғрисидаги қизиқарли ҳикоялари, манзилнинг узоқлигини ҳам унуттириб юборарди. Адибнинг ҳар бир сўзи, ҳикояси ўтирганларда қувноқ кулги, завқ-шавқ уйғотарди. Ўша ҳазилларининг заминида катта ҳаётий маъно яширинганини аниқлаш қийин эмасди. Ғафур ака сўзлаётганда ташқаридан диққат билан унга раэм солган киши, қандайдир, ўзининг ҳам рухий жиҳатдан бойиб, дунёқарашни тобора кенгайиб бораётганини ҳис қиларди. Ўз халқининг, аиллодларининг ташвишларини елкасига ортган, бадний-поэтик тафаккури қудратли, ўтмишининг барча ақл-заковатини ўзида мужассамлаштирган Шарқнинг кекса бир донишманди тимсоли кўз олдингизга келарди".

Ғафур Ғулом характерига хос донишмандликни, ҳазил-мутойбага мойилликни, энг муҳими, одамшавандаликни кузатиб ҳайратга тушган О.Кекилов унинг ижод бобидаги талантга ҳам қойил қолади. Ғафур Ғулом тимсолида туркман шоири ўз ижодий тажрибалари билан бошқаларга ҳам маслаҳат ва ёрдам беришга доимо тайёр турган бир мураббийни кўргандек бўлади. Ўзбек шоири билан қилган суҳбати чоғида О.Кекилов ундан кўп нарсаларни ўрганганлигини, бу ижодий сабоқ кейинчалик адабий фаолияти давомида унга қўл келганини миннатдорлик билан эслайди. Ғафур Ғулом билан Омон Кекилов ораларида ўша йиллари поезд вагониди бўлиб ўтган мана бу суҳбат мазмуни, бутунги китобхон учун нафақат қизиқарли, айни чоғда, ёш ижодкорлар учун ибрат ҳамдир. Шу нуқтан назардан биз мазкур суҳбатни тўлароқ келтирмоқчимиз: "Вагондагиларининг энг ёши мен эдим, — деб ҳикоясини давом эттиради О.Кекилов. — Бир кунги Ғафур Ғулом кутилмаганда менга кетма-кет саволлар ёғдириб, мени "имтиҳон" қила бошлади.

— Ёшинг нечада?

— Йигирма иккида.

— Нима ёзсан?

— Шеър ёзаман.

— Демак сен шоирсан! Ўзингизникилардан ташқари неча мисра ёд биласан? Мен бу саволга қандай жавоб беришимни билмасдан, дуақўлаиб қолдим. Хўжанафас (Хўжанафас Чориев-К.К., Г.К.) билан Ота (Ота Ниязов — К.К., Г.К.) улар ҳам съездга қатнашган туркман делегатлари бўлиб, вагонда Ғафур Ғулом билан бирга келишайтган эди)га савол назари билан қарадим.

Уларнинг менга қарашларида: "Ҳа, нега дамнинг ичинга тушиб кетди, жавоб бер!" деган маънони англадим.

— Неча сатр эканлигини айтолмайман, лекин бироз ёд биладиган шеърларим бор.

— Тахминан қанча минг мисра?

— "Минг" сўзи мени довдиратиб қўйди. Ҳақиқатан ҳам, мен дарсга тайёрланмай келган ўқувчининг айна ўзи бўлдим қолдим! Узоқ жимликдан сўнг:

— Мингга етмайди, — дедим

— Бу бўлмайди! Шоир шеърни севиши ва кўп ўқиши керак. Мен ўтмишдаги ўзбек шеърлатидан ўн мингдан кўпроқ мисрани ёд биламан.

— Ўзинг ёзган шеърларингдан қанча сатрини ёд айта оласан?

Бу савол мен учун олдингисидан ҳам қийин бўлди. Чунки мен ўша вақтларда декламация ва қўшиқ қилиб айтиладиган уч-тўрт шеърдан бошқа ҳеч нарса билмас эдим. Ғафур аканинг "ахволимни" сездим шекилли, жавобимни кутиб ўтирмасданок, умумий оҳангда суҳбатни давом эттирдим.

— Яхши ёзилган шеър ҳамisha хотирада қолади. Шоир ўзи ёзган шеърини ўзи ёд билмаса, бошқалар уни қандай қилиб эсида сақласин!

Шундан кейин Ғафур Ғулом Шарқ шеърлатининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида, замонавий шеърлатнинг қандай йўллар билан ривожланиши лозимлиги тўғрисида ўзининг шахсий фикр-мулоҳазаларини ташириб берди. Сўз орасида яна менга қараб: — Мен сени ранжитмадимми, хафа бўлмадингми? — деб кулиб қўйди.

Ғафур Ғулом билан бўлган илк учрашувдаги ўша суҳбат кечатидек ёдимда. Бу суҳбат мазмунинда мени ўйлашга даъват этадиган, сабоқ бўладиган жиҳатлар анчагина эди. Мен кейинчалик бунга амал қилдим ва у менга катта фойда берди. Камина алоҳида — алоҳида шеърларимнингина эмас, ҳатто "Севи" шеърлати романининг тахминан уч минг сатрдан иборат биринчи китобини ёд билардим. Эҳтимол, бунда бир вақтлар вагонда Ғафур Ғулом билан бўлган юқоридаги суҳбатнинг таъсири бордир".

Биз бу суҳбатни мақоладан тўла келтирдик. Агар эътибор берган бўлсангиз, Ғафур Ғулом ва Омон Кекилов ораларида по-

ездда бўлиб ўтган ўша савол — жавоб, "имтиҳондан" кейин ордан ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтди. Қизиғи шуки, бу учрашувдаги суҳбатнинг барча тафсилотлари, энг майда деталларига О.Кекилов хотирасига муҳралиб қолган экан. Ғафур Ғулом ўтигилари ва маслаҳатларининг ёш туркман шоирининг кейинги ижодий фаолиятида самаралар берганлиги яна бир ибратли ҳодисаки, бу жароён адабий сабоқ сифатида баҳоланмоғи лозим.

О.Кекилов мақоласидан келтирилган юқоридаги парчанинг яна бир аҳамиятли томони бор. Яъни мақолада тилга олинган баъзи маълумотлар Ғафур Ғуломнинг ижодкор сифатидаги бадиий-эстетик қарашларини намойиш этувчи қимматли адабий манба ҳамдир. Шоирнинг Шарқ адабиети ва ўзбек мумтоз адабиётининг билимдони экани адабий-илмий жамоатчиликка маълум. Бироқ бу алома шоирнинг мумтоз ўзбек шеърлати намуналаридан ўн минг мисрани ёд билиши ҳақидаги ахбороти барча адабиёт ихлосмандларига ҳам равшан бўлмаса керак. Шоир ўзи ёзган шеърлати ўзи ёд билиши керак, акс ҳолда бошқалар уни қандай ёдида сақлайди ёки шеър ёдда қолиши учун яхши ёзилган бўлиши лозим, деган оддий, лекин чуқур маъноли бадиий-эстетик фикрлар, гарчи, О.Кекиловга нисбатан айтилган бўлса-да, улар ҳар бир ижодкорга тегишан, умуман, адабиётнинг ўзига хос поэтик талабларидан бири. Мақоладаги шу хилдаги фикрлар Ғафур Ғуломнинг адабий-эстетик қарашлари тўғрисидаги нуқтани назарларимизни янада бойитди.

Биз мақоланинг яна бир аҳамиятли томонини кенгроқ шарҳламоқчимиз. Ғафур Ғулом хонадонининг эшиги барча ижодкорлар учун, айниқса, бошловчи ёзувчилар учун доимо очиб бўлганлиги, бу даргоҳга жуда кўп қалам аҳллари ташриф бўлориб, улуғ шоирнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлганлиги, маслаҳатлар олганлиги тўғрисида кўп эшитганимиз, мақолаларда, хотираларда ўқиганмиз. Ғафур Ғулом хонадони нафақат ўзбекистонлик ижодкорлар, айна пайтда, Ўрта Осиё, қолаверса, собиқ шўролар иттифоқидаги кўп ёзувчи ва шоирлар учун ҳам ўз уйидек бўлиб қолган эди.

Ҳақиқатан ҳам, Ғафур Ғулом ижодагина эмас, ҳаётда ҳам том маъносин билан байналминнал инсон бўлган. Бу фикрни кўп ҳаётий фактлар билан далиллаш мумкин. Б.Кербобоев, М.Турсунзода, С.Муқонов, М.Авезов, А.Тўқамбоев, Ч.Айтматов, С.Рус-

там, О.Отажонов, Р.Ҳамзатов, Ж.Оймирзаев, И.Юсупов ва яна унлаб шоир ҳамда ёзувчиларнинг Фафур Ғулом ҳақидаги эсдаликларида айтилган фикрлар бунга ёрқин мисол. О.Кекилов ўз ҳаёти тажрибасида учраган қизиқарли турмуш воқеалари билан бу хотираларнинг устини тўлдирди, мазмунини бойитди. Фафур Ғуломдек олижаноб инсоннинг байналминалчилик ҳаёти тўғрисидаги ўзбек халқининг тасаввурачини янада кенгайтирди. О.Кекиловнинг Фафур Ғулом билан Тошкентда учрашуви, унинг хонадонига меҳмондорчиликда бўлиш тафсилотлари тасвири ҳам мақоланинг қизиқарли лавҳаларидан бири: "1950 йил эди, — деб сўзини давом этади О.Кекилов мақолада. — Уша йилнинг ёз ойларидан бирида мен Тошкентга ижодий сафарга бордим. Сафариянинг мақсади "Зухра ва Тохир" ҳақидаги ўзбек эртаклари, шунингдек, ҳозирги замон ўзбек ёзувчиларининг шу йўналишдаги асарлари билан танишишдан ва Муллонафаснинг "Зухра ва Тохир" дostonининг Тошкентда, Орифжонов босма-хонасида чоп этилган нусхасининг йилини аниқлашдан иборат эди. Поезддан тушиб таксига ўтирдиму, тўри Ўзбекистон Фанлар академиясига йўл олдим. Ҳайдовчи билан ҳисоблашиб, академия биноси томон юра бошлаганимда "Омон! Омон!" деган овоз эшитилди. Қайрилиб қарасам, кучоқ очиб, қўлларини ёйиб Фафур ака келаяпти. У мендан бир парча қоғоз суради. Мен дафтарчадан бир ыарагини йиртиб бердим. У қоғозга бир нималар деб ёзди-да:

— Мана, менинг манзилим эртага, албатта, уйга бор. Ҳозир бизнинг пленумимиз давом этаётти, ташвишларимиз кўп. Бутун кечкурун тамом бўлди. Сени эртага уйда кутаман, — деди. Уша куннинг эртасига эрталаб ёзиб берилган манзил бўйича Виктор Николаевич Малинин (Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўша вақтдаги масъул ходими. У кўп йиллар Туркменистонда ишлаган, О.Кекиловнинг у билан шахсий танишлиги ҳам бўлган — К.Қ., Г.Қ.) билан Фафур Ғуломнинг уйига бордик. Унинг ҳовлиси катта экан. Меваги дархатлари ҳам кўп экан. У бизни ҳовлининг ўртасидаги бир қаватли меҳмонхонасида қабул қилди. Озгина овқатланганимиздан кейин у мени ўзининг иш хонасига бошлаб борди. Ўзининг ёзув столини кўрсатди-да: — Сен мана шу столда ўтир, сенга керак одамларнинг ҳаммаси навбатма-навбат ёнингга келади. Сен улар билан шўшмасдан суҳбатлаш, керак нарсаларингни ёзиб ол, кейин яна меҳмондорчиликни давом этти-

рамиз. Мен энди меҳмонлар олдига чиқай, — деди-да, паства тушиб кетди. Буни қарангки, Фафур ака "Зухра ва Тохир" дostonи билан шўғулланиб юрган ўзбек ижодкорларининг ҳаммасини мен билан учраштириш учун уйига таклиф қилибди! Мен улар билан уч соатга яқин гурунглашдим. Улар менинг диссертациям учун жуда қимматли материаллар беришди. Бутун юртга танилган машҳур шоир, ўз халқининг олими ва донишманди — бу камтарин, оддий одамнинг ўзим учун қилган ғамхўрликлари, юксак одамгарчилиги мени жуда тўқинлаштириб юборган эди. Мен ўзимда пайдо бўлган қувончни, миннатдорлик туйғуларини унга қандай қилиб изҳор этишни билмасдан, икки қўлимни унинг елкасига қўйиб:

— Раҳмат сизга Фафур ака, раҳмат! дедим.

— Фафур Ғуломни ёд қилиб келган туркман боласига раҳмат, — деб ҳазил қилиб кулди ва менинг қўлимдан ушлаб меҳмонхонасига бошлаб кетди. Ўзбек ёзувчилари ва олимлари билан узок вақт турли мавзуларда суҳбат қўриб ўтирдик".

О.Кекилов мазкур қаторларни қанчалик тўқинланиб, фахрланиш ҳислари билан ёзган бўлса, уни ўқиган ҳар бир ўқувчи ҳам худди шундай ҳолатга тушади. Қўриб турибсизки, гап оддий меҳмондорчилик устида кетаётгани йўқ. Бу меҳмондорчилик тимсолида биз туркман адабиётига катта ҳурмат билан қараган, бу биродар халқнинг ижод аҳлига беқийс илтифотлар кўрсатишга бел болаган, икки қардош адабиёт дўстлигини барқарор этишга астойдил интилан, қалби дарё ўзбек адаби Фафур Ғуломни тасаввур қиламиз ва фахрланамиз.

Мақолада ўқувчини ҳам ҳаяжонга соладиган яна бир кичкина лавҳа тасвири бор. Одатда, бир ижодкор иккинчи бир ижодкор билан танишганда, имкони борида, дастхат ёзилган китобини ҳадя этишга ҳаракат қилади. Дўстлигининг ўзига хос рамзий "қўприги" саналган бундай китобларга муаллифнинг самимий сўзлари, олижаноб истаклари битилган бўлади. Базан бундай дастхатларда билдирилган орзу-истаклар йиллар ўтган сари киши қалбига қаттиқроқ муҳрланиб бораверади. О.Кекиловга бир вақтлар Фафур Ғулом тақдим этган дастхат ҳам шундай нодир ёзувлардан эди. Мақолани ёзиш жараёнида муаллиф мазкур дастхатни ҳам ёдга олади ва уни тўла келтиради.

Бизнинг бу детал хусусида батафсилроқ тўхталаётганимизнинг сабаби шундаки, дастхатда билдирилган тилакларнинг катта

ижтимоий маънони бор. У оддийгина қардошлик ҳадяси эмас, мазмунда инсонни қанчалик яхши сўзлар ила ёд этиб туриш лозимлиги тўғрисидаги ибратли қарашлар, фалсафий маъно ҳам жамулжам. Гарчи, Ғафур Ғулом бу истакни ўзига нисбатан айтган бўлса-да, унинг ижтимоий-таълимий аҳамиятидан кўз юмолмаймиз. Бу дастхат билан боғлиқ тафсилотни О.Кекилов мақолада қуйидаги мазмунда келтирган: "Ғафур Ғулом менга Москвада рус тилида наشر қилинган китобини эсдалик учун тақдим этган эди. Уша шеърлар тўлаими, мана ҳозир меннинг қўлимда. Китобнинг тўртинчи саҳифаси билан бешинчи саҳифаси оралиғида шоирнинг расми жой олган. Унинг пастиди араб ёзувида "Мухтарам биродарим Кекилов Омонга қардошлик ҳадям. Ғафур Ғулом, 1950 йил, 8-феврал" деб ёзилган. Расмнинг чап томонида эса юқоридан пастга "Ихтисосим шуадирки, мени ҳеч қачон ёмон сўзлар билан ёд айлamanг ва беба айлamanг" деган сўзлар битилган. Бу сўзлар ёзилган вақтида менга қандай таъсир қилганини ҳозир эслолмайман. Лекин айни дақиқаларда бу сўзларни қўлимдаги қорозга кўчираётганимда қалбим тўқиналиб, қўларим титради".

О.Кекиловнинг "Бизнинг Ғафур оғамиз" мақоласининг фазилаатларини санайверсак кўп. Унда тасвирланган ҳар бир турмуш факти бутунги ижодкорлар амал қилса арзийдиган воқеалар, давом эттирилиши лозим бўлган ибратли анъаналардир. Кейинги йилларда қардош адабиётлар намоёндаларининг ўзаро борди-кедилари, шахсий дўстлик муносабатлари эътибордан четда қолаётган бир вазиятда Ғафур Ғулом ва Омон Кекилов оралиғиди саманий биродарлик, ижодий ҳамкорлик асосига қурилган дўстликни ва унинг самараларини қанчалик намуна қилиб кўрсатса арзийди. Мазкур мақола мазмуни жамоатчилигимизга таниш эмаслигини назарда тутиб, уни кенгрок шарҳлашимизнинг сабаби ҳам шу. Ва кўрдикки, Ғафур Ғулом ва Омон Кекилов дўстлиги адабиётларимиз ҳамкорчилигининг равнақиға ҳисса қўшган бошқа ижодкорларга ҳам ибрат бўладиган дўстликдир.

Ғафур Ғуломнинг Туркменистонда, барча ижодкорлар ўртасида мана шундай катта обрў ва ҳурматта сазовор бўлганлигининг бош сабаби, назаримизда, шоирнинг туркман адабиёти ва ижодкорлари билан саманий дўстлигида бўлса керак. Адибнинг номи туркман элида жуда эъзозланади. О.Кекиловнинг "Бизнинг Ғафур оғамиз" мақоласидаги қуйидаги фикрлар бу фик-

римизни яна бир бор тасдиқлаши мумкин: "Ғафур Ғулом туркман ёзувчиларининг, туркман китобхоналарининг, республикамиздаги аҳли халқнинг дўсти эди. У бизнинг халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун кўп ишлар қилди. Ўзбек шеърятининг шон-шухратини юқори даражага кўтарган, унинг шакли ва мазмунини кўп янгилıklar билан бойитган, ўз замондошларига, келгуси авлодларга бой адабий мерос қолдирган бизнинг Ғафур оғамиз маданиятимизнинг барҳаёт сиймоси бўлиб қолади. Узининг сўз санъати билан халқни қалбига йўл топан ва унда мустаҳкам жой эгаллаган шоир барҳаётдир. Ғафур Ғулом ана шундай шоирдир".

О.Кекиловнинг мазкур мақоласи Ғафур Ғулом вафотидан бир йил сўнг ёзилган ва 1967 йилда Туркменистонда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси қўнари матбуотда босилган. Афсуски, бу мақола ҳозирга қадар ўзбек тилига ўгирилиб, жамоатчилигимизга етказилган эмас. Умид қиламизки, Ўзбекистон ва Туркменистон ижодкорлари ўртасидаги адабий алоқаларнинг яхши мисолига айлانган бу хотира — мақола билан халқимиз яқин вақтларда таништирилади. Ва айни чоғда, у Ғафур Ғулом ҳақидаги эсдаликлар китобидан муносиб ўрин эгаллайди.

Туркман адабиётида Ғафур Ғуломни ҳурмат билан тилга олиб, шоирлик талантини улуғлайдиган, туркман ижод аҳли билан дўстлиги, ҳамкорлиги тўғрисида ихом билан сўзлайдиган, қалам тебратадиган сўз усталари, олимлар анчагина бор. Лекин биз шу жойда ушбу масала таҳлилига сўнгги нуқтани қўйиб, шоир шеърятининг туркман адабиётига яқинлигини кўрсатадиган бошқа бир муҳим адабий омил — шоир лирик меросининг туркман тилига таржима қилиниши тарихига ҳам бир назар ташлаб ўтишни лозим кўрдик.

Ғафур Ғулом ижоди, айниқса, лирикаси туркман шеър ихлосмандларига анчадан бери таниш. Унинг асарлари дастлаб республиканинг газета ва журналлари орқали ўқувчиларга тақдим этилган. "Эдебиат ве сунгат", "Совет Туркменистони" (ҳозирги "Туркменистан") газеталари, "Совет эдебиати" (ҳозирги "Тарагум") журнал саҳифаларида адибнинг шеър ва поэмалари туркман тилида кўп марта босилган. Булардан ташқари ўзбек

шоир ва ёзувчиларининг асарларидан тузилган "Гундогар шапаги" ("Шарқ шуъласи") тўпламида ҳам унинг шеърятидан энг яхши намуналар туркман тилига таржима қилиб киритилган. Мажмуадаги "Тинчлик қўшиғи", "Бари сеники", "Балли ўғлим", "Сен етим эмассан" каби шеърларни машҳур туркман шоирлари Қурбондурди Қурбонаҳатов, Ота Отажонов ва Г.Омадов каби қаламкашлар таржима қилишган.

1963 йилда "Туркменистон" нашриёти Ғафур Ғуломнинг "Шеърлар" китобида алоҳида chop этди. Унга шоирнинг ўттизга яқин шеърлари киритилган. Тўпламга "Шарқнинг атоқли шоири" номи сўз боши илова қилинган бўлиб, унда ўзбек шоирининг ҳаёти ва ижодий йўли тўғрисида маълумот берилади. Ўзбек шеърят тараққиётига қўшган ҳиссаси бир неча тўпламлар таҳлили мисолида далилланади. ҳикоя, очерк, фелъетон ва қиссалари ҳам тилга олинади. Умуман, бу "Сўз боши" Ғафур Ғулом ҳақида туркман ёзувчиларига яхши тасаввур беради, шоирни Шарқнинг атоқли сўз санъаткорларидан бири сифатида характерлай олади.

Китобга Ғафур Ғулом лирикасининг поэтик гўзал, ғоявий-бадний мукаммал, умуминсоний пафоси кучли, жаҳон шеърят даражасига кўтарилган энг яхши шеърлари киритилган. Уларнинг ҳар бири ўзбек адабиётининг довруғини оширган, шоир номини улуғлаш адрдога асарлар бўлганлиги учун ҳам туркман таржимонларининг диққатини жалб этган. Адибнинг "Биз тинчлик истаймиз", "Аму", "Гўзаллик нимада", "Ассалом", "Бизнинг уйга қўниб ўтинг дўстларим!", "Янги йил шеъри", "Шараф кўлэмаси", "Гилам" каби шеърларнинг таржималари асл нухса руҳига мос. Шоир услубига хос жўшқин публицистик оҳанг, кўтаринкилик, жанговарлик ва курашчанлик хусусиятлари таржималарда аслидагидек берилган. Таржимонлар Ғафур Ғулом шеърятининг юксак фуқаролик пафосини, байнаминналчилик хусусиятини тегис қилганлар ва таржимада тўла сақлашга эришганлар. Бу жиҳатдан тўпламдаги М.Сейидов, Қ.Сейитмевдов, А.Боймуродов, Г.Чўлуков, Ж.Оразовдек таниқли туркман шоирлари қаламига мансуб таржималар мақтовга сазовордир.

Ғафур Ғулом лирикаси билан туркман шеър ихлосмандларини муштазам таништириб бориш ишлари ўтган асрнинг 80 йилларида ҳам муваффақиятли давом этганлигини қониқкиш билан қайд этамиз. Чунончи, "Эдебият ве сунгат" газетасининг 1982 йил 14 май сониде Ғафур Ғуломнинг бир неча шеъри Т.Со-

диқов таржимасида босилган. Яна шу газетанинг 1983 йил 6 май сониде шоирга махсус саҳифа ажратилган бўлиб, ҳаёти ва ижод йўли ҳақида сўз юритувчи "Халқнинг содиқ фарзанди" номи қаттагина мақола ҳам жойлаштирилган. Адибнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, қардош адабиётлар тараққиётидаги роли тўғрисида фикр айтилади. Шунингдек, шоирга шуҳрат келтирган асарларидан бири "Турксиб йўлида" шеърининг таржимаси мақолага илова қилинган.

Шоирнинг туркман тилига ўтирилган барча асарларининг таржима савиясини кенг доирада таҳлил қилиш, ўрганиш алоҳида тадқиқот мавзуси. Шунинг учун Ғафур Ғуломнинг баъзи шеърларининг таржима савияси хусусида айрим мулоҳазаларимизни қисман билдириб ўтиш билан чекланамиз.

Таржималарни ўқиб, шундай хулосага келдикки, улар кўп жиҳатдан мукаммал, бадний савияси яхши, талабчан туркман китобхони дидига мос, катта талант ва масъулият билан ўтирилган. Таъкидлаш керакки, Ғафур Ғулом шеърларининг таржимонлари ўртамеъна шоирлар ёки ўртамеъна мутаржимлар эмас, балки туркман адабиётининг, қолаверса, шеърятининг атоқли намояндалари, ўз ижоди билан фақат Туркменистондагина эмас, ҳатто қардош адабиётларда ҳам танилган, маълум ва машҳур адиблардир. Шу маънода Ғафур Ғулом шеърларининг тажрибали шоирлар томонидан туркман тилига ўтирилиши айни мудоао бўлган. Бу ўзбек шоири ижодида бўлган ҳурмат белгисидир. Аслида муайян бир миллий адабиётнинг атоқли ва ардоқли шоири асарини иккинчи бир халқ тилига худди шундай мақедаги ижодкорнинг таржима қилганига нима етсин! Ахир халқимизда "чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин" деган ҳикматли гап бекорга айтилмаган! Шу нуқтан назардан машҳур туркман шоири ва ёзувчиси, Ғафур Ғуломни шахсан таниган, у билан кўп адабий суҳбатларда бўлган Ота Отажоновнинг бу соҳадаги ижодий меҳнатларини юксак қадрлаймиз. У ўзининг ўзбек шоири билан дўстона учрашувларини, шеър ўқиш жараёнларини хотирасида тиклаб, шоирлик тажрибасидан фойдаланиб шеърларни жуда яхши ўтирган.

Ғафур Ғулом лирикасидан намуналар Ота Отажонов таржимасида ўзининг барча жозиба кучи, назик маъно жиллолари, қоррити билан туркман ёзувчисига етказилганлиги "Бари сеники" шеърининг таржимасида яққол сезилади. Мана, уша шеър-

нинг асл нусхасидан олинган бир бандни унинг туркман тилидаги таржимасига қийслаб кўринг:

Асл нусхада:

*Мунча ҳам чиройлисан, азиз Ватаным,
Бодомдай минг кўз билан севар баганим,
Сенсан аввал—охир, сенсан севганим,
Жоним, юрак қоним, ҳақто шу таним
Бир бутун ҳолида бари сеники.*

Таржимада:

*Сен шейле гозелсин эзиз Ватаным,
Сен менин гозумсин, менин беденим,
Сенсен овал-ахир сойуп отеним,
Жаним, бу йурегим, ҳатта бу теним -
Бу бутин барлыгым - бары сеники.*

Таржимонлар Ғафур Ғулом лирикасидаги поэтик нафосатни, образли ифодаларнинг жозибасини, оҳангини, таъсир кучини, энг муҳими, шоирнинг овозини, услубини, шеърларнинг миллий руҳини асл нусхадагидек қилиб беришга эришганлар. Шу тўғрисида ҳам таржималар туркман китобхони дидига монанд, қалбида ҳис-ҳаяжон туйғуларини уйғота оладиган, гоёвийликда ҳам, бадийликда ҳам асл нусха билан "беллашшига" қодир шеърлар даражасига кўтарилган. Фикримизнинг далили учун яна бир мисолни солиштириб кўрайлик.

Ғафур Ғуломнинг "Сен етим эмассан" шеърига ҳавас қилмаган, шоирнинг поэтик маҳоратига тан бермаган шеър ихлосманди ёки мутахассис топилибмаса керак. Ярим асрдан бери тиллардан — тилларга, эллардан — элларга ўтиб ўзбек шеъринининг довурутини ошириб келаётган, кишиларни ватанпарварлик ва байнаҳминалчилик руҳида тарбиялашга бутун ҳам ҳисса қўшаётган бу ўлмас асар кўп тилларга таржима қилинди. Шоир обрўсига обрў қўшди. Ана шундай дурдона шеъри ўз она тилига дурдона таржима қилиб ўтириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермаса керак. Фақат таржимонлик маҳоратигина эмас, шоирлик истеъдоди ҳам талаб қилинади, бу жараёнда. Назаримизда, бу масъулиятли вазифани туркман шоири Г.Омадов яхши уқдалаган. Мазкур

шеърнинг таржимаси, ҳақиқатан ҳам, жуда муваффақиятли чиққан, асл нусхадагидек ҳаяжонли завқ уйғотади.

Ғафур Ғуломнинг услуби, асл нусханинг умумий руҳи чуқур ҳис қилинган ва таржимада тўла сақланган. Мутаржим сўзмасўз, мисрама — мисра ўтириш тамойилини қўлаган бўлса-да, кўп ўринларда матнга ижодий сайқал берган. Мисралардаги ҳар бир сўзнинг туркманча вариантларини топишга, ифода тарзини асл нусхадагидек содда ва тушунарли қилиб беришга эришган. Шу боисдан ҳам Г.Омадов таржимаси худди асл нусхани ўқигандек таассурот қолдиради, шеърдаги ҳароратли туйғулар ифодаси ўқувчи қалбини тўлқинлантиради. Қуйидаги асл нусхани унинг таржимасига солиштириб кўрсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Асл нусхада:

*Улуғ жанг кунидир,
Жангки беомон.
Лашкар деган ахир
Бехатар бўлмас.
Отанг ўлган бўлса
Қайғурма, кўзим,
Кўзим ушти
Миннатинг бошимга гурра
Шу соғлом ҳавода
Саломат—эмон
Хўрсинмай, эркинлаб
Ола бер нафас
Эй улуғ наслимнинг
Юраги, жони,
Кипригингга илинмас
Йиғидан зарра.
Сен етим эмассан
Ухла, жигарим.*

Таржимада:

*Улу жанг кунин,
Ур сен, гайғурман.
Совеш ҳич вагт
Гурбиясыз болма.
Апан аксе-де
Гынанма, гузым
Гозим нуры сен,
Миннетингаким
Шу хош ҳавода
Саламатлаш,
Ачык, эркин
Ал сен демовчи
Эй бейик наслимин
Йурети, жаны,
Киприксенде сен
Яшдан нем болмаз
Сен етим эмассан
Ухла, жигерим.*

Мазкур таржиманинг асл нусха руҳига жуда мос эканлигини, унинг ҳар бир мисрасида Ғафур Ғулом овози эшитилиб турганини изоҳлашга зарурат бўлмас керак. Бу, шубҳасиз, таржимон меҳнати ва маҳоратининг ижобий самарасидир.

Шоир лирикасининг бу хидаги муваффақиятга таржима қилинганига яна мисоллар келтириш мумкин. Назаримизда, шу икки шеър таржимасининг ўзидек туркман таржимонларининг Ғафур Ғулом лирикасига масъулият билан ёндашиб, уни яхши ўтиришга муваффақ бўлганини далиллай олади.

Хулоса шуки, Ғафур Ғуломнинг Туркменистон матбуотида босилган туркум асарлари, нашр этилган шеърый китоби, шунингдек, туркман тилига мукаммал ўтирилган машҳур "Шум бола" қиссаси ва бошқа катта-кичик ҳикоя, очерк, фелъетонлари туркман таржима адабиётининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. Ва бу жараён Ғафур Ғулом ижодини туркман адабиёти билан боғлаб турадиган муҳим адабий омиллардан бири, туркман — ўзбек адабий ҳамкорлигининг яхши самараси ҳамдир.

* * *

Рисоланинг мазкур бобида туркман адабиётида Ғафур Ғулом ҳақида, унинг ижод йўли тўғрисида, ўзбек шоирининг туркман адабиёти ва ижодкорларига бағишлаб ёзилган баъзи асарлари хусусида тўхтадик. Агар шоир тўғрисида узоқ йиллар давомида Туркменистоннинг газета-журналларида билдирилган фикрлар, ёзилган мақолалар, хотира-очерклар, адибга бағишланган шеърлар в.ҳ. жамлашиб ўрғанилса шоир ижодининг туркман адабий муҳитига яқинлиги янада ойдинлашади, энг асосийси, "Ғафур Ғулом ва туркман адабиёти" деган мавзу ранг-баранг қирралари билан намоён бўлади ва адабий алоқаларимизнинг янги-янги шакллари кашф этилади.

Демоқчимизки, Ғафур Ғуломни туркман адабиёти билан яқинлаштириб турадиган барча адабий-илмий маълумотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш бир кичик тадқиқот доирасига сиғмайди. Шунинг учун ҳам биз бу масалада ўзинини маълум даражада чегаралаб, Ғафур Ғуломни туркман адабий муҳити билан ижодий боғлаб турган, адабий жамоатчиликка ҳали унчалик маълум бўлмаган айрим илмий-адабий ва публицистик материалларгина мурожаат этдик, уларни шарҳлаш, изоҳлаш орқали ўтган асрнинг

эллигинчи-етмишинчи йилларидаги ўзбек-туркман адабий алоқалари саҳифаларини ёритишга интиладик.

Яна бир масала. Ғафур Ғуломнинг туркман адабиёти билан яқинлигига доир биз тўплаган, ўрганган адабий материаллар мазкур мавзунинг адабий таъсир аспектида эмас, асосан, адабий алоқалар йўналишида таҳлил қилишни тақозо этди. Бу илмий муаммо келажакда ҳали адабий алоқашунос олимларнинг диққатини яна жалб қилади, биз тилга олмаган адабий фактлар, таҳлилга тортилмай қолган манбалар ўрғанилади, деб умид қилариз. Чунки адабиётшуносликнинг бу долзарб масаласи кенг доирада таҳлил қилинса, Марказий Осиёдаги қардош адабиётларнинг, шу жумладан, ўзбек ва туркман адабиётларининг мустақиллик йилларидаги тараққиёт истиқболларини белгилаш имкониятлари пайдо бўлади, ҳар икки адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари янада ёрқинроқ жиловланади. Бу эса айни пайтда, адабий алоқа ва адабий таъсирнинг назарий муаммоларини далиллаш учун зарурий материал бўлиб хизмат этади.

ҚОЗОҚҚА ҚАРДОШ, ЖОНДОШ ШОИР

Ўзбек элининг донг қозонган
Манадай оқиниман,
Жон қозоқнинг оқинларин
Дўстиман — яқиниман.

Ғафур Ғулом

Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом қозоқ халқи ва ижодкорларининг ҳурматиға сазовор бўлган мана шундай сўз санъаткорларидан бири эди. Ғафур Ғулом қозоққа қардош, жондош шоир деган фикр жамоатчилигида, китобхоналарда, илмий-адабий муҳит мутахассисларида кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас, балки унинг ҳаётлик чоғидайёқ халқларимиз онгига сингиб улгурган эди. Шоирнинг "Жон қозоқнинг оқинларин, дўстиман — яқиниман" деб ёзиши бежиз эмасди.

Қозоғистонда Ғафур Ғулом номи ва асарлари жуда эъзозланади. Қозоқ халқи ўзбек шоири шеърятини ўз ижодкорларининг асарларидек мутолаа қилишини адибнинг замонадошлари, қаламкаш дўстлари эътироф этишган. Масалан, таниқли қозоқ ёзувчиси, академик Ғабит Мусрепов мақолаларидан бирида Ғафур Ғуломнинг қозоқ элидаги шон-шувхрати тўғрисида шундай ёзган эди: "Ғафурнинг Қозоғистонга машҳурлиги шунчаликки, уни таништириб ўтиришнинг ўзи унчалик ўринли бўлмаса керак. Мен Қозоғистон китобхоналари орасида Ғафур Ғуломни яхши билмаган — Собитни билмаган билан тенг дер эдим".¹

Бундай фикрлар қозоқ-ўзбек шоир ва ёзувчиларининг расмий нутқларида ҳам, адабий-бадиий асарларида ҳам, адабиёт-шуносларнинг илмий тадқиқотларида ҳам кўп маротаба тилга олинган. Адабиётшунос Қ.Сейданов "Дўстлик куйлари" рисола-сида Ғафур Ғуломни қозоқ ўлкаси, ижод аҳли билан боғлаб турадиган диққатга сазовор бир неча мисолларни келтирадигани,

ҳақиқатан ҳам, шоир ўзбек-қозоқ адабий алоқаларининг энг фидойи тарбиётчиларидан бири бўлганигаги ишонч ҳосил қиласиз ва қалбингизда ифтихор туйғуларини ҳис этасиз.

Маълумки, адабий алоқаларин йўлга қўйиш анча мураккаб жараён. У муайян тараққиёт босқичларини босиб ўтади, давр синовларида чиниқиб, аста-секин шакллана боради. Бу жараёнда, биринчи навбатда, алоҳида ижодкорларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шундай шоир ва ёзувчилар бўладики, уларнинг шахсияти бошқа бир адабиёт билан алоқа ўрнатишда зарур "ҳалқа" вазифасини бажаради. Рамзий маънода айтсак, иккинчи бир адабиётга ўтиш учун "кўприк" бўлади. Бу "кўприк" қанчалик мустаҳкам, замини пухта, устунилари бакувват бўлса, узоқ туради, ҳам халқлар дўстлигига, ҳам адабиётлар дўстлигига хизмат қилади. Ғафур Ғулом ўзбек халқи билан қозоқ халқи, ўзбек адабиёти билан қозоқ адабиёти ўртасида дўстона алоқаларин, биродарлик борди-кеддларининг йўлга қўйишда мана шундай жонли дўстлик "кўприги" бўлди. Ўзбек-қозоқ адабий алоқалари тўғрисида сўз бошланса, биринчи навбатда, Ғафур Ғулом номининг тилга олиниши ҳам шундан бўлса керак. XX асрнинг 30—60 йилларидаги ўзбек — қозоқ адабий алоқалари тараққиётини Ғафур Ғулом ижодсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Биз ўрганиб чиққан адабий фактлар, шоир замонадошларининг хотиралари шундай хулоса чиқаришимизга асос беради.

Ғафур Ғулом, тарихий манбаларда қайд этилганидек, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан бошлаб Қозоғистон, унинг адабий муҳити билан таниша бошлаган. 1930 йилда илк маротаба Жанубий Қозоғистонда бўлиб "Туркистон — Сибир" темир йўлининг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган тантаналарда бир гуруҳ қозоқ адиблари билан бирга қатнашган. Ушбу анжумандан олган таассуротлари асосида, дастлаб "Қозоқ саҳросининг зар кокили" номли очерк, кейинчалик "Турксиб йўларида" деган шеър яратган эди. Айтиш мумкинки, мана шу йилинда қозоқ адиблари билан дастлабки учрашув ва танишув Ғафур Ғулом учун дўстлик ва ҳамжондорликнинг илк қадамлари, келажакдаги адабий алоқаларнинг истиқболи пойдеворига қўйилган ўзига хос бир ғишт эди. Шоир сўнги йилларда қозоқ адабиёти вакиллари билан алоқаларини, борди-кеддларини мустаҳкамлаб борди. Адабий ҳамжондорлик соҳасидаги саъй-ҳаракатлар аста-секин шахсий дўстлик муносабатларига айлана бош-

¹ Қараг: Қ.Сейданов. Дўстлик куйлари. Тошкент, 1980, 65 бет

лади. Унинг Мухтор Азевов, Ғабит Мусрепов, Собит Муқомлов, Абдулла Тожиев каби сўз устаслари билан турли йиллардаги адабий алоқалари, шахсий дўстлик муносабатлари, адабиётларимиз манфаатларига хизмат қилди. Ўзаро тажриба алмашувлар, атқоқди шоир ва ёзувчиларнинг юбилейларини бирга нишонлаш, уларда иштирок этиб, матбузалар қилиш, ўзаро бадиий таржима, Қозоғистон ва Ўзбекистонда адабиёт ва санъат кунларини ўтказиш учун биргаликда ташаббус билан чиқиш, икки халқ дўстлиги ҳақида асарлар ёзиш ва яна бошқа бир неча адабий алоқа шаклларидаги ҳамжиҳатлик Ғафур Ғуломни қозоқ ёзувчиларига, қозоқ ёзувчиларини эса Ғафур Ғуломга яқинлаштирганди. Бу тadbирлар икки адабиёт тараққиётига, муъдарижасининг кенгайиб, янги-янги асарлар билан бойиб боришига ҳисса бўлиб қўйилди. Устоз-шоғирдлик ағъаналари муваффақиятли ривожланиб, яхши самаралар берди. Буларнинг барчасининг марказида Ғафур Ғулом турди. Чунки шоирнинг қозоқ адабий муҳити билан боғлиқ ҳар бир чиқишида, ёзган мақола-сида, қозоқ адабиётининг чинакам ғамхўри, унинг ҳар бир ютуғидан қувонадиган, фахрланиб гапирадиган бир инсон эканлиги сезилиб турарди. Ўз адабиёти ҳақида қандай гуруҳланиб гапирса, қозоқ адабиёти тўғрисида ҳам худди шундай туйғулар билан сўзларди, қаламқаш дўстларининг ҳар бир муваффақиятини ўз муваффақиятидай қабул қилиб, суюнардди.

Ғафур Ғулом қозоқ адабиёти ҳақида ҳаммаша илҳом билан ёзарди: "Бу адабиётнинг ўн Жамбулнинг умридай тарихи бор. Бу адабиётнинг мазмуни қозоқ еридай кенг, Абай ўлаҳларидай нафосатли, таъсирчан. Бу адабиёт қозоқ халқининг қир чечакларидай гўзал, ақилдай фаросатли. Бу адабиёт ўзининг тутишган бовуридай бўлган ўзбек халқига яқин, шунинг учун икковининг шоири ҳам, Ўзбекистон ҳам бир-бирига ўртоқ. Қозоқ адабиёти менинг бовурум — Мухтор оға, Собит, Ғабит, Ғабиденлар яратган улкан адабиёт. Бу адабиётнинг асосий мақсади — жаҳон халқларининг дўстлиги, тинчлиги, тотувлиги, бирдамлиги. Қозоқ адабиёти ва унинг арбоблари — қардошларим ҳақида ҳаяжонланиб, айтар сўзим сира тутамайди".¹

¹ Ғафур Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар. 2-жилд. Тошкент, 1973. 50 бет. (Ғафур Ғуломнинг Қозоғистон ва қозоқ адабиёти ҳақидаги фикрлари бундан кейин ушбу маълумот олинади. Бети қалс ичида кўрсатилади)

Қозоқ адабиёти босиб ўтган тарихий йўлни, унинг бугуни ва эртасини теран идрок этиб, ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама чуқур ўзлаштириб олган, зукко адабиётшунос, назик дидан шоиргина уни мана шундай образли, хилма — хил поэтик ифодалар орқали таърифлай оlishи мумкин. Бу, Ғафур Ғуломнинг қозоқ адабиёти ўтмишини, бутунини нақадар яхши билганидан дарак беради.

Тўғриси, ҳали ҳеч бир ўзбек адабиётшуноси қозоқ адабиётининг образли шаклда, унинг "мазмунини қозоқ еридай кенг, Абай ўлаҳларидай нафосатли, таъсирчан, қозоқ халқининг қир чечакларидай гўзал, ақилдай фаросатли" дея оригинал, поэтик матнларда тасвирламаган эди. Қозоқ мумтоз ва замонавий адабиётини мукаммал билган, уни юракдан ҳис қилиб, мулоҳаза юритган теран фикрли, мушоҳадачи кенг, илмий салоҳияти бақувват олимгина бу адабиётга шундай баҳо бериши мумкин. Ғафур Ғулом бундай ишни уddaлай оладиган ноёб истеъдод соҳиби эди.

Ғафур Ғулом қозоқ мумтоз, айниқса, замонавий адабиётини яхши биларди. Абай унинг энг сеvimли шоирларидан бири бўлган. У Абай меросини шунчаки бир қизиқиб, шеърят илосманди сифатида ўрганган эмас, балки чин илос ва шоирлик қалаби билан мутолаа қилган. Унинг ижод сирларини замон ва замон сиёсатисидида талқин этишга ва шу орқали қозоқ оқинининг адабий-эстетик тамойилларини аниқлашга, ижоди юзасидан фалсафий қулосалар чиқаришга муваффақ бўлади. Ўзбек шоирининг қуйидаги мулоҳазалари, бизнингча, ҳеч бир адабиётшуноснинг талқинидан қолишмайди: "Абай — чинакам ҳурматга арзигulik ала шоир. Унинг ўлаҳлари қозоқ саҳросидай бепоён, Олаотининг атлас қирларидай жимжимадор, Чентгиз тоғ шаршараларидай суронли, Қозғурт қояларидай баланддир. Абай ўзининг олтиш йиллик умрида қозоқ халқи учун қуйиб, йиғлаб ўтди. У тарқоқ матларини боши қўшилган — қудратли бир халқ ҳолида қўриш-нин орзу қилар эди. У ўз халқини ўқинишга, билимдон, таъриф-фатли қўришни ва ҳунар-маданият эгаси бўлишни орзу қилар, қозоқ халқининг бахту-саодатини ўйлар эди. Абай қамраб олган мавзулар доираси кенг, мазмуни теран, шакли чиройлидир. Абай номи эса, ёрут юлдуздай ярқираб турувчи, ўламас номлардан — дир". (51 — бет)

Агар эътибор берган бўлсангиз, Ғафур Ғулом бу ерда ҳам хилма-хил поэтик ифодаларни қўллайди, ўхшатишлардан фойда —

ланади, Абайни қозоқ элининг энг жозибали табиат кўринишларига қиёс қилади. Бу муқоясалар, образли фикрлар, оригинал бадий деталлар ўқувчида унутилмас таассурот қолдиради, шоир ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади. Гарчи, у муайян тадбир, шоир ёки ёзувчининг юбилейи муносабати ила айтилган ёки ёзилган бўлсада, илмий негизи мустаҳкам, далилли гаплар. Шоирнинг бу фикрлари унинг қозоқ адабиёти ҳақидаги адабий-эстетик принциплари анча кучли ва назарий пухта эканлигидан дарак беради. Гафур Ғулом ҳар бир қозоқ ижодкори тўғрисида шундай мулоҳаза юритиш ва баҳолаш салоҳиятига эга профессионал адабиётшунос ҳам эди.

Ижодкорларнинг қардош адабиёт намоёндалари билан ўзаро ёзишмалари, мактублар алмасuvi ҳам адабий алоқаларни ривожлантиришининг ўзига хос кўринишларидан биридир. Бундай анъана мумтоз адабиётда ҳам бор эди. Мазкур шаклнинг афзаллиги шундаки, ҳар бир ижодкор "хат" баҳонасида ўз адабиётдаги ютуқлар, янгиликлар, мабодо, ўша шоир ёки ёзувчи мактуб йўлланаётган ўлкада сафарда бўлиб қайтган бўлса, олган таассуротлари тўғрисида, ижодий режалари, ёзган асарлари ҳақида қаламкаш дўстига ахборот, "ҳисобот" беради.

Умуман, адабиётларини ўзаро яқинлаштиришда, шоир ва ёзувчилар ўртасида дўстлик муносабатларини ўрнатишда бу адабий алоқа шаклининг аҳамияти катта. Жаҳон адабиёти тажрибасида ҳам "хат" шакли адабиётлар, ижодкорлар ҳамкорлигини йўлга қўйишнинг ўзига хос усулларидан бири саналган. Гафур Ғулом қозоқ адабиёти ва ижодкорлари билан алоқани мустаҳкамлашда бу усулдан ҳам самарали фойдаланган. Шоирнинг қозоқ ёзувчиларига, қозоқ адибларининг унга йўлаган "мактуб"лари бор ва уларнинг кўпчилиги ҳар икки республика матбуотида, тўпаланганда ўз даврида босилиб чиққан. "Мактуб"ларнинг ҳаммаси ўзаро дўстлик, қардошлик, адабиётларини маънафатлари нўқтаи назардан ёзилган. Бу ерда уларнинг барчаси тўғрисида сўз қилинган "мактуб"ларни илмий муомилга киритиш имкони йўқ. Фақат икки "Мактуб" ҳақида кенгроқ тўхтамоқчимиз. Бу қозоқ адиби Қувондиқ Шанғитбоевнинг "Мен қардошларимни қуйлайман" сарлавҳали "мактуб"–мақола, иккинчиси Ғуломнинг "Бу гинини ҳаммамиз қуйлаймиз" номидаги мақола. Унинг "Мактуб"ида Гафур Ғуломнинг қозоқ адабиётига алоқалари, ўзбек шоирининг Қозғистонда

машҳурлиги, айниқса, Собит Муқонов билан оға-инилик муносабатлари тўғрисида сўз юритилади, бу биродарликнинг икки халқ адабиёти учун қанчалик наф келтиргани мисоллар билан исботланади. Икки улкан сўз устасининг бир учрашувига тўғоқ бўлган "мактуб" муаллифи бу ҳаяжонли ҳолатнинг тасвирини шундай беради: "Собит Муқоновни кўрдингизу, қучоқларингизни кенг ёйиб у томон талпиндингиз. Мен шунда икки улкан ёзувчининг учрашувига тўғоқ бўлдим. Бу жуда ҳам мароқли эди. Сизларнинг бундай қучоқлашиб қўришишларингиз, менга, қозоқ адабиётининг ёш авлоди вакилига халқларимизнинг асрлар оша синовлардан ўтган, тобора равақ топиб бораётган муқаддас дўстлиги тимсоли бўлиб қуринди".

Икки қардош адабиётнинг қўш чинордай зарбадас адибларининг қўришишлари ҳақидаги бу маълумот, шунчаки, ахборот учун айтилган эмас. Унинг заминида катта ижтимоий маъно бор. Адабиётлар дўстлиги — бу халқлар дўстлиги, уни асраб сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш зарур, деган мантиқий ҳулоса бугунги кун учун ҳам ниҳоятда аҳамиятли. Қ.Шанғитбоев Гафур Ғуломга "Мактуб" орқали мурожаат қилар экан, қозоқ–ўзбек халқларининг тарихи, тақдир, ерларининг бир-бирларига туташлиги, адабиётларининг умумийлиги, тили ва маданиятларининг ўхшашлиги, барча–барчаси, икки халқни бириштириб турадиган тақдорланмас ҳамкорлик ришталари эканлигига алоҳида ургў қилади. Бу анъаналарни изчил давом эттириб, келгуси авлодларга ҳам етказиш ҳар бир ижодкорнинг муқаддас ва шарафли вазифаси эканлигига эътиборни қаратади. Бу айни бугунги куннинг шоири! Муҳтор Авесов, Берди Кербобоев, Ойбек, Чингиз Айтматов, Тўлелберган Қашиберганов каби дунёга машҳур ёзувчиларнинг Марказий Осиё адабиётлари ўртасидаги алоқаларини мустаҳкамлашдаги воситачилик роли. Гафур Ғуломнинг бу адиблар билан бўлган дўстона муносабатлари "Мактуб"да қизиқарли ҳаётий фактлар билан баён этилади. Бизнингча, мазкур "Мактуб" қозоқ–ўзбек адабий алоқаларининг ибратли саҳифаларидан бирини ташкил этади.

Гафур Ғуломнинг жавоб "Мактуб"и мазмун, роияий йўналиш нўқтаи назаридан Қ.Шанғитбоевнинг мурожаат "Мактуб"ига яқин. Икки қалам соҳиби ҳам бир гини (мадҳия)ни, яъни қардошлик, дўстлик мадҳиясини қуйлашайтгани, бу роияни амалга оширишда ўзбек ва қозоқ адиблари қўли–қўлга бериб, яқдиллик

билан ҳаракат қилиши зарурлиги таъкидланади. Бундай ҳамжи-ҳатлиқнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда қандай самаралар бериши башорат қилинади. Ғафур Ғулом ҳамкасб дўст-нинг эътиборини кўпроқ, икки халқ тарихий тақдирининг муш-тараклигига қаратади. Ижтимоий-иқтисодий, маънавий манфа-атлар ўзбек билан қozoқни абадий бирга қилиб қўйганлиги бу — ҳаётини қонуният эканлигини, бу мустаҳкам "қўприк"ни ҳеч бир куч бузишга қодир эмаслигини ишонч билан ёзади.

Матълумки, ҳар андай ҳамкорликнинг негизини, энг аввало, ижтимоий-тарихий шароит ва жўроғий муҳидаги умумийлик ташкил этади. Адабий алоқаларнинг шакллари мана шу муш-тараклиқдан ўсиб чиқади. Шу маънода, Ғафур Ғулом "Мактуб"и-даги қуйидаги маҳоҳазалар айни мустақиллик даврининг ҳа-қиқатидир: "Ўзбек ва қozoқлар минг-минг йиллардан буён бир-бирига туташган улуғ ер қитъасида бирга-бирга яшаб келади-лар, бирининг тарихи иккинчисининг ҳам тарихидир. Қоплон-бекда чироқ ёнса, Тошкентда кўринади. Чимкентда тўй бўлса, ярим Тошкент кўчиб боради. Уйинга бирор ардоқли кўноқ келиб қолса, қимиз учун ё Сарағочга, ё Турботга бориб келаман, Тош-кентнинг кўп Олий ўқув юртиларида, ТошДУда кўп қozoқ йигит-қизлари таълим олади. Марҳум Мухтор Аvezов ҳам САГУнинг студенти эди. Рост гапни такрор-такрор айтсанг зиён қилмайди. Қиз олиб, қиз берган, қуда-қудагай халқларимиз".

Ғафур Ғуломнинг бу эҳтиросли сўзларининг негизида ҳар бир ўзбек, ҳар бир қozoқнинг қалбиде дўстлик, қардошлиқ меҳ-рини уйғотадиган, бир-бирлари тақдирларига, қувончу ташвиш-ларига шерик бўлиб яшашга, меҳнат қилишга ундаб турадиган маънавий куч бор. У ҳар бир инсон юрагиде халқлар дўстлиги гоёларига хизмат қилиш туйғуларини уйғотишига ишончимиз комил. Бу ҳилдаги фикрларнинг, қаҳриқларнинг амалий аҳа-мияти, ҳаётбахш таъсири ҳам шундай! Ғафур Ғулом "Мактуб" сабаб қozoқ биродарлари ҳаётига яна бир назар ташлайди, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида, саноатда эришган ютуқ-ларини кўз олдига келтиради, ўзи гувоҳ бўлган воқeалари, уч-рашган одамлари ҳақида, уларнинг меҳнати тўғрисида илҳом билан ёзади, адабий-маданий алоқаларнинг ҳозирги ҳолатидан қўнғил тўқ эканлигини зўр қониқиш билан баён этади. Марка-зий Осиё адабиётларининг, хусусан, қozoқ адабиётининг йирик намоёндалари билан бир сафда бебаҳо дўстлик ва қардошлиқ

қўшиғини бирга қуйлаётганидан ўзида ифтихор туйғуларини сезади.

"Мактуб"да халқлар ва адабиётлар дўстлигига хизмат қила-диган, бундан бошқада ибратли мисоллар, ўзбек ва қozoқ халқ-лари дўстлигини мустаҳкамлайдиган самoқли фикрлар анча-гина. Ҳар икки халқнинг бутунги ижодкорлари устоз шоирла-римизнинг бу ўғитларига амалий ишлари билан жавоб берса-лар, истиқлол даврида ҳам уни амалга оширишнинг имконият-ларидан фойдаланиб ҳаракат қилсалар, адабиётларимиз ва хал-қларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган бўлур эдилар. "Мактуб"ларнинг Ўзбекистонда эълон қилинганига салкам қирқ йил бўлди. Лекин унда қаламга олинган мавзулар, илгари сурилган гоёлар, икки адабиёт вакиллари ижоди юзасидан биддирилган фикрлар, фактлар асло эскирмайди, бутун ҳам адабиётларимиз дўстлигига хизмат қилишга шубҳа йўқ.

Афсуски, қардош адабиётларнинг ижодкорлари ўртасидаги бундай ўзаро "Мактуб" алмашишлар, кейинги йилларда жуда кам учрамоқда. Ваҳоланки, ижодкорлар ўртасидаги ёзишмалар фақат адабий алоқалар учунгина эмас, конкрет ёзувчиларнинг адабий фаолияти ёки муайян бир асари тўғрисида ўзга адабиёт вакилларининг холис фикрларини билиш, адабиётнинг обрўси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда гарчи, сўз юритила-ётган мавзуга бевосита алоқадор бўлмасада, бир "Мактуб" ҳа-қида қисман тўхтаб ўтсак фойдадан холи бўламс. Бу ҳажонга машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг таниқли қорақалпоқ адаби Тўлепберган Қайпбергановга йўллаган "Мактуб"и. У "Инсоният тарихи сўқмоқларида" деган ном билан Ўзбекистон ва Қо-рақалпоғистоннинг газета-журналларида 1998 йилининг декабр ойи-да қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида эълон қилинди.

Ч.Айтматов "Мактуб"ида Тўлепберган Қайпбергановнинг "Қорақалпоқ достони" тўғрисида сўз юритилади. Тўғриси, дунё адабиёти тан олган ёзувчининг "Мактуб"и қорақалпоқ ва ўзбек адабий жараёни учун ўзига хос янгилик бўлди, илмий-адабий жамoатчиликда Тўлепберган Қайпберганов ижодининг салоҳия-тини яна бир даража юқори кўтарди. Қирғиз ёзувчисининг "Қорақалпоқ достони" ҳақидаги қуйидаги фикрлари нафақат ёзувчи ижодига, айни чоғда қорақалпоқ адабиётига ҳам берилган юксак баҳодир, қорақалпоқ ва ўзбек китобхонлари учун ҳам фахрлир: "Муаллифга, яъни сенга қорақалпоқларнинг уч асрлик тарихини

бадий жиҳатдан ишонарли ва кучли акс эттириш насиб этганини кўриб қувониб кетдим. Бу трилогия — улкан бадий асар бўлиб, у ҳақиқий санъаткор қўли, қўли гул уста томонидан, ўз халқини айрича меҳр-муҳаббат билан яхши кўрадиган ёзувчининг қалб кўри билан яратилган. Тўлепберган сен адо этган вазифа қорақалпоқлар учун ҳам, жамики туркий халқлар учун ҳам том маънода бебаҳодир. "Достон" ёзганини учун раҳмат!"

"Қорақалпоқ достони" трилогияси юзасидан адабиётшунослик ва танқидчиликда билдирилган фикрларда, романни баҳолашдаги мулоҳазаларда бир ёқлама ёндашувлар бор эканлиги сир эмас. Айрим тадқиқотларда трилогиянинг аҳамиятини, қадр-қимматини, ёзувчининг маҳоратини тан олмасликка интилиш тенденцияси ҳам йўқ эмас. Асар тақдирида унчалик рол ўйнамайдиган, иккинчи даражали масалалар талқинига кўпроқ таяниб, асарда умуминсоний аҳамиятга эга муаммоларнинг қўйилиши ва ҳал қилиниши жараёнлари эътибордан соқит қилинади, унга юзак баҳо бериллади. Романдан қўзланган мақсад, ёзувчининг асосий концепцияси нимага ва кимга қаратилгани, асардан қандай гоя, мантқиқий хулоса чиқариш назарда тутилганлиги, адабий — эстетик жиҳатдан асосланмайдиган. Ҳаммани уйлантирадиган, тарих учун сабоқ бўладиган мураккаб воқеалар ва мураккаб тақдирлар ҳақидаги муаллифнинг қарашлари ҳаёт ҳақиқатига қанчалик мос ёки мос эмас? Романи баҳолашда мана шу эстетик талабга кўп ҳам амак қилинавермайди. Шу жиҳатдан, Ч.Айтматовнинг "Мактуб" идаги "Қорақалпоқ достони" юзасидан билдирган фикрлари аҳамиятлӣ ва маълум маънода адабиётшунослигини учун ҳам янгиликдир.

Тўлепберган Қанпберганов XVIII—XIX аср тарихий ҳақиқатини талқин қилишга, айниқса, халқ йўлбошчилари бўлиш мураккаб тақдирли кишиларнинг ҳаёт ва кураш йўллариини ёритиш масаласига ўзига хос, кингича ёндашганлигини, ҳеч бир тарихнавис ёзувчига ўхшанмайдиган ижодий йўлдан юрганини, "Мактуб" муаллифи "Қорақалпоқ достони"нинг катта муваффақияти сифатида юқори баҳолайди. Асарият тарихий романларда учрайдиган, шаблонга айланиб қолган конфликт яратиш усули (эйдияларини чет элик келтириб душманлар билан кураш асосига қуриш)дан воқеа кечиб, у "Достон"да конфликтни бошқача

йўналишда яратганини, яъни ички қарама-қаршиликлар, бир-бирини тан олмаслик оқибатида келиб чиққан туғнашувлар шаклида ифодалангани, ёзувчи бадий маҳоратининг белгисидир, деган хулосага келади кирғиз адаби. Ва шу нуқтан назардан асарда қаламга олинган мавзу ва унинг бадий тасвирига хайрихоҳ эканлигини билдиради. Бир-бирини тушунишни истамаган, ўзаро тил топиша олмаган Маманбий, Ойдусбоғ, Эрназар олакўз каби халқ йўлбошчилари фожиясининг фалсафий талқинини маълумлайди.

Дарҳақиқат, "Қорақалпоқ достони" ана шу фазилати билан ҳам қимматли ва қудратлидир. Ч.Айтматовдек буюк ёзувчининг трилогия ҳақидаги "Мактуб" орқали айтган мулоҳазалари, берган юқори баҳоси ҳолис, реал ҳақиқат, чинакам адабиётшунослигининг илмий нуқтан назари ва кўпчилик учун ибрат. Романинг ютуқларини тан олишни истамасдан, уни баъзида асоссиз танқид қилувчилар, машҳур ёзувчининг мазкур фикрларидан хулоса чиқариб олсалар, айни мудоао бўлур эди.

Ч.Айтматов "Мактуб"да "Қорақалпоқ достони"нинг куч-қудрати, маънавий қадр-қиммати ҳақида, энг асосийси, Тўлепберган Қанпбергановнинг тарихий ҳақиқатни бадий ҳақиқатга айлантириш санъати, образ яратиш маҳорати, умуман, трилогиянинг бошқача бадий хусусиятлари тўғрисида мулоҳаза юритган.

Албатта, "Мактуб"ни ҳар томонлама шарҳлаш бизнинг вазифамизга кирмайди. Бу алоҳида тадқиқот мавзуси. Биз унинг фақат биргина нуқтасига муносабат билдирдик ва шундай хулосага келдикки, ўзга бир адабиётнинг намоёнаси ҳам "Мактуб" шакли орқали муайян ёзувчи ёки унинг конкрет асари юзасидан адабиётшунослик учун жиддий, салмоқли фикрлар айтиши мумкин экан. Бу ижодий шакл адабий жараёнда ҳамisha ҳаракатда бўлса, ҳар бир қардош адабиёт ундан фақат наф қуриши табиий. Шу маънода Гафур Фуломнинг қозоқ адаблари (у бошқа қардош адабиёт намоёндалари билан ҳам ўзаро ёзишмалар қилган) жумладан, Қ.Шангитбоев билан алишган "Мактуб"лари, Ч.Айтматовнинг Тўлепберган Қанпбергановга йўллаган "Мактуб"и бутунги авлод ижодкорлари учун ибрат бўла олади. Деярли унутилиб кетаятган бу ағъананинг келажакда давом эттирилишининг тарафдоримиз. Гафур Фулом бошлаб берган ўзбек-қозоқ адабий алоқаларининг бир шаклига айланган бу

¹ Ч. Айтматов. Инсоният тарихи сўмоқларида. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1996, 11 декабр

дастур мустақиллик йилларида ҳам ривожлантирилса, ҳар икки томон учун ҳам амалий аҳамият касб этиши табиий.

Ғафур Ғулум қозоқ адабиёти ҳақида мақолалар ёзиш, шоир ва ёзувчилари тўғрисида ҳар хил йўналишларда илмий фикрлар билдириш ёки бу ўлканинг ижодкорларига мактуб йўллаб, уларга муносабатини адабий алоқаларнинг фақат мана шу шакллари орқали баён этиш билан чекланган эмас. Қозоқ халқи ва адабиёти билан ҳамкорлик қилишнинг бошқа кўринишларидан ҳам фойдаланган. Яъни қозоқ турмушига бағишлаб бир неча асарлар ёзган.

Умуман, халқлар дўстлиги мавзуси Ғафур Ғулум шеъриятида катта ўринни эгаллайди. Шоир тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва қорақалпоқ халқлари ҳаётидан ўлаб асарлар яратгани маълум. Булар орасида қозоқ мавзуси шоирни кўпроқ қизиқтирган. Бунинг сабаблари бор, албатта. Назаринида, Ғафур Ғулум бошқа қардош республикаларга қараганда Қозоғистонга анча яқин, қозоқ халқининг, қозоқ ижодкорларининг "ўз шоири"дай бўлиб қолган. Қозоғистонда унинг пой қадамини тегмаган жой жуда кам бўлса керак. Ғ.Ғулум Қ.Шанинғбоевга ёзган мактубида ҳам бунни қисман эслатган эди: "Мен Қозоғистонни кўп вақтдан бери яхши биламан. Еш кезида Чимкент областидаги "Қоплонбек" савхозида бироз турганим бор. Чимкент, Сайрам, Жамбул, Тулкибошда бир неча бор бўлдим. Қозоғистоннинг пойтахти Олмаота шаҳрига ўндан ортиқ келиб кетдим". (167 – бет)

Булар шоир қадам босган қозоқ элининг ҳаммаси эмас, улар кўп. Ғафур Ғулум Қозоғистонга бағишланган бошқа асарларида улар тўғрисида кенгроқ маълумот беради. Албатта, гап бу ерда ўзбек шоирининг Қозоғистоннинг неча шаҳарида бўлиб, саёҳат қилганида ёки у ерининг табиати, одамлари билан танишганида, ёхуд битта-иккита шоир билан мулоқотда бўлганида эмас. Мазкур масалага бу ҳақда формал ёндашсак, ушбу ташрифларнинг мақсадини, маъно ва моҳиятини теран идрок этмасак, Ғафур Ғулумнинг бу йўналишдаги ижтимоий-адабий-фаолиятининг аҳамиятини, ўзбек-қозоқ адабий алоқаларини ривожлантиришдаги шахсий ролинини ҳолис баҳолай оlmaymиз. Агар бу ташрифлар, ижодий сафарлар, шунчаки расмийлик учун, қалб амри билан

эмас, қандайдир бир "зарурат"лар асосида амалга оширилганида эди, шоир қардош қозоқ халқи, ижодкорларининг бунчалик улкан ҳурматиغا сазовор бўлмасди. Қозоқ адабиётининг забардаст намоёндаларидан бири Абдулла Тожибоевнинг қуйидаги сўзлари бекорга айтилмаган: "Ғафур оға, сен бизнинг, бахтли қозоқ халқининг ҳам машҳур ўғли, сеvimли дўстисан. Бизнинг республиканинг ҳамма қувончи, халқимизнинг тўю маърака, маросимлари сенсиз ўтган эмас. Юз йил яшаган Жамбул-изнинг соқолини ўпдинг, ўзинг каби машҳур ёзувчиларимиз Мухтор, Собитнинг тўғларига иштирок этдинг, дўстнинг аянгли сўзларини айтдинг. Сенинг қалбинг ҳамон бизнинг қалбимиз билан бирга".

Узга бир халқнинг энг атоқли адибининг бундай юксак баҳосига сазовор бўлиш ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермайди. Бошқа миллатларга ҳақиқий маънода меҳр қўйган, унинг ташвишу шодлиқларига ўзини шерик деб билган, қувонса қувонган, қайғурса қайғурган, яхши-ёмон кулларида ёнма-ён турган ижодкоргина, ўша халқнинг ўз фарзандига, "ўз шоири"га айланади. Ғафур Ғулум қозоқ халқининг меҳрини қозongan худди мана шундай адиблардан бири эди. У қозоқ ҳақида сўз очса доимо "қариндошим, тутишганим, бовуриим" сўзларини қўшиб гапирди. Ушбу сўзларнинг ўзидаёқ унинг қозоқ халқига бўлган ҳурмат ва эҳтироми нур сочиб тургандай туюлади. Шундай экан, шоирнинг қозоқ мавзусига мурожаат этиши ва ўта колоритли асарлар яратиши табиий ва мантикий асосга эга.

Ғафур Ғулумнинг Қозоғистонга бағишланган ҳар бир асарида қозоқ нафаси уфуриб туради, бу ўлка одамлари табиатига хос ҳислатлар, тарихига, адабиётига тегишли маълумотлар ранг-баранг поэтик образларда, миллий бўёқларда, унутилмайдиган бадий деталларда реал чизиб берилаган. "Қозоқ элининг улуғ тўйи", "Қозоқ қардошларимга" шеърлари мана шундай асарлар сирасига қиради. Айниқса, "Қозоқ элининг улуғ тўйи" шеъри поэтик маҳорат жиҳатидан анча мукамал. Шеър 1945 йилда, Қозоғистон Республикаси ташкил қилинганига йигирма беш йил тўлиши муносабати билан битилган. Ўша таътанга Ғафур Ғулумнинг ҳам иштирок этганлиги ва мазкур шеър илк маротаба шу анжуманда ўқилгани маъналарда тилга олинади. Бу шеър Ғафур Ғулумнинг дўстлик мавзусидаги яхши шеърларидан бири.

Баъзан бирор таътанга, шоир ёки ёзувчининг юбилейи муносабати билан ёзилган шеърнинг бадийи салмоғи кўнгидагидек

чиқавермаслиги сир эмас. Бундай "календарбоб" шеърлар кўпроқ қуруқ, мадҳиябозликка, баландаларвоз чақирىқларга, бадний далилланмаган сазё фикрлар асосига қурилган бўлади ва улар ўқувчи хотирасида узоқ сақланмай, тезда унутилиб кетади. Бироқ Гафур Ғуломнинг "Қозоқ элининг улуғ тўйи" шеъри, гарчи, юбилей баҳона ёзилган бўлса-да, бадний-эстетик жиҳатдан пухта, катта ижодий тайёргарлик билан яратилгани сезилиб туради. Кимки ўзбек-қозоқ ёки қозоқ-ўзбек адабий алоқалари ҳақида сўз очғудек бўлса, ёхуд Гафур Ғуломнинг Қозоғистон билан дўстона муносабатлари тўғрисида бирор фикр айтмоқчи бўлса, мазкур шеърни, албатта тилга олади, шoirнинг ижодий ютуқларидан бири эканлигини алоҳида қайд этади.

Чиндан ҳам, шеърнинг фазилатлари кўп. Унинг энг катта ютуғи, бизнингча, халқларимиз тақдирлари ўхшашлигининг реал бадний таҳлилида, чинакам миллийлигида, қозоқ халқига хос сифатларнинг ҳаққоний талқинида. Мана, бир мисол:

*Бир томирмиз, бир чорвамиз,
Бир қозонмиз, бир олов,
Ўртамизда неъмат тўла,
Дастурхондай кенг яйлов
Ўзбек эли: — ўз оғам, — деб,
Ўтрик сўзмамас қозоқ,
Жекам десам, жонга тутош,
Иним десам яқинроқ.*

Гафур Ғулом образли фикрлашга, бадний тасвир воситаларидан усталик билан фойдаланиб мулоҳаза юритишга, ибратли фалсафий ҳулосалар чиқаришга жуда моҳир шоир. Биз унинг тафаккур усулига хос бу хусусиятнинг мақолаларида, қозоқ адиллари билан ёзишмаларида кўрган эдик. Шеъринида ҳам у мазкур ижодий принципларга содиқ қолган. Лирика, умуман олганда, образли тафаккур билан боғлиқ жараён. Шоир ҳаёт ҳақиқатини яланғоч шаклда эмас, образли мушоҳада "либосига" ўраб берса, ифода тасвир воситаларидан қанчалик кўп ва мақсадга мувофиқ фойдаланса, шеърнинг таъсир кучи, жозиба қудрати шунчалик мустаҳкам бўлади. Зеро Абдулла Орипов ёзганидек: «Шеърни шеър қиладиган нарса образлиликдир. Адабиёт, шеърини образлилик билан тирик». Ўзбек ва қозоқ халқлари тақдирларининг

умумийлиги "бир томир, бир чорва, бир қозон, бир олов" тарзида изоҳланиши, "неъматга тўла дастурхондай кенг яйловга" ўхшатилиши шoirнинг топқирлигини, образли фикрлаш маҳоратидан дарақ беради. Қуйидаги шеърни парчани қисслаб қурайлик:

*Минг йилларга бар тутқазмас,
Қондошлик тарихимиз,
Икки бошга бир манглайдай
Ярқироқ тақдиримиз
Бир китобнинг икки бети,
Туташгандир еримиз,
Бир—бировга қундай равшан
Аёнимиз, сиримиз.*

*Қариндошим, туғишқоним
Уакан қозоқсан ўзинг,
Тонгонтарда эгиз болқар
Ўзбек билан юлдузинг.*

Салкам юз мисрага яқин шеърда қозоқ халқи ўзбек шеърини хос гўзал поэтик ифодалар, оригинал ташбеҳлар, сифатлашлар билан таърифланади. Шунчаки, қуруқ мадҳ этилмайди, ҳаётий фактлар, реал турмуш манзаралари, конкрет одамларнинг фаолиятлари тасвири орқали бадний далилланади. Қозоқ халқи бағри кенг, юксак истеъдод эгаларига бой ўлкада яшайётгани учун ҳам бузук ва бахтли деган ғоя ҳар бир мисра маъзига сингдирилган. Гафур Ғулом қозоқ биродарларига "ойнабулоқ сувларидек бахти" бўлсин, дея тилак билдиради, уни "қуёш ўғлига, қуёшдан ҳам баракали улуғ халқ"қа қиёс қиладди:

*Қозоқ боши маърифатнинг
Дурраси—ла бойланди,
Чексиз саҳро жавоҳирлар
Сандугига айланди.*

Бутун бошли халқнинг маърифат нуруларидан баҳраманд бўлаганини ёки қозоқ меҳнаткашларининг бепарв чўлларни боғу бўстонга, дуру — гавҳар маконига айлантирганини, қаҳрамонона меҳнат жараёнини бундай образли шаклда ифодалаш учун,

талантдан ташқари, ўша ҳаёт тарзини қалбдан ҳис қилиш ва шундай мўъжизалар яратётган халққа нисбатан юракда меҳр ва ҳурмат туйғулари ҳам жўш уриб турмоғи даркор. Ғафур Ғулом бу шеърни катта илҳом билан ёзгани, бир қозоқ қаламкаши ҳолатига тушиб қуйлагани, бу тўйни худди ўз тўйдек қабул қилиб, фахрлангани шеърнинг жозибасини оширган. Шунинг учун ҳам шеър ёзилаётган пайтда, шоир ҳаёлига оҳори тўкилмаган, бошқа шеърларидан кўп қўлланилганвермаган теран маънога йўғрилган сўзлар, ифодалар қуйилиб келаверган. Ҳар банднинг ҳар бир мисрасида "Аҳди маҳкам, тиниқликда осмон, доимликда жаҳон, қариндош, туғишқони" қозоқ халқига қардошлик меҳри жисмоний туради. Бу ифодалар қозоқ халқини ўқувчи кўз олдига янада салобатли, янада азамат, улут халқ қилиб кўрсатади.

Ҳеч бир ўзбек шоири қозоқ қизларини таърифлашда Ғафур Ғуломга тенг келолмаса керак. Мана, бир мисол:

*Олматанинг олмасидай,
Қон талашган юзларинг,
Конибодом богонидай
Қур—қуралай кўзларинг.
Олтой бўркин қингир қўйган
Қошлари қундузларинг
Саримойдай сўқилдогон,
Ўз ўмровли қизларинг.*

"Қозоқ элининг улут тўйи" шеърининг финал қисми икки халқ дўстлигига хизмат қиладиган ибратли бир ғоя билан яқунланади. Шеърнинг умумий мазмунидан келиб чиқадиган бу маънавий ҳулосанинг аҳамияти шундаки, шоир ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлигининг абадийлигига яна бир бор эътиборни қаратади. Уни мустақамлаб бориш масъулияти икки халқ ижодкорлари зиммасидаги шарафли ва ўта вазифа эканлигини таъкидлайди. Бир-бирларининг муваффақиятларидан хабардор бўлиб, ўзаро таъжриба алмашиб туриш, ижодий сафарлар, мулоқотлар орқалигина бу ҳамкорликни ривожлантириш, янги имкониятларни излаб топиш мумкинлигига қозоқ биродарларининг диққатини қаратади:

*Улут тўйинг қувонаман,
Йўлбарсдай гуржирайман,
Қорабайир ёлларини
Поғталарда тарайман,*

*Мақтанмайман чин айтганда,
Бир чамалаб қарайман,
Айтмасунда Сабит билан
Тортишувга ярайман.*

Биз шеърни кенгроқ шарҳлаб, ғоявий-бадний хусусиятлари таҳлилга кўпроқ тўхтадик. Тўғриси, ўзбек адабиётшунослигида ҳам, қозоқ адабиётшунослигида ҳам мазкур шеър етарли даражада илмий баҳосини олган эмас. Икки адабиёт алоқалари насалалари ўрганилган тадқиқотларда йўл-йўлакка тилга олиб ўтилганини, баъзан тўрт-беш мисрасининг шарҳланганини истисно қилганда, у негатири, тўлихроқ таҳлилга тортлмаган. Ваҳоланки, шеър шоирнинг дўстлик мавзусига бағишланган яхши шеърлари қаторида туради ва ижобий баҳога муносиб деб ҳисоблаймиз. Шеърни икки халқ ва уларнинг адабиётлари ўртасидаги алоқаларни мустақамлашдаги аҳамиятини кенгроқ шарҳлаб ғоявий-бадний хусусиятлари тўғрисида батафсилроқ маълумот беришга ҳаракат қилганимизнинг бойси ҳам шу.

Мазкур шеър ҳақидаги фикрларимизни яқунлар эканмиз, бир ҳақиқатни қайд этиб ўтишни жуда зарур деб ҳисоблаймиз. Гал шундаки, "Қозоқ элининг улут тўйи" шўролар замоннда, партиявий нафқура ҳукмронлиги остида, ҳаётда ҳар хил сохта сиёсий қаҳриқлар бонг уриб турган бир даврда, адабий жараёнда "соцреализм" методи "гуллаб-йшлаб" миллий адабиётларга таъйик ўтказётган бир шароитда яратилган. Шундай бир калтис вазиятда шоирнинг бу муҳит таъсиридан ташқарида туриб ижод қилиши, ўша замон сиёсати ва нафқурасига итоат этмаслиги асло мумкин эмас эди. Фақат Ғафур Ғуломгина эмас, шўролар замоннда қалам тебратган бошқа шоир ва ёзувчилар ҳам мана шундай зугум остида ижод қилганлар. "Қозоқ элининг улут тўйи" ҳам бундан мустасно эмас. Демократизми, шеърнинг баъзи ўринларида онда-сонда учраб турадиган шўролар даврига хос сиёсий атамалар унинг бадний-эстетик қимматини, тарбиявий аҳамиятини пасайтира олмайди. Шунинг учун ҳам биз шеърни таҳлил қилиш жараёнида, айтилавериб, ёзилавериб сиёқаси чиқиб кетган, шаблонга айланиб қолган, бутунги қунда истеъмолдан чиқариб ташланган сохта сиёсий-партиявий атамаларнинг шеърда қўлланилганига, очниг кўп ҳам эътибор беравермадик. Уларни шеърнинг "курмаклар"и сифатида олиб ташланганда ҳам, асарнинг

бадийлик хусусиятларига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди. Шеърни мана шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилишга, унинг сиёсий мафкуравий жиҳатларига эмас, кўпроқ поэтик хусусиятларига қараб баҳолашга интилади.

Фикримизча, шеърни бундай "тозалаб" ўрганиш, таҳлил қилиш, бу шоир ижодида ёки унинг муайян бир асарига "ўзбошимчилик" билан ёндашувни аниқлатмайди. Аксинча, ўша асарнинг бадий-эстетик жиҳолари тўғрисида теранроқ мулоҳаза юритишга қулай имконият яратлади. Бизнингча, нафақат Ғафур Ғулом ижоди ёки унинг сўз юритилаётган шеъри, умуман, совет даврида яшаб ижод қилган бошқа қалам соҳибларининг сиёсий-мафкуравий таъйик таъсирида, зўрра-зўраки тикиштирилган андозалар асосида ёзилган асарлари ҳам тоталитар тузум сиёсатида оммавий қўлланилган, мустақиллик даври учун мутлақо бегона атамалардан "халос" этилиб ўрганилса, зарар қилмайди. Шўролар даврида яратилган яхши асарда битта-иккига шунга ўхшаш, мустақиллик замони учун "ёт" бўлган сиёсий атамаларнинг қўлланилганини рўқча қилиб, уларни бир чеккага суриб қўйиш, ўрганмаслик, тарғиб қилмаслик; фикримизча, адолатдан бўлмайди.

Истиқлол манфаатлари нуқтан назаридан қайта таҳлилга муҳтож бадий баркамол асарлар ўзбек адабиётида анчагина бор. Шу ўринда асосий таҳлил мавзунидан бироз чеккинброк бўлсада, бутунги адабий жараённинг, аниқроғи, адабиётшунослигимизнинг бир долзарб муаммоси хусусида кенгроқ сўз юритмоқчимиз. Гап шундаки, тоталитар тузум даврида яратилган, маълум даражада шўролар сиёсатини қўлаб-қувватлаб тарғиб қилган бадий асарларнинг бутунги тақдири қандай бўлиши лозим? Улардан бутунлай воз кечилиши керакми? Ёки уларни бутунги мустақиллик замонида "мослаштириш" имкониятлари борми? Ҳозирги китобхон, адабий жамоатчилик бу саволларга ҳамон жавоб кутаяпти.

Тўғри, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги кейинги йилларда бу йўналишда бирмунча ютуқларга эришди. Шўролар даврида яратилган асарларни мустақиллик манфаатлари асосида қайта баҳолашга, уларнинг истиқлол замонида ҳамоҳанг қирраларини кайф этиб, таъкин қилишга ва бу ижод намуналарининг ҳозирги адабий жараёндаги ўрнини белгилашга киришди. Жумладан, М.Қўшонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н.Каримов, Н.Худойберганов, Б.Назаров, А.Расулов, Б.Саримсоқов, Н.Раҳим-

жонов, И.Ҳақдул, Қ.Йўлдошев, С.Содиқов, Б.Каримов, У.Ҳамдамов каби адабиётшуносларнинг мустақиллик мафкураси, ҳозирги адабиётшунослик ва адабий таъкид талаблари асосида таҳлил юритиб эълон қилган мақолалари, нашр қилдирган рисоалари диққатга сазовордир. Биз бу ўринда М. Қўшонов ва О. Шарафиддиновдек таниқли мунаққидларнинг газета-журналлардаги долзарб чиқишларини, шунингдек, У.Норматовнинг "Умидбахш тамойиллар", Б.Назаровнинг "Ғафур Ғулом олами", Н. Худойбергановнинг «Дилу тил сеҳри», Н.Каримовнинг "Ғафур Ғулом", Б.Саримсоқовнинг "Бадиийлик асослари ва мезонлари", Н.Раҳимжоновнинг «Аскад Мухтор поэтикаси», Б.Каримовнинг "Янги-лашши соғинчи", У.Ҳамдамовнинг "Бадиий тафаккур тадрижи" рисоаларини алоҳида тила олиб ўтишни истардиқ. Бу ишларда шўролар даври адабиётига янги ёндашувнинг принциплари ялғари сурилади, конкрет бадий асарлар таҳлили орқали бу давр адабиётига ҳолис баҳо берилиб, янги адабий муҳитга оҳангдаш жиҳатлари кўрсатилади. Биргина мисол келтирмоқчиёмиз. Масалан, академик Бахтиёр Назаров Ғафур Ғулом ижодини янги методологик тамойиллар асосида ўрганар экан, шоирнинг шўровий асарларига муносабат билдириб шундай ёзади: "Ильич ва партия сўзлари ишлатилгани учунгина улардан (Ғ.Ғуломнинг шўролар мафкураси руҳида ёзилган асарлари назарда тутилмапти. — К.Қ., Г.Қ.) воз кечишга шошилмаслик керак. Шоирнинг бундай асарларига жиҳдий муносабатда бўлиш адабиётшуносликнинг методологик принципларидаги муҳим нуқталардан бирини ташкил этиши зарур: асар асл эътибори билан мафкурани, Ильични, партияни мадҳ этишга йўналтирилгани ёки бу нарсалар, асарнинг шунчаки, "қутилиш" арқоғини ташкил этиб, ҳар эҳтимолга қарши хушёрликни мустаҳкамлашнинг бир усули, ижодий инерциянинг бир кўриниши бўлиб, аслида асарнинг туб моҳияти, мақсади, етакчи пафоси, ҳаёт ва инсоннинг абадий муаммолари, инсон қалби, инсон билан боғлиқ ҳаёт завқини, янамоқ сеҳрининг жозибаларини қуйлашга қаратилганими, шунини аниқ ажратиб олиш зарур. Бундай ёндашув шунчаки, бир неча марта партия, коммунизм сўзлари ишлатилган асарларга муносабатни белгилашда, фикримизча, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади".¹

¹ Б. Назаров. XX аср ва Ғафур Ғулом: "Ўзбек тили ва адабиёти", 2003, 2 сон

Маълумки, шўролар даврида ҳар қандай бадний асар, биринчи навбатида, ғоявий асосига, яъни коммунистик сиёсий-мафкуравий соғломлигига қараб баҳолашди. Давр тақозо этган партиявийлик принципларига қай даражада жавоб беради? Партия ғоялари асар руҳига сингдирилганми? "Соцреализм методи" тамойиллари унда қандайдик ўз аксини топган? Асарда партия ходими образи борми? У ҳамма ишларда раҳнамо ва ғолибми? а.х. Мана, ҳар қандай бадний асарнинг тақдирини ҳал қиладиган мезонлар, баҳолаш меъёрлари! Шўролар даври адабий муҳитида жуда фаол "ҳаракатда" бўлган бу соҳта қарашлар шоир ва ёзувчиларини четлаб ўтиши мумкин эмас эди. Ва бу жараён аксарият ижодкорларнинг фаолиятида ўз изларини қолдиргани ҳам реал ҳақиқат. Катта истеъдод мевалари бўлган асарларда ҳам шўрвий таъйинларнинг муҳри босилганлигини эндиликда ҳеч ким инкор этолмайди.

Мана шундай асарларга ҳам танқидчиликда янгича ёндашувларнинг, янгича талқинларнинг пайдо бўлаётгани ибратли факт. Шу масала билан боғлиқ яна бир атоқли адабиётшунос олим, академик Матёкуб Қўшжоновнинг фикрларини ҳам келтириб ўтмоқчимиз. Танқидчи мустақиллик даври адабий жараёни учун ниҳоятда долзарб масалани кўтаради. Кўпчиликни ўйлантириб юрган бир муаммага жавоб беришга ҳаракат қилади, яъни шўролар даври адабиётига баҳо беришнинг янги мезонларини ўртага ташлайди. Олим "Баднийнинг олмос жиловлари" номи долзарб мақоласида шундай ёзади: "XX асрда ўзбек ёзувчилари, санъаткорлари кўпгина асарлар яратгани маълум. Биламизки, бу асрининг асосий қисми шўролар даврига тўғри келади. Шу муносабат билан катта-кичик йиғилишларда ёхуд матбуот саҳифаларида "бу асар шўролар даврида яратилган", "шўролар даври маҳсули" деган ибораларни эшитаемиз, ўқиймиз. Бу табиий, албатта. Бундай қарашларда ҳақиқат бор. Бироқ шу асосда адабиёт ва санъатга нисбатан ўта бепишандаликка йўл қўйиш ҳам адолатга тўғри келмавермайди. Бу ҳам табиий. Зотан, мустақиллик даврига келиб қатагон қилинган кўпгина ёзувчиларнинг қайта тикланиши ва уларнинг асарлари қўлаб нусхада чоп этилиши фикримизнинг далилидир. Адабиёт ва санъат асарларининг қимматини тиклашда бошқа бир мезоннинг борлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Ҳақиқий санъат асари қимматбаҳо олмосга ўхшайди. Қайси томондан қараманг, у табиат мўъжизаси билан яратилган олмосдай

жило беради. Ҳақиқий бадний асардан ҳар бир давр ўзига зарур маънони топади. Шу тўғрисида асар қадрланади".¹

М.Қўшжонов бу фикрларини шунчаки қайда этиш билан чекланмайди, балки шўролар даврида яратилган бир неча асарларнинг таҳлили орқали илмий асослаб ҳам беради. Жумладан, А.Қодирийнинг "Ўтган кузлар", Чўпоннинг "Кеча ва кундуз", Ойбекнинг "Кутлаур қон", А.Қаҳҳорнинг "Сароб" ва "Синчалар" романилари ва қиссалари, шунингдек, Э.Воҳидов, А.Орипов каби шоирларнинг ижоди мисолида адабларнинг шўролар адабиётига хос тенденциялардан маълум даражада чекиниб ҳаёт ҳақиқатини реал ёритишга муваффақ бўлганини, бу асарлар ана шу жиҳати билан ҳам истиқлол даври руҳига мос эканлигини, булар баднийнинг олмос жиловлари тарзида ҳамма даврлар адабиётига ҳам нур таратиб туришини, ҳеч қачон аҳамиятини йўқотмаслигини танқидчи эътироз тўғайрмайдиган адабий фактлар орқали исботлаб берган.

М.Қўшжонов шўролар даври адабиёти ҳақида сўз юритар экан, муаммонинг иккинчи муҳим бир жиҳатига ҳам эътибор қаратади. Шўролар даврида шундай асарлар ҳам яратилганки, улар бошидан охирига қадар мустақил тузум сиёсати руҳида мафкуралашган, энг майда деталаригача, ҳатто, нуқта вергугига қадар партияга, Ленинга, Октябрга содиқлик, совет ҳокимиятидан миннатдорлик туйғуларини ифодалаган. Табиийки, бундай асарларни истиқлол замонида "яқинлаштириш"нинг асло имконияти ҳам, зарурати ҳам йўқ. Булар, шунчаки шўролар тузумига сикдидидан "хизмат" қилган, лекин мустақиллик замони руҳига мос келмайдиган, яъни ўтмишдаги адабиётимизнинг нурсиз саҳифалари бўлиб қолаверди. Шу масала билан боғлиқ танқидчининг қуйидаги фикрлари аини ҳақиқат: "Шўролар даврида "инқилобий" адабиёт байроғи остида кўпгина асарлар яратилдики, уларнинг бирор қиммати борлиги хусусида фикр юритиш қийин. Бухорода инқилоб ғалабаси, Хоразмда инқилобий ҳаракат хусусида бир эмас, бир неча жиҳадлардан иборат сиёсий ва бадний асарлар яратилди. Уларнинг адабиётда тутган ўрни ҳақида фикр юритиш бүгун кулгил ҳодиса бўларди. Бу ҳидаги асарлар "қизил империя ғалабаси" ҳақидаги "қизил дафтарчалар" дир, холос".²

¹ М. Қўшжонов. Баднийнинг олмос жиловлари. "Халқ сўзи", 2002, 20 сентябр

² Уша манба.

Б.Назаровнинг мана бу мулоҳазалари М.Қўшжоновнинг шўролар даври адабиёти ҳақидаги қарашларига ҳамоҳад бўлиб, уни тўлдиради, чуқурлаштиради: "Партия, Илмий, коммунистлар куйланган асарларни ҳеч қандай айюҳанносиз, дод-войларсиз, ўз даврининг тарихий маҳсули сифатида идрок этиб, бизга бутун керак эмаслигини тўғри аниглаб рад этамиз. Биз учун бутун ва келажакда керакларини, зарурларини қадрлаймиз ва эъзозлаймиз. Бу борада асосий мезон баднийлик, бадний теранлик, бадний гўзаллик бўлиб қолаверади".¹

Дарҳақиқат, кейинги йилларда пайдо бўлаётган тадқиқотларда шўролар даврида яратилган айрим асарларга юқоридагидек янгича ёндашувлар, уларнинг маъно-моҳиятига яширинган баднийат жилоларини кашф этишга ҳаракатлар кучаймоқдаки, биз ҳам бу соҳадаги илмий изланишларни қўллаб-қувватлаймиз ва бу жараённинг жадал суръатларда давом эттирилишига тарафдоримиз. Асарларни гўзвий мазмунидан кўра кўпроқ ижодкорнинг маҳорати аспектида таҳлил қилиш орқали шоир ёки ёзувчининг истеъдод қирраларини очиб мумкин ва шундангина ҳақиқий талант билан ёзилган бадний асардан М.Қўшжонов таъкидлаганидек: "Ҳар бир давр ўзига хос ва ўзига зарур маънони топади". Бу анча қийин ва мураккаб жараён. Лекин амалга оширилиши шарт бўлган муҳим бадний-эстетик талабдир.

Бу гаплар Ғафур Ғулум ижодида ҳам бевосита алоқадор бўлганини учун бу хусусда кенгроқ тўхтадик. Ғафур Ғулум ҳам шўролар даврида ижод қилган шоир. Унинг меросида истиқлол руҳига, янги давр адабиётига мос келадиган асарлар кўп, шунингдек, мустабид тузум, шўролар мафкураси ғояларига ён босиб ёзилган ижод намуналари ҳам анча-мунча бор. Биз Ғафур Ғулумнинг фақат бир шеъри тўғрисида сўз юритдик. Ҳолбуки, адабнинг шўролар даврида ёзилган яна ўнлаб асарлари борки, улар ҳам ҳозирги адабий жараён талабларидан келиб чиқиб, маънавий-маърифий қадриятларга ҳурмат ва эътибор кучайган бир шаронда, қайта ўрганилса, онда-сонда учраб турадиган шўрвий атамалардан, собиқ сиёсий мафкуравий қарашлардан иймони борича "тозаланиб" тадқиқ этилса, янги даврга мос бадний жилолари кашф қилиниб янгича баҳоланса, нур устига аъло нур бўларди. Ишончимиз комилки, бир вақтлар шоир зўрма-

тураки эътиқод қўйган сиёсий мафкура руҳида ёзилган асарлари орасидан ҳам истиқлол ғояларига ҳамоҳанглири кўплаб топилади.

Ғафур Ғулумнинг Қозоғистон мавзусига бағишланган асарлари ҳақидаги фикрларимизни давом эттирар эканмиз, адаб қаламига мансуб яна бир ижод намунасини тилга олиб ўтишни лозим кўраёмиз. Бу, ёзувчининг "Шум бола" қиссаси. Тўғри, бу қисса бевосита қозоқ турмуши хусусида эмас. Ёки унда конкрет қозоқ халқи вакиллари эслатиб турадиган ёрқин бадний образ ҳам йўқ. Лекин қиссадаги кўпгина воқеалар қозоқ замини, шаҳар ва қишлоқларининг турмуш тарзи билан боғлаб тасвирланади. Қиссанинг бош қаҳрамонлари Шум бола ва Омоннинг баъзи саргузаштлари қозоқ овулларида кечади. Муаллиф айрим воқеаларни шаҳарга кўчириб, қаҳрамонларни ўша турмуш манзаралари ичиде кўрсатади, қозоқ миллий-маҳаллий шаронига рўпара қилиб, асарга чинакам колорит руҳини беришга эришади. Қўйидаги кичкина бир ҳаётий лаҳза билан танишиб кўринг: Сарноғоч бозори. Омон билан Шум бола бозорга майда-чуйда нарсалар сотгани келган. Уларнинг нарсаларига ҳаридорлар орасида қозоқ кампирлари ҳам бор. Кампирлардан бири болаларга мурожаат қилапти: "Вой, қарақларим, уси бесикти маған берәуғй. Балаларинға базарлық олиб қувантирайин" ёки "Вой-буй қарогим, тўғи жоқ галбирингди не қилайин. Қайтейин, алсам, алайин. Бадаар ўйнап жүрер. Не берейин, не сұрайсинлар".²

Бу манзара билан танишган ўқувчи ўзини тўғ қозоқ бозоридека юргандек, шу воқеага гувоҳ ёки иштирокчидек ҳис қилади. Савдо-сотик ишларида жуда фаол қўлланиладиган сўзларнинг усталик билан қозоқ кампирини тилдан ўта табиий ва миллий шаклда берилгани муаллифнинг нафақат қозоқ тилини, қозоқ халқига хос характер белгиларини ҳам билиб олганигидан дарак беради. Мана шундай савдо-сотик жараёнларини кўрган ёки уни бир неча марта бошидан ўтказган ёзувчигина бу хилдаги ҳаётий эпизод яратиши мумкин.

Муаллиф қиссанинг баъзи жойларида персонаж нутқини индивидуallasштириш, асарга миллий жило бериш мақсадида қозоқча "сўзлайди". Омон билан Шум болага йўлда тасодифан учраб қолган бир отлик уларга қараб дейди: "Жититлер, ичларингди иймон шартини билатурғон, ўлик жувотирғонларинг

¹ "Ўзбек тили ва адабиёти", 2003, 2 сон

² Ғафур Ғулум. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 3-жилд. Тошкент, 1999, 115-бет

борми? ... Қани журигилер, айтпесе, мана шу жақинда, биздин кўчкн елат бор, бир жигитиниз новхастаниб қазо қилгон еди, уни жувотургон киси жоқ... Хов уси кўринген кўрғон бизинг овул..." (118-бет).

Тўғри, битта — иккита персонажни қозоқча "сўзлатган" билан асар миллий бўлиб қолмайди. Персонаж нутқининг бу шаклий ифодаси, гарчи, асарга маълум даражада миллий жило берсада, аслида, чинакам миллийлик характерлар психологияси орқали намоён бўлади, уша халққа хос миллий урф-одатлар талқинида кўринади ёки миллий-маҳаллий географик шароити, табиати тасвири орқали амадга оширилади. Гафур Ғулум қиссанинг қозоқ ҳаётига тегишли эпизодларини тасвирлашда мана шу тамойилдан келиб чиқиб қалам тебратган. Қиссада тасвирланишча, Шум бола дарбадарликда юриб, қозоқ овулига бориб қолади ва бир қозоқ хонадонининг уйида тунайдн: "Улар мени туя сути, қимрон билан меҳмон қиладилар. Қозонга ёпишган нондан яримтасини олдimgа ушатиб қўйдилар. Қорин тўйгандан кейин, қолни бошга қўйиб уйкуга кетдим" дейди Шум бола. "Туя сути", "қимрон"ни қозоқлар кўпроқ истеъмол қилшини, бу уларнинг миллий таомлари, эканлигини, эҳтимол кўнчиликл билар. Лекин қозонда пиширилган "қозон япма"ни ҳамма ўзбек ҳам билавермаса керак. Бир замонларда қозоқлар, тандирда нон ёпиш имконияти бўлмай қолган пайтларда нонни қозонга ёлиб пиширган ва уни "қозон ёшма" деб аташган. Ушбу кичкина ҳаётий лаҳзанинг, деталнинг ўзбек асар муаллифининг қозоқ халқи турмушини яхши билганидан ва уни "Шум бола"да муваффақиятли қўлаганидан дарак беради.

Гафур Ғулум қозоқ халқининг турмуш тарзини, урф-одатларини, тарихий — географик шароитигача мукамал ўзлаштирган. Шоир ёшлигида Қозғистоннинг кўп қишлоқ ва шаҳарларини кезиб чиққан. Ҳатто Чимкентда бир неча вақт яшаган. Буцдан бошқада Сарноғоч, Сайрам, Кўктерак каби қозоқ шаҳар ва овуллари Гафур Ғулумга яхши таниш бўлган. Бу жойларнинг муҳити, ҳаёт тарзи шоир хотирасига абадий муҳрланиб қолган. Қиссадаги қозоқ географик муҳити билан боғлиқ тасвирлар табиий чиққанининг бош сабаби шунда.

Гафур Ғулум XX асрнинг ўттизинчи йилларининг бошида Туркистон-Сибир темир йўли қурилишида муҳбир сифатида иштирок этганини ва қурилишдан олган таассуротлари асосида

"Турксиб йўлларида" деган шеър ёзганини юқорида тилга олган эдик. Шоир бу мавзуда "Қозоқ саҳросининг икки зар қокйи" номли очерк ҳам яратиб, қурилишда фидокорона меҳнат қилган қозоқ биродарларини яна бир бор уағулади. Мамлакатда энг катта қурилиш деб тан олинган бу тадбирда турли миллат вакиллари иштирок этиб, қозоқ саҳроси бағридан темир йўл тортаётганини, бу йўл келажақда халқлар дўстлигига хизмат қилишини, қозоқ табиати, одамларига хос миллий поэтик ифодаларда, шоирона дид билан тасвирлаб берганики, бу ўзбек шоирининг қозоқ заминига бўлган ҳурматининг яна бир рамзий ифодаси бўлди.

Гафур Ғулумнинг қозоқ мавзусига бағишланган асарлари фақат шулардангина иборат эмас, улар кўп. Биз уларнинг айримлари тўғрисидагина сўз юритдик. Уйлаймизки, юқорида таҳдига тортилган асарларнинг ўзбек, шоирнинг қозоқ халқи ҳаётини ҳар томонлама чуқур билганидан ва қардошлик меҳри билан тасвирлай олиш маҳоратига эга сўз устаси бўлганлигидан дарак беради.

Гафур Ғулумнинг қозоқ адабиёти билан алоқалари тўғрисида гапирар эканмиз, шоирнинг забардаст ёзувчи Собит Муқонов билан ижодий ҳамкорлигини, шахсий дўстлик муносабатларини четлаб ўтиш, бу тўғрида сўз юритмаслик асло мумкин эмас. Бу икки улуг инсон дўстлигисиз XX аср ўзбек-қозоқ адабий алоқаларини тасаввур қилиш жуда мушкул. Бу, шунчаки балоқдирловоз гап эмас. Чин ҳақиқат ҳам шу! Бу фикр қозоқ ва ўзбек адабиётининг бир эмас, ўнлаб шоир ва ёзувчилари, олимлари, ҳатто оддий халқи томонидан ҳам кўп марта айтилган, ёзилган. Таниқли ўзбек адиби Комиш Яшин: "Гафур Ғулум билан Собит Муқоновнинг дўстлик алоқалари чамбарчас ижодий ҳамкорлик даражасига кўтарилди" деб ёзганди.

Икки сўз санъаткорининг бир-бирларига бўлган ҳурмат ва эҳтиромини таърифлашга сўз ожизлик қилади, десак муболага эмас. Бу ҳақда уларнинг ўзлари ҳам дил сўзларини изҳор этишган. Мана, Гафур Ғулумнинг дўсти Собит Муқонов ҳақидаги кўнгли ифодаси: "Қариндошим, қаламдошим, тутишганим, тенгдошим Собит деган қозоқ халқ оқинини ўзбек элида танимайдиган киши

йўқ. “Қўй келади қўзи билан, бир – бирининг изи билан” деганларида, ота Жамбулдан сўнг из босган бизнинг Собит Муқонимиз қозоқ халқининг янги ҳаётини куйламоқда. Мен у билан бир қирда от қувишиб, бир гурунгда жирлашиб, бир ўтовда қимиз шопирган ўзбек оқиниман”.

Ғафур Ғулом дўсти шаънига айтилган ушбу сўзларига қуйидаги шеърый сатрларини пайванд этади:

*Бахтли ўзбек халқининг шу олий минбаридан
Тошаққур айтаман кўлларга етиб бошим,
Халқимизнинг қадимий эзгу оғати билан
Белинган кучиб қўй, кел, хўрматли қардошим!*

Собит Муқонов ҳам бир мақоласида: “Мен Ғафур Ғулом билан ўттиз беш йил дўст бўлдим. Иккаламиз ҳамкасб, қадрдон эдик” деб ёзган бўлса, “Элнин Ғафурдек севсин” номли эссесига Ғафур Ғуломнинг ўзбек халқи ва адабиётидаги мавқеига қуйидаги баҳони берган эди: “Хар халқнинг ичида ўша халқнинг маълум бир даврини ўзига сингдирган, ўзи орқали яхши фазилатини кўрсата оладиган ўғиллари ва қизлари бўлади. Ғафур – ўзбек халқининг ана шундай ардоқли ўғилларидан бири. Адабиёт майдонида қирқ йилдан ортиқ қалам тебратган истеъдодли олим ва шоирнинг ҳамма жанрда яратган асарларининг деярли барчаси қардош ўзбек халқининг кўркам йиномасидир”.¹

Собит Муқонов ҳаммаша Ғафур Ғуломга катта ҳурмат кўрсатиб, унинг инсонийлик фазилатига, шоирлик истеъдодига ҳайрат билан тан берган. Дўстининг ҳар бир ютуғини ўз қувончидай ҳис қилган. Қозоқ ва ўзбек халқлари, ижодкорлари бу икки улут инсоннинг узоқ йиллар давом этган дўстлигига ҳавас билан қарашган, фахрланишган. Ғафур Ғулом олтинчи ёшга тўлаганида Собит Муқонов атайлаб умр йўлдоши билан Олмаоатадан келиб уни табриклаб кетган. Ўзбек шоирини Қозоғистонга таклиф қилиб, унга қорабайир от совға қилган. Бунга кўнгли тўмагандек, “Дўстим Ғафур Ғуломга” деган шеър битиб, биродарига бўлган оташин ҳурматини яна бир бор иҳор этади.

Қозоғистон ва Ўзбекистонда бу икки шоир дўстлигига ҳавас билан қарамайдиган инсон, ижодкор кам топилса керак. Ғафур

Ғуломнинг замондоши ва қаламкаш дўсти, у билан узоқ йиллар ҳамкорлик қилган, шоирнинг Собит Муқонов билан бўлган дўстона муносабатларига, қизгин ижодий гурунгларига кўп мартаба шахсан гувоҳ бўлган ва ўзи ҳам шу хилдаги жонли мулоқотларнинг бир нечасига қатнашган Ўзбекистон халқ шоири, Давлат мукофоти лауреати, устоз Миртемир бу ҳақда қуйидагиларни ёзганида юз фоиз ҳақ эди: “Ғафур оға ва Собит оға дарров дўстлашиб кетган эди, иккови деярли ажралмас, бирга ўтирар, бирга сайр



Қадрдон дўстлар учрашганда:
Ғафур Ғулом ва Собит Муқонов

этишар, суҳбат битмас, дастурхонда ҳам ёндош. Завқу шавқ, қаҳқаҳа бир-бирига улашиб кетар, суҳбат кези разалхонлик – Абай шеърларини ҳар ким ўз тилида ўқир, кейин ўз шеърларини ҳам навбат. Икки забардаст қаламкаш Ғафур Ғулом ва Собит Муқон дўстлиги нечоғлик самимий, нечоғлик беғубор, нечоғлик одамий, нечоғлик қўйма эканлигига ҳамма гувоҳ ҳозир. Собит оғанинг Ғафурни излаб, тез-тез Тошкентга келиши ва хонадонидан хабар олиши, қабрига бориши, ҳар гал кўз ёшисиз эсломаслигини ҳамма билади, кийини дўстлик шундоқ бўлади!”²

Чиндан ҳам, бу икки улут инсоннинг дўстлиги асрларга татигулик дўстлик эди. Тилларда дoston қилса, келгуси авлодларга

¹ Собит Муқонов. Элнин Ғафурдек севсин. Ғафур Ғулом замондошлари хотирасида. Тошкент, 2003, 87-бет

² Миртемир. Ўтнфес. Ғафур Ғулом замондошлари хотирасида. Тошкент, 2003, 20-бет

ўрناق қилиб кўрсатса арзийдиган муқаддас дўстлик эди. Бутунги авлод ижодкорларининг Гафур Ғулом ва Собит Муқонов ҳақида, уларнинг дўстлик ришталари тўғрисида адабий-бадний асарлар яратётгани таҳсинга сазовор фактдир. Бу гапда заррача бўрттириш ёки ошириб-тошириш йўқ. Шу ўринда фикримиз исботи учун Гафур Ғулом ва Собит Муқонов дўстлигига бағишлаб Ўзбекистонда чоп этилган бир рисола тўғрисида сал кенгроқ маълумот бермоқчимиз. Бу, ўзининг таржимонлик фаолияти, шoirлик тажрибаси билан анча танилиб қолган Музаффар Аҳмад қаламига мансуб "Икки дўст достони" номли рисоладир.

Ўз адабиётини бошқа қардош адабиётлар билан кўпроқ яқинлаштиришга, улар ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантиришга астойдил хизмат қилган ва хизмат қилаётган ижодкорлар халқ ва адабий жамоатчилигининг алоҳида ҳурметига сазовор бўлади. Бундай адиблар дўстлиги ҳақида ёзилган асар эса, хоҳ у бадний ижод намунаси бўлсин, хоҳ илмий-публицистикага тегишлими, адабиётнинг қайси жанрига мансублигидан қатъий назар, кўпчилик, айниқса, мутахассислар томонидан қўллаб-қувватланади, тарғиб қилинади. "Икки дўст достони" рисоласи худди шундай асарлардан бири.

Китобнинг биринчи муқовасидаги икки кишининг расми дарров ўқувчининг диққатини тортади, очиги, унга ҳавасингиз келади. Ўзбек адабиётининг улут шоири Гафур Ғуломнинг буюк қозоқ адиби Собит Муқонов билан қўликтилашган ҳолда, қўлда гул билан олға қадам ташлаб келаётган пайти рассом томонидан шундай маъноли, таъсирли ва жозибали чизилганки, расмга назари тушган ҳар бир ўқувчи, беихтиёр икки биродар халқ дўстлигини эслайди ва қалбида фахр туйғуларини ҳис қилади. Икки қардош эл ўртасидаги дўстлиқнинг мустаҳкамланишида, адабиётлари алоқаларининг ривожланишида Собит Муқонов ва Гафур Ғулом ижодиди катта рол ўйнаганлигини далиллайдиган мисоллар бирин-кетин китобхон кўз олдидан ўта бошлайди. Ўқувчи китобни қўлга олиб, унинг номини кўриши биланоқ, "бу асар Гафур Ғулом ва Собит Муқоновнинг шахсий дўстлиги тўғрисида ёзилган шеърый дoston бўлса керак", деган фикрini хаёлидан ўтказлади. Муаллифнинг ўзи ҳам унинг жанрини "эссе-достон"

¹ Музаффар Аҳмад. Икки дўст достони. Тошкент, "Чўпон", 1997, Мисоллар шу мавбадан олинади.



Собит Муқонов ва Гафур Ғулом

деб белгиллаган. Бироқ илк саҳифалари билан таниша бошлағач, асар бошқачароқ мавзу ва йўналишда эканини англайсиз.

Асарнинг ёзилиш усули ўқувчини қизиқтиради. Рисола адабиётда мавжуд бўлган эсселарда жуда кам учрайдиган бир усулда ёзилган. Одатда, эссе ёзмоқчи бўлган ҳар бир қаламқаш, биринчи навбатда, ўз ҳаёт тажрибасига суянади. Эссе қаҳрамонининг турмуш тарзини, шахсий характер хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиб, ҳаёт қувончлари ва ташвишларини бирга баҳам кўрган дақиқаларини қозғога туширади. Эссе муаллифи билан эссе қаҳрамони бир даврга яшаган, бир ҳаводан нафас олиб, бир муҳитга хизмат қилган шахслар бўлса яна яхши. Бироқ эссе қаҳрамонлари билан "ҳамнафас", "ҳамдара" бўлмасдан туриб ҳам ажойиб эссе яратиш мумкин эканлигини Музаффар Аҳмад ушбу асари мисолида намойиш эта олди.

Гафур Ғулом ва Собит Муқонов дўстлигига доир тафсилотлар китобда муаллиф тилидан эмас, балки, иккинчи шахс, таниқли ёзувчи, қозоқ адабиётининг Ўзбекистондаги катта таржмони Носир Фозилов ҳикояси шаклида бериллади. Носир Фозилов ҳар икки адибни ҳам яхши билган, улар билан кўп йиллар мулоқотда бўлиб у ёки бу республикадаги ижодий сафарларида ҳамроҳлик қилган. У ўзбек адабиётини қозоқ тилига, қозоқ адабиётини

Ўзбек тилига ўтириш, жумладан, ўзбек китобхонларининг Собит Муқонов асарлари билан таништиришда ҳам ибратли ишларни амалга оширган, қozoқ-ўзбек адабиётларининг фидойи тарбиётчиси дидир. Мана шундай фазилат соҳиби бўлган ёзувчи ва таржимоннинг Фафур Гулом ва Собит Муқонов дўстлиги ҳақидаги хотираларини Музаффар Аҳмад ўзига хос бадиий шаклда қорозга туширган. Бу икки буюк шахснинг ҳали кўпчиликлка маълум бўлмаган дўстона муносабатларининг янги саҳифаларини очиб берган.

Рисола ўқимишли, таъсирчан услубда ёзилган. Муаллифнинг шoirлик тажрибаси бу ишда қўл келгани кўриниб турибди. Китобда ҳаяжонли лавҳалар анчагина. Шундай эпизодлар тасвири борки, тўлкинланмасдан ўқиш қийин. Масалан, рисолада икки улкан сўз устасининг бир учрашуви тафсилоти ҳикоя қилинган. Собит Муқонов ва Фафур Гуломнинг ўша учрашувда бир-бирларига васият қилишлари билан боғлиқ воқеа тасвири худди шундай таассурот қолдиради. Икки қиёматлик дўстнинг бир-бирларига қасамёди, васияти шундай ҳаётий ва жонли, шундай эҳтиросли ва изчил тасвирлаганки, бу лавҳа билан танишган ҳар бир китобхон гўё шу ҳолатини кўриб тургандек, ўзини унинг иштирокчисидай сезади. Бу ҳаётий воқеани муаллиф қорозга тушираётганда қанчалик ҳаяжонланган бўлса, уни ўқиган китобхон ҳам шу даражада тўлкинланади. Мана, ўша тарихий учрашувининг рисоладаги тафсилоти: Собит Муқонов билан Фафур Гулом катта бир даврада учрашадилар. Ҳар икки юртининг энг атоқли қаламкашлари бу ерга жам бўлган. Давра қизиган. Мушоира авжида. Гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг адиблари шеър, ўлан айтишиб, кўнгил ёзишмоқда. Бир маҳали Фафур Гулом ўриндан туради — да, кучоқ очиб Собит Муқонов ўтирган давра томон юради. Собит Муқонов ҳам дўстига пешвоз чиқиб, унга кучоқ очади. Фафур Гулом дўсти Собит Муқоновга, меҳмонларга қарата шеър билан мурожаат этади:

— *Тингла Собит, сен шу икки қулоқ билан,
Ўзбек деган битта халқдир қозоқ билан.
Агар ўзбек йилги қилса, қозоқ келар
Туркман, тожик, қирғиз, қоракалпоқ билан!...
Жон қозоғим, тингла энди ушбу сўзим
Гувоҳ бўласин шунга барча қоракўзим,*

*Насиятим шуддир менинг: агар ўласам,
Жасагимни лаҳад ичра жойла ўзинг!
Сен қозоқдан тилаган шу, билиб қўйгин,
Сўягимга ботар тошни суриб қўйгин,
Дўстининг қўли юмшоқ тегар, деган гап бор,
Оқ юзимни қибла томон буриб қўйгин!*

Дўстининг кутилмагандаги бу васияти Собит Муқоновни додиратиб қўяди, не жавоб айтишни билмай, шошиб, давра қатнашчиларига мўлат — мўлат қараб, кўзда ёш билан Фафур Гуломга қарата дейди:

*Шу васият, шу сўзинга жон сагага,
Жасагимни лаҳад ичра жойла ўзинг,
Сендан олдин кетар бўласам мен у ёққа!...
Иккита ал яна кучиб кўришдилар,
Икки уммон, икки қоя, эгиз кўзи,
Бир-бирига ёрашқ бўлди сўнгги сўзи.
Сўякларин ишонилган икки дўстига,
Қараб сира тўймас эди инсон кўзи!...*

Икки қиёматлик дўст бир-бирлари билан кучоқлашиб мана шундай аҳду — паймон қилишган, бир-бирларига васият қолдиришган. Тақдирини қарангки, Фафур Гуломнинг бу васияти ижобат бўлади, у дунёдан кўз юмганида, бу совуқ хабарни эшитиши биланоқ, Собит Муқонов Олмаoтадан Тошкентга учиб келади, кўзда ёш билан Фафур дўстини йўқлайди, унинг хотирасига бағишлаб ўлан битади. Собит Муқонов йўқловидаги қуйидаги сатрлар тингланганнинг ҳам, ўқиганнинг ҳам қалбини ўртади:

*Келбатинг дўстим бор эди,
Тоғраги чўқри — асқардай!
Ҳайбатинг, дўстим бор эди
Даврага чиққан қўчқордай
Ғайратинг дўстим бор эди
Алломиш, Рустами дostonдай...
Қарвонга юрган нор эдик,
Қаторга дўстларни қолдириб
Ўртоғин олган бормикан!
Кетдинг-а, Фафурим, бу дунё
Сен учун шунчалар тормикан!*

Икки дўстнинг бир-бирларига бўлган садоқатини, чексиз ҳурматини бундан ошириб таърифлаш анча қийин бўлса керак.

Шундай қилиб, Собит Муқонов қиёматлик дўсти Фафур Фуломнинг васиятини адо этади, унинг суягини қабр ичига ўз қўллари билан жойлаб чиқади. Бу воқеа дафн маросимига қатнашганларнинг ҳеч бирини бефарқ қолдирмайди, уларнинг кўзлари ёшланади. Икки дўстнинг садоқатига қойил қолиб, ич-ичидан уларга офаринлар айтишади.

Маъзур воқеа тафсилоти ўқувчида ҳеч қачон унутилмайдиган таассурот қолдиради. Собит Муқоновга, қолаверса, улуғ қозоқ халқига бўлган чексиз меҳр туйғулари Фафур Фулом авлодлари қалбига мангу яшайверишига ишончини янада мустаҳкамлайди.

Собит Муқоновнинг вафоти тўғрисида хабар келгандан сўнг унинг бир вақтлар Фафур Фуломга қилган васиятини амалга оширишга бел болаган ўзбек адiblаридан Носир Ғозиловнинг сазй-ҳаракатларини ҳам муаллиф китобда жуда таъсирли ёритган. Фафур Фулом вафот қилганда қозоқ халқи қанчалик қайғурган бўлса, Собит Муқоновнинг қазоси тўғрисидаги хабар ўзбек биродарларини ҳам шунчалик изтиробга солади. Бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари делегацияси қозоқ дўстларига ҳамдардик бидаириш ниятида Олмаотага учинишга ҳозирлик кўра бошлайдилар. Н.Ғозилов Собит Муқонов ва Фафур Фуломнинг васият тарихини эслайди-да, шоир дафн этилган қабристонга йўл олади. Қабр ёнида кўрғон тиловат қилгач, қабрдан бир сиқим тупроқни олиб, махсус тикилган халтачага солади: "Собит оғанинг қабри ичига сочман. Улар қиёматлик дўст эдилар, тупроқлари ҳам қўшилиб кетсин", деб халдан ўтказди адиб.

Собит Муқоновнинг дафн маросимида ўзбекистонликлар номидан гапирган халқ ёзувчиси Назир Сафаров Тошкентдан улуғ ниятлар билан келтирилган халтачадаги тупроқни Собит Муқонов қабрига сочиш учун мезбонлардан рухсат сўрайди ва уни адибнинг авлодларига топиради. Ўзбек ёзувчисининг бу тадбири дафн маросимига йиғилганларни ҳайратга солади, одамларнинг кўзларида ёш қалқийди ... Хуллас, тупроқ қабр ичига сочиламайд-ю, Собит Муқонов дўстининг тупроғига бош қўйиб ёта қолсин, деб халтачани унинг бошига ёстик қилиб қўйишади.

Китобда ҳикоя қилинган воқеанинг асосий тафсилоти шу. Ушбу васиятлар тафсилоти атрофида баён этилган ўзбек-қозоқ

адiblари ўртасидаги дўстлик муносабатлари тасвири ҳам ўқиган кишида ўчмас таассурот қолдиради.

Рисола ниҳоясида муаллиф томонидан ёзилган шеърий "Хотима" унга сўнгги сўз ўрнида илова қилингани китобнинг аҳамиятини янада оширган. Охиридаги Носир Ғозиловнинг "Бу дoston шундай яратилди" номли жажжи тақризи эса "узукка қош қўйгандек" ярашиб турибди, асарнинг гоявий йўналиши ва мазмунига ниҳоятда мос тушган.

Ҳа, Собит Муқонов ва Фафур Фулом дўстлиги авлодларга ўрнак қилиб кўрсатса арзийдиган, дoston ва қиссаларга мавзу бўлса ярашадиган дўстлик эди. Бу қўшчиноқ адiblар узoқ йиллар давомида халқларимиз ва адабиётларимиз манфаатлари учун дўстлик ришталарини боғлаб астойдил ижодий ҳамкорлик қилдилар. Бу ҳамжиҳатлик кейинчалик шахсий биродарликка айланиб, халқларимизни маънавий жиҳатдан бир-бирларига яқинлаштиришга хизмат этди. Бошқалар ҳавас қиладиган дўстликни улар умрларининг охирига қадар авайлаб сақладилар, келгуси авлодларга бебаҳо мерос қилиб қолдирдилар. Миртемир ётаганидек: "Икки алп қаламқаш икки қондош халқнинг иноқлиги ва жон аямас дўстлигининг қуламас ва ҳамиша тирик ҳайкалларига айланган".¹

Фафур Фуломнинг қозoқ ижодкорлари, Собит Муқоновнинг ўзбек шоир ва ёзувчилари билан дўстлиги бугун ҳам икки қардош республика қалам аҳлларига ўрнак бўлса арзийди. Гарчи, бу улуғ сиймолар бугун ҳаёт бўлмасаларда, улар мерос қолдирган шахсий-адабий дўстлигининг шуъласи, ҳар икки республика адабиётига нур таратиб турибди, ижодкорлари учун илҳом беради.

Собит Муқонов ва Фафур Фулом ораларидаги самимий биродарлик, ижодий ҳамкорлик асосига қурилган дўстлики ва унинг самараларини ҳар қанча тарғиб этса камлик қилади. Шу маънода Музаффар Аҳмадининг "Икки дўст дostonи" номли адабий – публицистик эссеси ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасида узoқ асрлар оша давом этиб келаётган қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айтилганлардан, ҳозирги авлод вакиллари бу ибратли дўстлик шуъласидан баҳраманд бўлиб, уни ҳар томонлама риножланштиришлари, янги тарихий шаронгта бу анъанани давом эттириб бойитишлари зарур, деган мангитқий хулоса қилиб чиқади.

¹ Фафур Фулом замонадошлари хотирасида. Тошкент, 2003. 19-бет

Ғафур Ғулом қозоқ халқининг сеvimли адибларидан бири эканлигини далиллайдиган мисоллар кўп. Утган асрининг ўттизинчи йилларидаёқ шоирнинг асарлари қозоқ диёрига кириб борган, ҳикоялари, шеърлари қозоқ тилига ўтирилиб, республика матбуотида эълон қилинган. XX асрнинг 50-60 йилларида унинг "Танланган асарлар"и қозоқ тилида бир неча марта китоб шаклида босилиб чиққан, газета-журналларда шеърйи ва насрий асарлари мунтазам эълон қилиниб турган.

Ғафур Ғуломнинг асарлари қозоқ тилига қозоқ адабиётининг энг талантли ва таниқли ижодкорлари томонидан ўтирилган. Қ.Бекхожин, Т.Жароқов, Ғ.Қайирбеков, Т.Моддағалиев, С.Мавленов сингари машхур адибларнинг Ғ.Ғулом асарларини қозоқ ўқувчиларига етказишдаги таржимоналик фаолияти таҳсинга лойиқдир. Бу анъананинг ҳозирга қадар муваффақиятли давом этаётганини мамнуният билан қайд этамиз.

Ғафур Ғулом номини абадийлаштиришда қозоқ шеърятининг намояндлари ҳам мақтовга арзигулик ишларни амалга оширдилар. Ўзбек адибни улуғловчи, уни ҳам шоир, ҳам инсон, қозоқ халқи ва адабиётининг яқин дўсти, жонкуяри сифатида таърифловчи ўнлаб шеърлар яратдилар. С.Мавленовнинг "Ғафур Ғулом", Ж.Сиддиқовнинг "Дўстим Ғафур Ғуломга" шеърларида дўстлик гоюлари куйланади, Ғафур Ғуломнинг икки адабиёт алоқаларини ривожлантиришдаги хизматларига юқори баҳо берилади. Агар бу навзудаги бадиий ижод намуналарига қозоқ адабиётшунослари ва адибларининг Ғафур Ғуломга бағишланган илмий мақолаларини, публицистик чиқишларини ҳам қўшиб ҳисобласак, ўзбек шоирига бўлган ҳурмат ва эътиборнинг улкан эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу тўғрида адабиётшунос Қ.Сейдановнинг "Дўстлик куйлари" рисоласида тилга олинган баъзи фактларни қайд этиб ўтиш билан чекаланмоқчимиз. Машхур қозоқ адабиётшунос олими ва адиби А.Тожибоевнинг "Шоир оғаниз", А.Нурқайтовнинг "Ғафур Ғулом шеърятини", яна шу муаллифнинг "Қозоқ шоирларининг дўсти, яқини", С.Мавленовнинг "Соф шоир, аjoyиб инсон", Ж.Сиддиқовнинг "Ҳаммамизга ўртоқ эди", С.Сейитовнинг "Атоқли ўзбек шоири", М.Қожиқовнинг "Ўзбек шеърятининг бузук вакили", О.Қуда-

шевнинг "Оқсоқол шоир", шунингдек, Собит Мўқоновнинг "Совет Шарқи куйчиси", "Элини Ғафурдек сеvimин". "Ғафурнинг сўнгги ҳақиқати" каби адабий-публицистик мақолалари Ғ.Ғулом ижодига бўлган қизиқиш ва ҳурматнинг ўзига хос рамзидир. Гарчи буларнинг айримлари профессионал даражадаги илмий-тадқиқотлар бўлмасда, Ғ.Ғулом ижоди билан қозоқ китобхоналарини батафсилроқ таништиришда муҳим аҳамиятга эга. Энг асосийси, бу тадқиқотлар қозоқ ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги алоқаларнинг муҳим ҳалқаси сифатида икки адабиёт учун ҳам фойдали, халқларимиз ва ижодкорларимиз дўстлигига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Мана шундай эъзозга сазовор бўлган Ғафур Ғулом, унинг ранг-баранг шеърйи ва насрий асарлари фақат қозоқ мактабларида эмас, айни чоғда, Олий ўқув юртларида ҳам ўқувчилар, талабалар томонидан ўрганилаётгани адибга бўлган ҳурматнинг яна бир белгисидир.

Ғафур Ғуломнинг қозоқ адабиёти ва қозоқ ижодкорларига, қозоқ адибларининг Ғафур Ғуломга муносабатлари, ижодий алоқалари ҳақидаги фикрларни яна давом эттиравериш мумкин, албатта. Лекин ҳозирга қадар назардан ўтказган адабий-бадиий, публицистик материаллар Ғафур Ғуломнинг ҳам шахс, ҳам ижодкор сифатида ўзбек-қозоқ адабий алоқалари жараёнида, уни ривожлантириш йўлида қанчалик муҳим рол ўйнаганлиги ҳақида, фикримизча, етарли тасаввур бера олади.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқадиган мантиқий ҳулоса шундан иборатки, улкан сўз санъаткорларининг дўстлиги орқали адабиётлар дўстлиги шаклланади, мустаҳкамланади. Биз унинг самараларини ўзбек ва қозоқ адабиётларининг алоқалари аспектида, Ғафур Ғулом ва Собит Мўқоновларнинг ижоди нисолида кўрдик. Бу жараёни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқ ҳар бир адабиёт вакили учун ҳам қад, ҳам фарз бўлмоғи лозим. Зотан, бу тадбир ижодкорнинг шахсий манфаати учунгина эмас, ўз халқи ва адабиётининг манфаати учун ҳам нихоятда зарур. Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг очилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида икки биродар халқ, ўзбек ва қозоқ

Ғафур Ғулом руҳи билан тўлиқ кўнглимиз!
Содиқ Нурӯмбетов

ижодкорлари ўртасидаги азалий дўстлик аъёналарини тиклаш ва давом эттириш ҳар жиҳатдан аҳамиятли эканлигига жамоатчиликнинг эътиборини қаратиб айтган куйидаги сўзлари ҳар бир зиёли, ижодкор учун дастуриалама бўлмоғи лозим. "Қадимдан бир маънавий руҳий иқлимада нафас олиб келган халқларимиз тарихимизнинг, айниқса, бутунги маъсулиялиги даврида — ақл-заковат ва шижоат дунёвий салоҳият ва милоли гурур талаб этиладиган даврда яна ҳам яқинроқ, яна ҳам меҳр-оқибатлроқ бўлишлари лозимлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб мен ҳурматли маданият ва санъат арбобларимизга, илм-фан намояндааларига мурожаат қилмоқчиман. Муҳтор Авезов, Собит Муқонов, Абдулла Тожибоев, Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемирлар юксак мавдга кўтарган файзан аъёналар тикланмоғи, муттасил давом этмоғи сув билан ҳаводек зарурдир! Улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом қозоқ-ўзбек дўстлигини таърифлаб: "Биз — бир китобнинг икки бетимиз деган эди. Модомики шундай экан, худди қадимгидек куйларни бирга куйлаб, тўйларни бирга тўйлайдиган кунлар келди".¹

Дарҳақиқат, бу хайрли иш қанчалик тез ва изчил амалга оширилса, ҳалқларимиз ва адабиётларимизнинг дўстлик ришталари мустаҳкамланида, қуаратли маънавий-руҳий бирлигимиз шаклланади, адабиётларимизнинг дунёвий салоҳияти янада кўтарилади. Бутунги истиқлол даврининг талаби, ҳалқларимизнинг маънавий-маърифий эҳтиёжи ҳам шун!

Ғафур Ғулом туркман, қozoқ адабиётлари, ижодкорлари билан қандай даражада ҳамкорлик қилиб, дўстлик муносабатларини ўриятган бўлса, қорақалпоқ адабиёти билан ҳам худди шундай алоқаларини йўлга қўйишда фидойиллик кўрсатади. Қорақалпоқ адабиётига ўз адабиётига муносабатда бўлгандек муносабатда бўлади, унинг тақдирига ўзини шерик деб билиди. Бу адабиятда бирор янгилик бўлса, чин дилдан қувонди, кимдир бу адабиётнинг ижодкорларига "тош" отмоқчи бўлса, унга кўкрагини қалқон қиладди, уларни адолатсиз ҳужумлардан ҳимоялашда ҳеч қимдан қўқмади. Унинг тараққиёти учун ғамхўрлик қиладди, зарур бўлиб қолган пайтларда қўллаб-қувватлади. Икки адабиётнинг манфаати учун қорақалпоқ шоир ва ёзувчилари, олимлари билан шахсий дўстлик алоқаларига асос солади, борди-кечдиларини йўлга қўйиб, икки адабиётнинг ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоларини биргаликда муҳокама қилиб ечишди.

Жумладан, Фафур Гуломнинг қорақалпоқ адабиётининг катта авлодига мансуб Аббос Добилов, Содиқ Нурумбетов, Нажим Довқораев, Жўмаирза Оймирзаев, Амет Шомуродов, Наврўз Жалақов, Қалли Айымбетов каби шoirи ва ёзувчилари, олимлари билан самимий муносабатлари, ўзарo фикр алмашувлари яхши натижалар берганлиги адабий-илмий манбаларда тилга олинади. Шунингдек, шoirнинг Тилловберган Жумамуратов, Хўжабек Сейитов, Тўленберган Қаипберганов, Ибройим Юсупов, Бобой Исмоилов, Тоғжидан Сейитжоновдек атоқли сўз усталари билан шахсий ва ижодий ҳамкорликлари ҳам узоқ йиллар қорақалпоқ-ўзбек адабий алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Қорақалпоқ адабий муҳити вакиллари Фафур Гулом учун доимо эътиборли ва ҳурматга сазовор бўлган.

Шоирнинг Қорақалпоғистон, унинг адабиёти, ижодкорлари билан таниша бошлаган даври ўтган асарининг ўттизичи йилларининг иккинчи ярмига тўғри келади. Бизни илмий-адабий манбаларда кўрсатилишича, у Қорақалпоғистонга биринчи марта 1936 йилда келган. Кейинги йилларда ҳам адиб республикага тез-тез ташриф буюриб турган. 1938 йилда ҳам мўйини делегация

¹ И. А. Каримов. Туркистон умумий уйғимиз. Тошкент, "Ўзбекистон", 1995. 23-бет.

таркибида бу ўлкада бўлади. Шоирнинг ҳар бир ижодий сафари самарасиз қолмаган. Қорақалпоқ ҳаётига бағишлаб шеърлар, очерклар, адабиётни тўғрисида мақолалар ёзган. Мана, шоирнинг ўша йиллардаги сафар таассуротлари заминида битган шеърдан кичик бир намуна:

*Ўзбек, қарақалпоқ досларин бирге,
Данқли Хорезмде кургансан ирге,
Таскин табысларин кўзиме сурме,
Жасай бер мўнгиге Қарақалпоқстан!*

*Торткул мактамыш пахтаним, бағдич,
Тил ўйирген қауынлари Шаббазым,
Сенде шўкети көп баҳарайм, жазым,
Жасай бер мўнгиге Қарақалпоқстан!*¹

Ғафур Ғулум қорақалпоқ фольклори, ёзма адабиёти тарихини қизиқиш билан ўрганган. Хусусан, қорақалпоқ мумтоз шоирлари Ажиниёв, Бердақ асарлари Ғафур Ғулум учун қадрли бўлган. Илмий-назарий анжуманларда Бердақ ижоди тўғрисида адиб маърузалар қилганини, демократ шоирнинг адабий мероси ҳақида далаили мулоҳаза юритиб, кўпчилиқда яхши таассурот қолдирганини замондошлари эслашади.

Ўтган асрнинг бошларида Бердақ мероси юзасидан туран қарама-қарши фикрлар айтилиб, ижодини асоссиз танқид қилиш тенденциялари кучайиб турган бир вазиятда Ғафур Ғулумнинг қорақалпоқ шоирини ҳар хил тўхматлардан ҳимоя қилиб чиқиши муҳим рол ўйнаганди. Ғафур Ғулумнинг Қорақалпоғистондаги шоғирдларидан бири, у билан кўп йиллар ҳамнафас бўлган, танқиди адабиётшунос олим Сражатдин Ахметов устозига бағишланган мақолаларидан бирида бу хусусда шундай ёзган эди: "У (Ғафур Ғулум — К.Қ., Г.Қ.) айниқса, Нажим Довқораевни ҳурмат қиларди. "Нажим Ўзбекистондаги адабиёт бўйича биринчи фан доктори" деб фахрланар эди. Нажим Довқораев тўғрисида Бердақ мероси билан боғлиқ бир ёқлама, зарарли фикрлар авж олган бир даврда Ғафур Ғулум биринчилардан бўлиб уни ҳимоя қилиб чиқди. У ҳақда тўхмат

мақолалар босишда назарга тушган "Звезда Востока" журнали таҳрирининг тарқатилиб юборилишига ўзининг сабабчи бўлганини хурсандчилик билан таъкирлар эди. Баъзида дастурхон атрофида ўтирганимизда: "Бердақнинг битта шеърини ҳам она тилида ўқиб кўрмаган анави соқолни [Савицкийни назарда тутарди] кўриб қолдим, роса адабини бердим" дегани менинг едимда".²

Филология фанлари доктори Қ.Бойниёзов "Ғафур Ғулум ва қорақалпоқ адабиёти"³ номли мақоласида шоир, 1954 йилнинг 26-27 сентябр кунлари Нукус шаҳрида қорақалпоқ тили ва адабиёти масалаларига бағишлаб ўтказилган илмий-назарий анжуманда иштирок этганини, унинг "Алломиш" достони ва Бердақ мероси бўйича сўзга чиқиб, ибратли фикрларни ўртага ташлаганини қайд этади.

Ғафур Ғулум қорақалпоқ адабиёти ва адабиётшунослигининг тарққиёти учун ғамхўрлик қилган, илмий кадрлар тайёрлаш ишига ҳисса қўшган алломалардан бири эди. Қорақалпоғистондаги кўп олимлар уни "устоз" деб тилга олиши бежиз эмас. Профессор С.Ахметов кўп йиллар давомида Ғафур Ғулум билан ҳамкорлик қилганини, унинг қўллаб-қувватлашлари туфайли илмий-тадқиқот соҳасида юксак муваффақиятларга эришганини мамнуният билан эслайди ва мақолаларида бирида шундай бир воқеани хотирлайди: С.Ахметовнинг докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши арафасида бир муаммо чиқиб қолади. Диссертация вазиятга тайёр, автореферат ҳам тарқатилган. Лекин шундай бир вазиятда расмий оппонентлардан бири хизмат юзасидан Москвага кетадиган бўлиб қолади. Ҳимоянинг кечиктирилиш хавфи туғилади. С.Ахметов муаммони дарҳол Ғафур Ғулумга айтиб, маслаҳат сўрайди. Устоз бу масалани тезда расмий одамлар билан сўзлашиб, шу ернинг ўзида ҳал қилиб беради. Ҳимоя кутилгандан ҳам юқори даражада ўтади.

Ғафур Ғулум С.Ахметовга ўз фарзандидек муносабатда бўлган, ҳамisha ғамхўрлик қилган. Шахсий ҳаётда ҳам, илмий фаолиятда ҳам унинг энг яқин маслаҳатгўйи, сукичиги, кўпинча Ғафур Ғулум бўлган. Устозининг инсоний фазилатлари тўғрисида

¹ С. Ахметов. Уллы устоз туғралы бир-ски ауыз сөз. "Еркин Қарақалпақстан", 1993, 1-май

² Қ. Бойниёзов. Ғафур Ғулум ҳам қарақалпоқ адабиёти. "Устоз", 2003, 3 апрел.

³ Мазкур шеърини парча К. Мамбетовнинг "Ўзбек ҳам қарақалпоқ адабий байликлари" (Ножик, 1992) китобининг 72-бетидан олинган

олимнинг доимо тўлиб-тошиб гапиришининг, ёзишининг бир сабаби ҳам шундан бўлса керак. С.Ахметовнинг "Ўзбек адабиётининг фахри", "Халқ ҳурматига сазавор шоир", "Улкан устоз ҳақида бир-икки оғиз сўз" ва яна бошқа мақолаларида устоз-шоғирдалик муносабатлари, Ғафур Ғуломга нисбатан самимий ҳурмат ифода этилган. "Ғафур Ғулом меҳри дарё, камтарин, ғамхўр инсон эди, — деб ёзади мақолаларидан бирида олим. Мен бу улуг инсон билан ўн йилдан кўпроқ нон-туз татишганимдан, унинг донишмандликка йўғрилган ўғит-насиҳатларидан баҳраманд бўлганимдан бахтиёрман. У Қорақалпоғистонга ҳар келганида янги дўстлар орттирар эди, бу ерда у ўзини худди ўз уйида юргандек, эмин-эркин сезарди. Айни шундай, унинг ҳонадонининг эшиги ҳамма учун очик эди, у ҳеч кимни ётсирмасди. Мен ҳам унинг катта оиласининг бир аъзосидай бўлиб кетгандим".¹

Ғафур Ғулом тўғрисида бундай самимий сўзлар айтган, унинг одамгарчилик фазилатига, шоирлик истеъдодига юксак баҳо берган қалам аҳллари қорақалпоқ ижодкорлари орасида оз эмас. Шеърларида ўзбек шоирини мадҳ этган, мақолалар ёзиб, унинг табиатига хос ажойиб хислатларни тарғиб қилган, ҳаммisha Ғафур Ғуломга ҳурмат кўрсатган адиблардан бири халқимизнинг сеvimли шоири Ибройим Юсуповдир. Бу икки адиб ораларидаги ижодий ҳамкорлик, дўстона муносабатлар ҳақида адабиётшунос Бахтиёр Қўрбонбоев ҳам баъзи янги маълумотларни илмий муомалага киритган эди.²

И.Юсупов Ғафур Ғуломни яқиндан билган, кўп йиллар ижодий давраларда бирга қатнашган, шоирнинг ижод сирлари билан таниш, ҳатто, кўпгина инсоний хислатларидан ҳам хабардор қалам соҳибидир. У "Озод Шарқнинг отахон шоири" деган мақола ёзиб Ғафур Ғулом ижодига бўлган муносабатини изҳор этган эди. Мақола шунчаки баландпарвоз сўзларга қурилган эмас, у ҳақиқий маънода адабиётшунослик асари. Унда шоир лирикаси қорақалпоқ ижодкори нуқтаи назаридан талқин этилади, асарларига илмий баҳо берилади. Шоирнинг нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётидаги ўрни ҳақида ибратли мuloҳазалар ўртага ташланади, бундай мавқега эришишдаги муваффақиятлари,

асарларининг бадий баркамоллик сирлари очиб берилади, эл назарига тушиб, сеvimли шоирлардан бири даражасига кўтарилишининг сабаблари ёритилади. Ўзбек шоирини яқиндан билган, асарларини чуқур ўзлаштирган ижодкоргина у ҳақда ишончли фикр айта олади. Мақола шоирона дида, қизиқарли ва оммабоп бир услубда ёзилган. Ундаги илмий қарашлар бадий шаклда, образли мушоҳада "либос"ига ўраб берилганки, ўқувчига тез етиб боради. Мана бундай фикрлар ҳамма қаламкашга нисбатан ҳам айтилавермаса керак: "Ижодкорларга "халқ шоири" ёки "халқ ёзувчиси" деган фахрий унвон бекорга берилмайди. Чунки таниқли сўз усталарида қандай бўлмасин шу фахрий унвонга муносиб хислатлар бирор йўсинда, албатта, намoён бўлади. Ғафур Ғулом ана шундай "қалбиди халқининг қони келган" ҳақиқий улкан халқ шоири эди. У ўзининг катта таланти, юксак шоирлик нафаси билан ўзбек шеърятини юксалтирди, шухратини оширди, унга замонавий руҳ бағишлаб, овозини янада баланд жаранглапти. Шоир Қорақалпоғистонга ҳар келганида баҳор нафасидай шеърнинг завқини олиб келар, у билан учрашувлар катта байрамга айланиб кетар эди. Дехқон келбатли, ҳаммisha савлаат тўкиб юрадиган доно шоирни кўриш, унинг янтроқ овози ҳамда фикрчан шеърларини тинглаш, булоқдай тошқин чечан гапларини, кўнгилни яйратувчи ажойиб аскияларини эшитишнинг ўзи бир умр ёдда қоларлик воқеалар эди".³

Ибройим Юсупов бундай самимий фикрларни Қорақалпоғистон матбуотида ҳам, турли адабий давраларда ҳам кўп марта гапирган. Қорақалпоқ-ўзбек халқлари, адабиётлари алоқалари тўғрисида мақола ёзса ёки шеър ижод қилса, албатта, Ғафур Ғулом номи биринчилар қаторида тилга олинади, шоирлик таланти, инсонийлик фазилатлари образли, поэтик шакллarda тасвирланади. Унинг қорақалпоқ-ўзбек дўстлиги қаламга олинган шеърларидан бирида шундай бир тўртлик бор:

*Бул қирманда куш нурлари да бар,
Бул қирманда бахит сырлари да бар,
Бунда халық шайлыры Ғафур Ғулымни,
Нандай хақыйқатлык жырлары да бар.*

¹ "Еркин Қарақалпақстан", 1993, 1 май

² Б. Қўрбонбоев. Ғафур Ғулом ва қорақалпоқ адабиёти. Тошкент, "Ўзбекистон", 1983, 16-17 бетлар

³ И. Юсупов. Шарқнинг отахон шоири. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1983, 13 май

Еки, мана яна, бир тўртлик билан танишинг:

*Ўзбек шеърини бир дуня бўлип,
Руҳимда гулlep жасайди менин,
Қулагимдан кетпес ҳам де багъи,
Жайып кулжиси Ғафур Ғуламнинг.*

Ғафур Ғулом юморга жуда бой, ҳазилкаш шоир бўлган. Унинг характериға хос бу хусусият асарларида ҳам яққол сезилиб туради. Шоирнинг сўзга чечанлиги, ҳозиржавоблиги, ҳар қандай қийин вазиятдан ҳам ҳазил, кулги билан чиқиб кета олиш қобилиятиға эга эканлиги тўғрисида халқимиз орасида кўп ривоятлар, латифалар тўқилган, замондошларининг эсселарида кўп марта ёзилган. Шоир ҳаминша ажойиб аскиялар, оҳори тўқилмаган янги ҳажиялари билан одамларни кулдириб, давраларға файз киритиб юрган. У қатнашган даврада доимо ҳазил-мутойиба, кулги авжида бўлган, ҳеч ким зерикшни биламаган. Ибройим Юсуповнинг қорақалпоқ ва ўзбек халқлари дўстлиги мавзусиға бағишланган шеърларидан бирида Ғафур Ғулом табиятиға хос бу қувноқликни алоҳида тилға олиб ўтиши бежиз эмас эди:

*Кетип баятырсам шайхана беттен,
Кулжисини еситтим Ғафур Ғуламнинг...*

Ғафур Ғуломға бундай ҳурмат унинг замондошлари Жўлмирза Оймирзаев, Тиловберган Жумамуратов, Бойниёз Қайипназаров, Хўжабек Сейитов, Бобош Исмоилов каби шоир ва ёзувчилар томонидан ҳам кўрсатилган. Ўзбек шоирининг бу қалам аҳллари билан узининг охириға қадар давом этган дўстона алоқалари, ижодий тажриба алмашуулари икки адабиёт учун фойдали бўлганиға яна мисоллар келтириш мумкин. Тиловберган Жумамуратов "Ғафур Ғуломға" шеърда мана шундай ҳамкорликнинг самараларини Ғафур Ғулом тилсозида кўрганлини, унинг шоирлик таланти, инсонийлик фазилатлари кўпчиликка ўрнак эканини илҳом билан ёзган эди.

Ғафур Ғулом меросиға қизиқиш ва ҳурмат қорақалпоқ адабиётининг ҳозирги авлод вакилларида ҳам катта эканлигини қайд этиш ўринлидир. Бугунги қорақалпоқ шеърятининг фаол ижодкорлари орасида Ғафур Ғуломни устоз сифатида эъзозлаб шеърларида уни мадҳ этаётган қалам аҳллари анчагина.

Шарапатдин Аяпов мана мундай таниқли шоирлардан биридир. Унинг "Қадами қутаут устознинг" номли шеърда Ғафур Ғулом ва унинг ижодининг қорақалпоқ заминида қадрланиши ҳақида сўз юритилади, икки қардош халқнинг дўстлигини мустақкамлашдаги адибнинг воситачилик роли, адабиётлар ҳам-корлигини ривожлантиришдаги аҳамияти поэтик ифодаланади:

*Халқим кеўлиндур наўбахар,
Бирдей болган шамиў-сахар,
Ташкент, Нокис — еки шохар,
Нураний кўзи устаздың.*

*«Ғафур Ғулам келди» десип,
Жүректери шўқидесип,
Қарақалпақ қарыс өсип,
Тойына шықты устаздың.*

*Бир жан, бир тин, бир тар болып,
Наўайы ҳам Зийар болып,
Өзбек-қарақалпақ болып,
Тилинде дөстан устаздың.*

Ғафур Ғулом чиндан ҳам қорақалпоқ ва ўзбек халқлари дўстлигининг толмас кўчиси, гоҳ Навоий, гоҳ Зийар бўлиб, бу адабиётларнинг куйини куйлаб, жирини жарлаган сўз санъаткори эди. Шарапатдин Аяпов қорақалпоқ халқининг ўзбек шоирлиға бўлган самийий муносабатини шунчаки оддий мисраларда эмас, балки образли шаклда, кўчма маънодаги ифодалар орқали берганки, бу шеърнинг таъсирчанлигини оширган. Тошкент билан Нукуснинг Ғафур Ғуломнинг икки нуруний кўзиға қиёс қилиниши, икки халқнинг бир дутор торига ўхшатилиши, "бир тан, бир жон" деб таърифланиши шеърға катта эмоционал маъно ва эстетик куч бағишлаган.

Мазкур шеърда яна бир ибратли гоё бор. Юқорида қайд этганимиздек, Ғафур Ғулом ўзига замондош бўлган кўп қорақалпоқ адиблари билан дўст тутиниб, ижодий ҳамкорлик қилган. Қорақалпоқ сўз усталари ҳам Ғафур Ғуломға худди шундай муносабатда бўлишган, уни устоз сифатида қадрлаб, асарларидан баҳраманд бўлганлар, ўзбек шоирининг айтналарини янги тарихий шароитда давом эттириб, оригинал асарлар яратганлар.

"Қадами қутлауғ устознинг" шеърида мана шу тарихий ҳақиқат образли шаклда бадиий талқин этилган. Мана, ўша поэтик гоя ифодаланган баъдалар:

*Аббаз шайыр байтерегим,
Қосық деп соққан жүрегим,
Алтын сақаны уағдим,
Қадеми қутлы устаздың.*

*Жолмурза ҳам Тилеуберген,
Ибраһим, Төленберген,
Байнияз ҳам Хожабектен,
Тарийипи есит устаздың.*

*Туран жерге әзел бастан,
Бауырманлық уя басқан,
Сазы-сүйбетке уласқан,
Шеършит тойы устаздың.*

Шарапатдин Аяповнинг "Қадами қутлауғ устознинг" шеъри Ғафур Ғуломнинг Қорақалпоғистонда нишонланган анъанавий бирор юбилей тантанаси муносабати билан битилган. Бирор шоир ёки ёзувчининг юбилейга бағишлаб ёзилган шеър кўпичча, қуруқ, сунъий, далилланмаган мақтовларга асосланган бўлади. Бундай сазсиз шеърларда рағ – баранг бадиий ифодалар, образли мушоҳада кўп ҳам кўзга ташланавермайди. Натижада бу хилдаги "бағишловлар"нинг поэтик салмоғи, матоно – моҳияти ҳам заиф чиқади ва улар ўқувчини қониқтирмайди, бир ёнади – ю, сўнг абадий сўнади. Шарапатдин Аяповнинг ушбу шеъри эса, гарчи "мавсумий" бўлса да, бадиийлиги анча пухта, истеъдод билан ёзилган. Мазкур шеър қорақалпоқ халқи ва талант соҳибларининг Ғафур Ғуломга бўлган чуқур ҳурматини ифодаловчи, қорақалпоқ ва ўзбек халқлари ўртасидаги азалий дўстлигини куйловчи ижод намунасидир. Мана шу хусусияти билан ҳам у мустақиллик даври ўзбек ва қорақалпоқ адабий алоқалари саҳифаларини бойитишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз рисоланинг оддинги бобларида Ғафур Ғуломнинг туркман адабиётида Берди Кербобоев ва Омон Кекиллов, қозоқ адабиётида Собит Муқонов билан шахсий дўстлиги, адабий ҳамкорлиги

тўғрисида батафсилроқ сўз юритгандик. Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом бу ижодкорлар билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, ўзбек-туркман, ўзбек-қозоқ адабий алоқаларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшганди. Бу халқларнинг адабий алоқалари тарихида уларнинг дўстона муносабатлари қандай самаралар берганига гувоҳ бўлдингиз. Ғафур Ғулом билан Жўлмирза Оймирзаев ораларидаги кўп йиллар давом этган адабий ҳамкорлик ҳам қорақалпоқ-ўзбек адабий алоқалари китобининг мазмунли саҳифаларидан бирини ташкил этади. Шу боисдан ҳам биз бу икки улкан адибнинг ҳамкорликлари ҳақида кенгроқ сўз юритишни лозим тоғдик.

Жўлмирза Оймирзаев Ғафур Ғулом билан ilk маротаба 1934 йилда танишган. Бунинг ўзига хос қизиқарли тарихи бор. Бу йўрида ёзувчи "Бахт бешиги" ("Етимнинг юраги" қиссасини С.Сайдалиева шундай ном билан ўзбек тилига таржима қилган ва у 1970 йилда Тошкентдаги "Ёш гвардия" нашриётида босилиб чиққан) қиссасининг охирида ушбу учрашув тафсилотини мана бундай ҳикоя қилади: "Тожикистон Ёзувчиларининг 1 съезди. Съездга Қорақалпоғистондан меҳмон бўлиб борганман. Иттифоқнинг ҳамма томонидан ёзувчилар келишди. Бошқа ёзувчилар қатори Ғафур Ғулом билан танишдим. Унинг номини эшитган, шеърларини кўп ўқиган бўлсам ҳам, ўзини биринчи марта кўришим эди. Ғафур ака менга бир кўришдаёқ ёкиб қолди. У мендан: Съездни қандай табрикламоқчисиз?, — деб сўраб қолди. Мен нима жавоб қилишни билмай, доғдираб қолдим. Аҳволимни сезган Ғафур ака: "Шоир киши шеър билан сўзлаши керак", — деди. Унинг гапи менга маъна бўлди. Қандай ёзиш мени ўйлантириб қолди. Отанинг маслаҳати кечало-қундуз кўнглимга тинчлик бермади. Ўтириб ўйландим, туриб тўлардим, бирини ёздим, бирини ўчирдим... Ғафур оға съезд арафасида оқшом олдимга келди. Чоғимда, съездни табриклашга тайёргарлигимни биламоқчи эди. У Ўзбекистон Ёзувчилари Союзининг ўша вақтдаги раиси Раҳмат Мажидий билан бирга келганди. Уларнинг раҳмўрлиги менга илҳом бағишлади.

Ўша учрашувдан сўнг кўп вақт бирга бўлдик. Ғафур оға Лоҳутий, Бону, Садриддин Айний ва бошқа тожик ёзувчилари, шоирлари билан таништирди. Ниҳоят, съезд очилди. Раҳмат Мажидий билан Ғафур Ғулом қўярда-қўймай мени президиумга олиб чиқишди. Ўша куни кечки пайт мен ҳам Тожикистон

ёзувчилари съездини қорақалпоқ халқи номидан таъриқладим. Минбарга чиққанини билан, съезда делегатларининг олқишларидан шундай ҳаяжонландимки, шеърни қандай ўқиганини билмай қолдим. Бу, халқ олдида биринчи марта шеър ўқишим эди.¹

Шундан бошлаб Ж.Оймирзаев қарийб қирқ йил Фафур Фулом билан қалин дўстликда, иходий ҳамкорликда, устоз-шогирд бўлишган, ўзбек ва қорақалпоқ адабиётларининг манфаатлари учун бир-бирига ўргатган, бири-биридан ўрганган. Икки адабиётга нафи тегадиган адабий алоқаларнинг янги-янги шакллари уйлаб топишган ва уни амалга оширишнинг амалий чораларини бирга кўрган. Қорақалпоқ ва ўзбек ёзувчи, шоирлари ўртасида борди-кедиларни йўлга қўйиш, шахсий дўстлик муносабатларини ўрнатиш, икки республикада адабиёт ва санъат кулларини мунтазам ўтказиб туриш, ўзаро таржима ишларини жонлантириш, бир-бирларининг ҳаётига бағишлаб бадний асарлар яратишни анъанага айлантириш ва яна бошқа адабий-маданий тадбирлар Фафур Фулом ва Жўлмирза Оймирзаев ташаббуси ва ташкилотчилигида амалга оширилганлигини улар билан замондош бўлган адиблар эслашади. Мана шундай йўللار билангина икки адабиёт ўртасидаги алоқаларни тараққий эттириш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш мумкинлигини Фафур Фулом чуқур англаган ва қаламжаш дўстини ҳам бу имкониятлардан самарали фойдаланишга ундаган. Фақат ўзаро таърибга айланиш, бир-бирларининг бадний иход соҳасидаги ютуқларидан, жаҳон адабиётининг ўлмас хазинасидан баҳраманд бўлиш тўғрйлигига шоир ёки ёзувчи маҳорат бобида қимликка эришиши мумкин, деган бадний-эстетик қарашлар умумийлиги бу икки адибни бир-бирларига янада яқинлаштирди. Шу маънода Фафур Фулом иходи Ж.Оймирзаев учун маҳорат мактаби эди, десак хато бўлмас. Буни адибнинг ўзи "Устозимиз — оғамиз" мақоласида ҳам мамнуният билан тан олади.

Фафур Фуломнинг ҳам шеърый, ҳам насрий асарлари Жўлмирза Оймирзаев учун ҳаёт ҳақиқатини бадний талқин қилишда намуна вазифасини ўтаган. Шоир шеъриятининг ифода

¹ Ж. Оймирзаев. Бахт бешини. Тошкент. "Ёш гвардия", 1990, 110 бет. Бундан кейинги мисоллар қиссининг шу напридада бўлади, бети қавс ичида кўрсатилади.



Фафур Фулом ва Жўлмирза Оймирзаев

шакли, гоёвий йўналишлари, жанговарлик хусусиятлари, ҳозиржавоблиги доимо қорақалпоқ шоирини ўзига тортиб, қизиқтирган. Фафур Фуломнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги аксарият асарларидаги ватанпарварлик, қаҳрамонлик, дўстлик ва биродарликни тарғиб қилувчи, вафо ва садоқатни куйлаган, галабага ишонч руҳи билан сўғорилаган шеърлари Жўлмирза Оймирзаевга ўрнак бўлган ва унда шундай мавзуда шеърлар ёзиш истагини уйғотган. Фафур Фуломнинг "Шарқдан келаётирман", "Соғиниш", "Сен етим эмассан", "Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак", "Кузатиш" шеърларининг гоёвий мотивлари, урушин ланзатловчи қуйма сатрлар, инсонпарварликни улуғловчи оташин чақириклар, қорақалпоқ шоири қалбига жиддий таъсир кўрсатган. Буни шоирнинг ўзи ҳам тан олади ва мақолаларидан бирини шундай деб ёзади: "Иккинчи жаҳон уруши йилларида Фафур Фуломнинг қалб тўридан чиққан шеърлари ҳаммаимизни ҳаёт-мамот жангига, қаҳрамонона курашга қорлади. Унинг "Шарқдан келаётирман", "Сен етим эмассан" шеърый тўпламлари ўша алағтаи йилларнинг ёдгорлиги сифатида қалбимизга мангу муҳрланиб қолди. Уларнинг таъсирида мен ҳам фронтда юрга-

нимда бир неча шеърлар ёзганман. "Ўғлим, тингла!", "Синг-лимнинг ханжари", "Қон билан ёзилган хат", "Солдатнинг қасами", "Фронддан хат" ва яна бошқа шеърларим, лозмаларим "Менинг дўстларим" деган ном билан алоҳида китоб шаклида босилиб чиққан эди".¹

Жўмирза Оймирзаев "Кураш" номи лозмасини Фафур Фуломнинг "Қукан батрак" достони таъсирида ёзганлигини ҳам ушбу мақоласида тилга олади. Агар қорақалпоқ шоирининг юқорида ёслатилаган шеърларини Фафур Фуломнинг уруш йилларида яратган ҳарбий лирикасида қиёслаб кўрсак, кўп ўхшашликларни, умумийликларни, Ватан ва инсонлар тақдирини талқинидаги муштараклиқни, услубий яқинлиқни кўрамиз. Бу давр ўзбек шоири шеърлигига хос сафарбарлик, ватанпарварлик, чидам ва сабот, дўстлик ва бирдамлик, душманга нафрат, ғазаб мотивлари, қорақалпоқ шоирининг қалб кечинмалари тарзида жуда табиий чиғиб берилган. Фафур Фуломнинг "Кузатиш", "Согиниш", "Сен етим эмассан", "Халқ отланди", "Биз енгимиз", "Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак" каби шеърлари билан Ж.Оймирзаевнинг "Ўғлим, тингла!", "От солиг душман устига!", "Фронддан хат", "Ёвни яқсон қилурмиз", "Ғалаба билан кут" сингари шеърлари ўртасида мавзу ўхшашлиги, талқин яқинлиги, поэтик образлардан фойдаланишдаги умумийлик уларни ўзаро уйғунлаштириб турадики, бу ижодий таъсир самарасидир. Халқимиз бошига тушган қулфатга ҳамдардик муносабатида икки шоир фикрдош бўлган, бир хил уруш даҳшатларини икки хил услуб ва усулда, ўзига хос поэтик овозда таъсирлаганлар.

Фафур Фуломнинг уруш мавзусидаги бир туркум шеърлари Ватан ҳимоясига отланаётган жангчига мурожаат шаклида ёзилган. Жангчининг ғалабага ишончини мустаҳкамлаш, мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатишга даъват, қаҳир қўли руҳи поэтик ифодаланади. Шоир фронт орқасида туриб урушни лавнатлайди, душманининг мағлуб бўлиши муқаррарлигига ўқувчини ишонтиради, "Биз енгимиз!" дейди. "Кузатиш" шеърда ўғлига қарата:

*Сафлар олдида бўл, мард бўл, ботиб бўл,
Дўстларга ҳамоҳан жүра бўл, жүр бўл,
Халқимизнинг ҳурмати, ғолиб бўл, зўр бўл —*

деса, "Халқ отланди" шеърлидаги қаҳир қўли оҳанги янада шиддатлироқ, янада жанговар, умумхалқ даъватидек, Ватан ҳимоячиларига Оя журтнинг топиригидек жаранглайди:

*Ботир бўл, аяма, қонга қон сўра,
Отанг қасамини айлагин давом,
Токи, малъун душман аччиқ сезолсин,
Даҳшатдир биздаги хунин интиқом
Чолларнинг оқарган сочу соқоли,
Онанинг оқ сўти, етимлар ёши,
Севишган ёригининг кўзи ҳурмати
Қўмилсин абадий фашизм боши.*

Ж.Оймирзаев уруш даҳшатларини кўзи билан кўрган, қўлида милтиғи билан душманга қарши жанг қилган фронтчи-шоир. Фақат ўзи эмас, ҳаммани бу ҳаёт — мамот урушида "қонга қон, жонга жон олиш"га даъват этади ва бир шеърлида шундай ёзади:

*Ана ушын, ел ушын,
Қайтаң қанлы майданнан,
Азатлық ушын, ерк ушын,
Аямаңлар ҳеш бир жан.
Қасқырды қанға тоймаған,
Қырыңлар батыр славян.*

Бу мисралар Фафур Фуломнинг юқорида келтирилган, жангга кетаётган Ватан ўғлонларига мурожаатига оҳангдаш эканлигини сезгандирсиз. Бундай жанговар қаҳир қўли руҳидаги шеърлар Ж.Оймирзаевнинг ҳарбий лирикасида оз эмас.

Фафур Фулом баъзи шеърлирида фронт орқасида туриб жангчиларга юзланади, шаънига илиқ сўзлар айтади, душмандан ўч олишга қаҳиради. Шоирнинг айрим шеърлиридаги мурожаат, гарчи, ўғлига қаратилаган бўлсада, оталарнинг фарзандларига мурожаатидек эшитилади. Ўрт ҳимоясига кетмокчи бўлиб турган фарзандга отанинг меҳри, хайрлашаётгандаги шахсий кечинмаларини ҳаяжонсиз ўқиш мумкин эмас. Ҳар бир ота-она мана шундай қалтис вазиятларда ўғлига энг эзгу тилаклар тилайди, боши омон бўлиб, соғ-саломат қайтишини армон этади. Шоир лирик қаҳрамоннинг бу ҳолатини қалбидан ўтказиб, меҳр

¹ Ж. Оймирзаев, Усталимиз — ағамиз: "Совет Қаракалпақстаны", 1983, 17 май

туйгулари билан шеърга солади. Сиз ҳам лирик қаҳрамон "дард"-ларига шерик бўлиб қоласиз. Мана, бир мисол:

*Ё ўғлим, жонгинам саломат бўлсин,
Ўз боғинг, ўз меванг данагини сақла.
Шу мерос боғингни ўз қўлингга ол,
Менга топширилган меросий ҳақ-ла.*

*Боғга товус каби хиромон бўлиб,
Умид данагини бирга экингуз.
Ғолиб келажакни сайр қилайлик
Мушфиқ онагинанг билан иккимиз*

Ж.Оймирзаева бу мавзу талқини сал бошқачароқ. Шоир кўп ҳолатларда фронтдан эл-юртга, халқига музрожаат қилади. Буни у жангчи-лирик қаҳрамон орқали амалга оширади. Шеърдаги поэтик фикрлар жангчининг кечинмалари тарзида, халқига қасамёд қилиш шаклида намоён бўлади. Шоирнинг "Фронтдан хат", "Ёвни яксон қиламиз" шеърлари Ватан олдидаги фарзандлик бурчини адо этишга отланган жангчининг онгидек янграйди:

*Салем сизге бахитлы ел,
Батыр туғган Қарақалпақ,
Перзентимен - фронттаман,
Биз женемиз, исимиз ҳақ.
Жаўды жексен етемиз биз,
Жасайсан сен ана - Уятан!
Максетлерге жетемиз биз,
Азат болар путкил жаҳан!¹*

Ёки, мана худди шундай мазмун ва оҳангдаги яна бир тўртлик:

*Киндигимнинг қаны тамган,
Ант етемен саған Уятан,
Сени, халықты қорғайман деп,
Қалганимша бир тамшы қан.*

Кўриб турганингиздай, жанг майдонларида қон кечиб юрган лирик қаҳрамоннинг киндик қони томган, униб-ўсган юртга садоқати, ватанпарварлиги, душманга чексиз нафрати, ғалабага

¹ Ж. Аймирзаев. Улым тында! Некис, "Қарақалпақстан", 1996, 6-бет

ишончи жанговар, қуйма сатрларда ифодаланган. Шу хусусияти билан ҳам шеърини парчалар бизга Ғафур Ғуломнинг мана бу тўртлигини эслатади:

*Биз енгамиз, дўстим, буни яхши бил,
Малъун Гитлер қабрига шу ёзилур:
"Мучали ит, ўзи туғиғиз душманинг
Ўлган йили бир минг тўққиз юз қирқ бир".*

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ўзбек ва қорақалпоқ ҳарбий лирикасида "хат" шакли кенг қўлланилган. Онанинг жангдаги ўғлига мактуби, ўғилнинг онага жавоби, ёки қизнинг фронтга кетган севган йигитига хати, йигитнинг севгалисига жавоб мактуби, ёхуд отанинг фарзандига, фарзанднинг отага мактублари бу давр ҳарбий лирикасининг етакчи шеърини шаклларида бири бўлган. Жангчининг Ватан, қолаверса, ота-она олдидаги фарзандлик бурчи, севишганларнинг аҳду паймон-ларига содиқлиги, пафо, садоқат, ишонч, умид каби ахлоқий фазилатлар "хат" усулида, лирик қаҳрамонларнинг қалб кечинмалари шаклида фронтга ёки фронт орқасига йўланган. Ва бу адабий усул ўзини тўла оқлаган, иккинчи жаҳон уруши даври ҳаётини, инсонлар психологиясини реал тасвирлаб беришнинг қулай воситаси бўлган.

Ғафур Ғуломнинг ҳарбий мавзудаги шеърларида бу усул кўпроқ отанинг жангга отланаётган фарзандига, умуман, юрт ҳимояси учун қўлига қурол олган ҳар бир аскарга берилган топшириқ, айтилган насихатни рўёбга чиқарувчи шакл вазифасини бажарган.

*Саломат борингуз, қайтингиз омон,
Кўксингузда торласин бир қатор нишон,
Курашда мард бўлинг, ғолиб қаҳрамон,
Улуғ ўзбек халқидан табрик ва салом,
Салом билан шоир Ғафур-ал-Ғулом.*

Ж.Оймирзаев шеърларида "хат" кўпроқ, отанинг фронт орқасидаги фарзандига, юртдошларига, ёру-биродарларига, қариндошларига мактуб, умарнинг ишончини оқлашга ваъда, қасам шаклида ёзилган. Элға ёруғ юз, ғалаба билан қайтиш гояси барча шеърлари руҳига синдирилган. Жангчи шоирнинг "Ўғлим,

тингла!" шеърдан олинган қуйидаги икки тўртликда уруш оловлари ичда юрган лирик қаҳрамоннинг Ватанига, фарзандларига меҳри қанчалик баланд эканини, душманга нисбатан қаҳразаби чексизлигини сезиш қийин эмас:

*Улым тылда! Жүрмен майдан ишинде,
Ийнимде бар жарқыраган жау-жарак,
Егер жаулы жексен етип бармасам,
Сен есапқа оннан олим жақсырак.*

*Улым тылда! Қасқыр қозы душпаны,
Сен - қозымсан, сенни ушын мен қорған,
Уатанымнан қуымақ ушын душпанлы,
Ырза болма оққа болмасам қалқан.*

Жўлмирза Оймирзаевнинг иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий мавзуларда қалам тебратидада Ғафур Ғулом ижодий тажрибаларига таянгани, шоирнинг оригиналлигига асло ҳалақит бермаган. Шунчаки бир шака, ижодий туртки вазифасини бажарган, ҳолос. Давр ҳақиқатини шоир ўзинга хос овозда, ўзинга хос услубий йўналишда ўзининг ижодий тамойилларига мувофиқ ёрита олган. Шунинг учун ҳам қорақалпоқ шоирининг ҳарбий лирикиси таҳрорланмас бадий хусусиятлари билан ажралиб туради. Ва у фақат Ж.Оймирзаев ижодигагина эмас, иккинчи жаҳон уруши йилларида фаол қалам тебратган бошқа кўп қорақалпоқ адибларига ҳам таъсир кўрсатган, илҳом берган, "Сен етим эмассан" шеърининг ижодий таъсирида худди шундай шака ва мазмунда асарлар пайдо бўлган. Жумладан, Д.Назбергановнинг "Сизлар етим эмассизлар", С.Нурумбетовнинг "Қаҳрамон шахримизнинг болалари" каби шеърлари мана шу ижодий таъсирнинг натижалари эди. Агар Д.Назберганов:

*Қарақалпақ халқы сыйлап,
Эдибейди перзентиндей,
Суйип бетлеринен сыйлап,
Қазирлейди оғей демей -*

деб қорақалпоқ халқининг инсонпарварлик фазилатларини улуғласа, халқ шоири С.Нурумбетов бу фикрларни мантқан давом эттириб, фронтта отланаётган жангчиларга қарата шундай дейди:

*Туған елдің ар-намысын алып кел,
Гитлердің басына сауда салып кел,
Женистің намысын тезден шалып кел
Мениң саған тапсырмам сол перзентім.*

Бу мисраларнинг мазмуни Ғафур Ғуломнинг йигитларни фронтга кузатиш чоғидаги бадий қаҳриқларига ҳамоҳанглиги кўриниб турибди. Айниқса, қорақалпоқ шоирининг юқоридаги қаторлари Ғафур Ғуломнинг "Кузатиш" шеърдаги баъзи бир бандаларнинг мазмунига эслатади.

Ж.Оймирзаевни Ғафур Ғулом ижодига яқинлаштириб турадиган яна бир адабий факт бор. Бу ёзувчининг юқорида тилга олинган "Бахт бешиги" ("Етимнинг юраги") номи қиссаси. Гап шундаки, муаллиф бу қиссани Ғафур Ғуломнинг "Шум бола" повестидан ижодий таъсиридан эъган. "Шум бола"нинг ўзи учун ибрат бўлганини, ўқиб чиққач, ўзида худди шундай асар ёзиш истаги тутилганини у матбуотда ҳам ёзди.¹

Чиндан ҳам, бу икки асар бир-бирларига кўп жиҳатдан ўхшайди. Жанр нуқтаи назаридан ҳам ўзаро яқин. Бир мавзу, деярли бир давр тасвирланган. Икки асарнинг марказида ҳам етим тақдири туради. "Шум бола"да етим Шум бола асосий қаҳрамон сифатида ҳаракат қилса, "Етимнинг юраги"да етим Жўлмирза бош қаҳрамон тарзида тасвирланади. "Шум бола"да воқеалар Шум бола тилидан ҳикоя қилинса, "Етимнинг юраги"да Жўлмирза тилидан берилади. Икки қиссада ҳам воқеалар саргузашт характериға эга. "Шум бола"да Шум боланинг саргузаштлари, "Етимнинг юраги"да Жўлмирзанинг бошидан ўтган воқеалар тасвирланади. Икки қиссада ҳам бош қаҳрамонларнинг сарсон-саргардонлиги, шаҳарма-шаҳар, овулма-овул кезиб, гаройиб воқеаларга дуч келиши, турмуш қийинчиликларини бошдан кечирिशлари, деярли бир хил. Ҳатто, бош қаҳрамонларнинг саргузаштлари мазмунинда баъзи ўхшашликлар борлиги кузатилади. Айрим мисолларни қиёслаб кўрайлик. "Шум бола" қиссасида шундай бир эпизод бор. Шум бола мардикорлик қилиб пул ишлаш мақсадида юрганида бир домлага учраб қолади. Домла уни хизмат учун уйига эргаштириб кетади. Қоринни тўйғазгандан кейин, унга дейди: "Сенга бир хизмат бор, ўғлим, бир пой ҳўқизим бир неча кундан буён бўкиб, касал бўлиб ётибди.

¹ Ж. Аймирзаев. Устозимыз — ағамыз. "Совет Қарақалпақистани", 1983, 17 май

Мана шу асбобларни бошингга қўйиб, хушёрроқ бўлиб ётасан. Мабодо ҳўкиз ёмонлаб қолгудек бўлса, бориб, дарров бўғизга пичоқ тортиб юборасан. Эҳтиёт бўл, лекин, тагин ухлаб қолиб, харом ўладириб қўйма!'.¹

Шум бола ярим тунда оғилхона томондан ниманингдир "гур" этиб йиқилганини ҳам "хириллай" бошлаганини эшитади-да, домланинг топириғи эсига тушиб, у томонга пичоқни олиб югуради. Қоронғида қайси бири ҳўкиз, қай бири эшак эканлигини ажратолмай, ҳўкизининг ўрнига домланинг "Бўхоран шарифдан уч тилога олиб келган" эшагини сўйиб қўяди. Ҳўкиз эса харом ўлади. Шум бола бу "халис" хизмати учун эрталаб роса тазйирини ейди, ўлгудек қалаткланади. Бир амаллаб томга чиқиб қоча бошлайди. Бир-бирларига туташ томлар устидан қочиб борар экан, беҳосдан "тўп" этиб қамиш тупроқ аралаш пастга, ошхонанинг мўрисидадан ошхонада турган тандирнинг ичига тушади. Қош қорайганда, ошхонанинг эшиги очилиб бир хотин кириб келади, ўчоққа ўтин қалаб мошкичири пишира бошлайди. Таомни тайёрлаб икки идишга солиб, биттасини олиб, иккинчисининг устини бостириб, шу ерда қолдириб чиқиб кетади. Сал ўтмай, яна эшик очилиб, бир киши оёқ учида юриб келади. Бу ўша овқат тайёрлаб кетган хотиннинг уйнаши эди. Бир пасдан кейин хотин ҳам қўрқа-писа кириб келади: "Қутиб қолма-дингизми? Эрим ўлгур бошқа вақт қуриб қолгандай, шу бутун нася дастурларини очиб, олдига чўтин қўйиб, ҳисобга тушиб кетди, эндігина ухлатдим-да". (129 бет)

Шум бола бу ошиқ-маъшукларнинг пинҳона учрашувини, суҳбатини тандир ичида кузатиб ўтиради. Шум боланинг тандир ичида ўтирганини сезиб қолгач, ошиқ-маъшуклар сирлари фош бўлиб қолшидан қўрқиб, унга ялиниб-ялвора бошлайдилар. Шум бола бу "имконият"дан фойдаланиб қолмоқчи бўлиб, уларни англаб туширади. Фақат қоринини тўйғазмиш эмас, ҳатто улардан икки танга пул ҳам ундириб, чиқиб кетади.

Тўғри, бу эпизоднинг баъзи лавҳаларида тасодифий ҳолатлар ҳам бор. Жумладан, Шум боланинг томма-том югуриб, қочиб бораётганда, тасодифан бир уйнинг мўрисидадан тушиб кетиши, яна айнан, тикка турган тандирнинг ичига тушиши ишонарсиздек,

етарли даражада бадий дилилланмагандек кўринади. Бу манзара эртақдаги воқеаларга ўхшаб кетади. Лекин муҳими, биз учун бу эмас. Муҳими, худди шунга ўхшаган воқеанинг, ошиқ-маъшуклар ҳақидаги тафсилотнинг "Етимнинг юраги" қиссасида ўзига хос бир шаклда бадий талқин этилганида. Бу ердаги ошиқ-маъшуклар сирини фош қилишдаги ёзувчининг ўзига хослигида.

"Етимнинг юраги"да шунга яқин бир воқеа тасвири бор. Ўрозгул Олганиёзнинг хотини. У Жўлмирзага келинойи. Оланиёз вафот этгандан кейин Ўрозгул овуддаги бир мулла билан ошиқ-маъшук бўлиб, яширин "дон олишиб" юради. Жўлмирза унинг бу ҳаракатини пайқаб қолади. Буни сезган Ўрозгул қингир ишларини Жўлмирзадан пинҳона амалга ошира бошлайди. Бир кун шундай воқеа рўй беради. Ўрозгул муллага атайлаб палов тайёрлаб, уйига меҳмонга чақиради. Жўлмирза ҳалақит бермасин деб: мулламиз болалар олдига овқат ея олмас эканлар, укаларингни олиб ҳовлида ёта қол, дейди. Ҳар кун Жўлмирза ётадиган увадаси чиқиб кетган қўрпани муллага билдирмасдан ҳовлига олиб чиқиб, унга жой қилиб беради, сўнг ичкарига, мулланинг олдига кириб кетади. Қўнгли хунук бир нарсани сезгандек, Жўлмирзанинг уйқуси келмайди. Ёзувчи бу манзара тафсилотини қиссада шундай беради: "Бир пайт уй ичидан гунгир-гунгир овоз чиқди. Мулла билан Ўрозгул нима ҳақдадир гаплашаётган эди. Гаплари аниқ эшитилмасди. Шунча қулоқ солсам ҳам, гапларини англай олмадим. Бехиётёр ўриндан туриб, эшикдан мўраласам, қозон ўтоқдан туширилган экан. Ўрозгул лаганин артиб-тозалаб, палов суза бошлади. Садағант кетай қизил палов, калқирнинг лаганига тегиб тиқирлаши биланоқ ҳиди эшикдан чиқиб худди буриини қитиқлаётгандай бўлди. Лаззатли палов билан лиммо-лим тўлган лаган мулланинг олдига ёзилган дастурхонга қўйилди. Ўрозгул қулайроқ ўтириб олди-да, ҳўрознинг бўтақасини, тўшини, сонини устхон деб мулланинг олдига қўйди. Ҳўроз гўштини тўғраб бўлгач, муллага ноз-қарашма билан олинг, деди. Мулла Ўрозгулга бир қарадию, паловга узун қўлини узатиб оғзини тўладириб бир ошади". (33 бет)

Бу воқеа "Шум бола" қиссасидаги хотиннинг махсус овқат тайёрлаб, уйнашини хилват бир жойга таклиф қилиш эпизодини ва бу ҳаракатларини Шум боланинг тандир ичида ўтириб кузатишини эслатади. Ҳар икки қиссадаги ошиқ-маъшукларнинг

¹ Ғ. Ғулом. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 3 жилд. Тошкент. 1959, 123 бет. Кейинги мисоллар шу нашрдан бўлади, бети қавс ичида кўрсатилади.

пинҳона учрашувлари, махсус таом тайёрланиши, дастурхон бошидаги "олинг-олинг"лар ва кутилмаганда учинчи бир шахснинг пайдо бўлиб қолиши, (мулла билан Урозуланинг палов еб ўтириганда уларнинг устига Алламберган келиб қолади) сирларининг фош бўлиши, бу қалтис вазиятдан қутулиш учун қилган ҳийла-найранглари, бир-бирига ўхшайди.

Икки қиссани солиштириб ўқир эканмиз, яна бир тасвир бизнинг эътиборимизни тортди. Қизиғи шундаки, икки асарда ҳам таомнинг тайёрланиш жараёни батафсилроқ тасвирланган. "Шум бола"да хотин уйнашга мошкичири тайёрласа, "Етимнинг юраги"да Урозул муллага деб палов пиширади. "Шум бола"да бу манзара тасвири қуйидагича: "Хотин мошкичири қиламқоқда эди. Пиёздорнинг ҳидлари димоғимга кириб, иштаҳа ҳам номозшомғулнинг қарнайдая очилиб кетган. Қозонда бўлган масалукларнинг ёғ билан аралашиб чиқазган "жаз-буз" овози юрагимнинг энг нозик жойларига бориб қадалди, гўё нозли қизларнинг овозидай алмалатиб эркалар эди. Хотин қозоннинг қопқоғини очди, балиқдай бўлиб, оппоқ лағанда мошкичири чиқди, ўртага қўйдилар. Йигит кулук қилди-да, менга озор беришдан чекиниб, тандирнинг устидан турди. Учоқнинг олдига тиз чўкиб ўтириб, тамом иштаҳа билан мошкичирини ер эди. Азамат олиб турибди, хотин бўлса, аҳён-аҳёнда ошдан чўқиган бўлиб, ўзининг олдидан чиққан гўштларини ҳам унга суриб бериб турмоқда эди. Мошкичирининг тамом жабр-жафосини тортган, биздай ёнбоши қуйган бечоралар тандирнинг ичиди азобу-укубатда". (128 бет)

Бу парча ичидаги қўпгина ифодалар, деталлар, ошқ-маъшуклар ораларидаги муносабатлар, ҳар икки ҳолатнинг ҳам учинчи шахс (тандир ичиди Шум боланинг, ҳовида ётиб, эшик тирқишидан мўралаб, пойлаб ётган Жўлмирзанинг) томонидан кўриб туришларидаги ўхшашликларни сезган бўлсангиз керак. "Етимнинг юраги"даги Урозуланинг палов тайёрлаш эпизоди ҳам, кўп жиҳатдан "Шум бола"даги манзарарга ўхшайди. Мана, қиёслаб кўринг: "Урозул қозоннинг қопқоғини очди. Хўроз гўшти солинган паловнинг хушбўй ҳиди сўлагимни окзиб юборди. Урозул гуручни ағдариб кўрди, қашир билан гурс-гурс уриб, устини сийпалади. Кейин дамбаб қўйди. Гуручни ағдараётганда, ер остидан қараб ўтирганимни Урозул сезган экан. Палов егим келгани шунчаликки, қозондан кўзимни узоқламай қолдим. Урозул менга ўқрайиб қараб қўйди. Ўқрайса-ўқраймаса, у билан ишим

йўқ, фикри-ёдим паловда. Шу лаззатли паловдан бир ошасам майлайди, деган ҳаёл қўнғимга қаттиқ ўрнашиб қолди". (32 бет)

Бу тасвирлардаги умумийликлар, қаҳрамонлар саргузашт-ларидаги ўхшашликлар, ошқ-маъшуклар сирларини фош қилишдаги ёзувчилар услубларининг яқинлиги тасодифий эмасдек кўринади. "Етимнинг юраги" қиссасидаги баъзи ҳаёт манзаралари тасвирида, бош қаҳрамон характери ни ҳар томонлама мукаммал очишга хизмат қиладиган бадий тўқима яратилган, асар сюжетини шакллантиришда, бизнингча, "Шум бола"нинг ижодий таъсири бўлган. Биз фақат бир эпизодни қиёслаб кўрдик. Агар икки асар бадий-эстетик, услубий жиҳатдан кенгроқ доирада батафсил таҳлил қилинса, адабий таъсир белгиларини яна аниқлаш мумкин, албатта.

Назаримизда, "Шум бола", аввало Жўлмирза Оймирзаевга ҳаёт материали нуқтаи назаридан, шакл жиҳатидан таъсир кўрсатган. Ёзувчи "Шум бола"ни ўқиши биланоқ, ўз ҳаётини кўз олдига келтирган. Шум боланинг тақдирида ўз тақдирига ўхшашликни кўрган. Шум боланинг босиб ўтган ҳаёт йўлини ўз ҳаёт йўлига солиштирган. Бир вақтлар у ҳам худди Шум боладай етимлик азобларини бошидан ўтказганигини эслаган. Ёзувчида шундай мавзуда ҳам асар яратиш мумкин экан-да, деган фикр пайдо бўлган. Асар воқеаларини ижодий ҳис қилган ва ўз етимлиги тўғрисида асар ёзиш мақсадида қўлга қалам олган. Демак, бу жараёнда "Шум бола" ёзувчи учун ижодий "туртки"лик вазифасини бажарган, ёзмоқчи бўлган асарининг "шақлини чизиб" берган.

"Етимнинг юраги" қиссаси "Шум бола"га ҳар қанча яқин, ўхшаш бўлмасин, Ж.Оймирзаев ундан ижодий таъсирланмасин, у оригинал, ўзига хос бадий хусусиятларга эга янги асар. "Етимнинг юраги" мазмун нуқтаи назаридан "Шум бола" повестини такрорлаган эмас. Қиссалар услубий томондан ўзаро яқин бўлсада, ифода усуллари жиҳатидан бир-бирларидан жиҳдий фарқ қилади. "Шум бола"да асосий этибор сатирик йўналишга, саргузаштлардаги ҳажв, юморга қаратилади. Шум бола ва Омоннинг кўрган-кечирганлари тасвири руҳида ҳалқ оғзаки ижодига хос хусусиятлар бўртиб туради. Асарнинг бундай хусусиятга эга бўлиши тасодифий эмас, албатта. Чунки фольклор Гафур Ғулом учун ижодий ўрганиш мактаби вазифасини ўтаган. У ҳалқ ижодининг ғоявий-эстетик анъаналаридан жуда кенг қўламда ва чуқур ижодий ўрганган сўз устасидир. У ҳалқ ҳаёти

ва орзу тилакларини, халқнинг руҳий олами, психологияси, характери, маънавияти, эстетик диди ва бадий тафаккури, бой тилини фольклордан уқиб олди. Насриддин Афанди фазилатларининг кўпи унинг шахсиятига ҳам сингиб кетган, ҳатто "Бизнинг уйга кўниб ўтинг, дўстларим" шеърда "Ғафур деган бир Насриддин китоби!" ҳам дейди адибнинг ўзи.

Дарҳақиқат, ёзувчининг насрий асарлари, ҳикоя ва қис — саларида фольклор мотивлари етакчилик қилади. Сюжет қуришда, воқеалар баянида, образлар талқинида, характер кратиш принципларида, сатира ва юмордан фойдаланиш усулларида халқ дostonлари ва эртақларининг таъсири борлиги реал ҳақиқат. Фольклорга хос ҳазил-мutoйиба, қувноқлик, янги жозибали кулгили вазиятлар, ҳолатлар тасвири ўқувчига завқ берадиган бошқада хусусиятлар Ғафур Ғуломнинг сатирик ва юмористик асарларини беэбаб, ўқинишли қилиб турадиган фазилатларидир. "Шум бола" худди шундай характердаги юмористик асар. Фикримизча, қиссанинг халқимиз орасида оммалашиб, китобхонларнинг сеvimли асарига айланиб қолишнинг бир сири ҳам шунда, ҳажва, кулгили вазиятларга бойлигида.

Ж.Оймирзаевнинг "Етимнинг юраги" повестида эса бундай бадий ўзгачаликлар унчалик кўзга ташланмайди, воқеалар тасвирида, образлар талқинида жиддий чуқур реалистик принцип устунлик қилади. "Шум бола"даги аксарият воқеалар бадий тўхимага асосланган. "Етимнинг юраги"да ҳаётий қаҳрамонлар тасвирланади. Муаллиф ўзи кўрган, кузатган, шахсан бошқадан ўтказган воқеаларнинг аниқ манзили, номин ҳужжатлилик асосида ҳикоя қилинганки, бу ҳам қиссанинг ўзига хослигига бир далил.

"Шум бола" повести инқилоб тўнтарилиши арафасидаги воқеалар тасвири билан тутади. Ж.Оймирзаев "Етимнинг юраги"да ўзининг шўро замонидagi тақдири, ҳатто, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларигача бўлган ҳаёти тўғрисида ҳам ҳикоя қилади. Қиссалардаги тасвир объекти ҳам турлича. "Шум бола"да қаҳрамонларнинг саргузаштлари Ўзбекистон, Қозоғистон ҳудудлари билан боғлиқ ҳолда тасвирланса, "Етимнинг юраги"даги аксарият воқеалар Қорақалпоғистонда — Чимбой, Тахтақўпир, Тўрткул заминида, қисса қаҳрамони яшаган ижтимоий-тарихий шароитда рўй беради. Ушбу тафовутларнинг барчаси "Етимнинг юраги"нинг тамомилла оригинал, қорақалпоқ адабиётини авто-

биографик жанр билан бойитишга қодир асар, деб хулоса чиқаришимизга тўлиқ асос беради.

Ж.Оймирзаев Ғафур Ғуломга бўлган муносабатини асарларидан ижодий ўрганиш, сабоқ олиш билангина намойиш этиб қолмайди, аини чоғда устозига бағишланган шеърлари ва мақолаларида ҳам изчил билибдириб боради. Мана, унинг "Ғафур Ғуломга" номли шеърдан бир мисол:

*Биз бенен биргесен, елимде өзін
Сайранлап жүрисең жеримде өзін.
Қадрдан мийманлар тойима келсе,
Отырсан отаўым, торинде өзін.*

*Қадрдан шайырым, устазым ағам,
Өмир былагындай таўсылмас саған.
Қысса, қосықларын, дигўли атын,
Суйген жүреклерде сақланар мұдам.*

*Ҳатан топырагына түскен ҳар изин,
Мийўалы бағымыз болып түр бизин,
Барлық дос, туўысқан елге таралы,
Ҳамменин кеўлине унаған сөзин.*

* * *

Қорақалпоғистонда Ғафур Ғулом номини эшитмаган, унинг шеърларидан баҳраманда бўлмаган шеърят ихлосманди кам учрайди. Шоирнинг асарлари ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаёқ Қорақалпоғистонга кириб кела бошлаган ва республиканинг газета-журналларида мунотазам босилиб турган. Адабиётшунос Б.Қурбонбоев "Ғафур Ғулом асарлари қорақалпоқ тилида" номли мақоласида шоир шеърларининг қорақалпоқ ўқувчиларига етиб келиш тарихини газета-журнал манбалари орқали шарҳлайди.

Шоир шеърятини қорақалпоқ тилига ўгириб, мухлисларга етказиш анча мураккаб вазифа, уни амалга ошириш ҳамма ижодкорнинг қўлидан келавермайди. Бу иш билан энг талантли ва таниқли қорақалпоқ шоирлари шуғуллангани аини мудоао

¹ Б. Қурбонбоев. Ғафур Ғулом шығармалари қарақалпақ тилинде. "Совет Қарақалпақистани", 1983, 15 март

¹ XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, "Ўқитувчи", 1999, 228 бет



*Фафур Гулом шоир ва таржимон Бобош
Исмаилов билан суҳбатда*

бўлган. Жўмирза Оймирзаев, Тожиқдин Сейитжонов, Хўжабек Сейитов, Бойниёз Қайишназаров, Ибройим Юсупов, Бобош Исмаиловдек сўз санъаткорларининг сайъ-ҳаракатлари туфайли Фафур Гулом асарлари қорақалпоқ ўқувчиларига етказилади, газета-журналларда, адабий тўпламларда, альманахларда босилди.

Таҳсинга лойиқ жиҳати шундаки, таржимонлар, биринчи навбатда, Фафур Гуломнинг ҳамма томонидан севиб ўқилган, ўзбек шеърятининг чўққиси саналмиш энг машҳур шеърларини ўғиришга ҳаракат қилганлар.

Шоирга шуҳрат келтирган "Сен етим эмассан", "Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак", "Бизнинг уйга қўниб ўтинг дўстларим", "Согиниш", "Шарқдан келаетирман", "Мен яҳудий" ва шунга ўхшаш шеърларнинг қорақалпоқ тилига таржима қилиниб жамоатчиликка тақдим этилгани нур устига аъло нур бўлди. Шоирнинг фақат соф лирик асарларигина эмас, дostonлари ҳам қардош халқ тилига ўғирилган. 1972 йилда Фафур Гуломнинг шеърлар китоби "Келешекти кутлыклар" деган ном билан қорақалпоқ тилида босилиб чиқди.

Фафур Гулом шеърятини билан қорақалпоқ китобхоналарини таништириш ишлари ҳамма дaнрларда ҳам муваффақиятли давом этди. Шоирнинг юбилейлари муносабати билан, адабиёт ва санъат декадалари ўтказилиши арафаларида, бошқада адабий-маданий

тадбирлар сабаб бўлиб, унинг шеърлари, дoston ва насрий асарлари қорақалпоқ тилига таржима қилиниб, нашр этилган. Адабиётшунос Қ.Бойниёзовнинг берган маълумотига кўра Фафур Гулом асарлари қорақалпоқ тилига беш марта ўғирилган.¹ Шоирнинг "Шум бола" қиссаси Иккинчи жаҳон урушидан олдинроқ қорақалпоқ тилида чоп этилган. Утган асрнинг элгинчи — олтинчи йилларида ҳам шоирнинг асарлари қорақалпоқ тилида бир неча марта босилиб чиққан. Бу йилларда Фафур Гулом асарларини қорақалпоқ тилига таржима қилганда А.Бегимов, Б.Қайишназаров, И.Юсупов, Б.Исмаилов, Ж.Сейитназаров, М.Қорабoев каби шоир ва ёзувчиларнинг хизматлари катта бўлган.

Фафур Гулом асарлари таржимонларининг сафи йилдан-йилга янги мутаржимлар билан кенгайиб борди. Ўзбек шоирининг қорақалпоқ тилига ўғирилган асарларининг ҳаммаси бир жойга тўланса, катта бир китоб бўлади. Афсуски, бу таржима асарлари ҳозирга қадар таржимашунослар эътиборидан четда қолиб келаяпти, илмий асосда ўрганилган эмас. Биз ҳам бу масалани кенг кўламда таҳлил қилиб бериш масъулиятини зиммамизга олмоқчи эмасмиз. Рисоланинг мақсади ҳам, имконияти ҳам мазкур мавзу юзасидан умумий йўналишда, қисман мулоҳаза юритишни тақозо этганилиги учун бу муаммага йўл-йўлакай тўхтаб ўтмоқчимиз. Агар биз таржимашуносликнинг бу долзарб йўналишига мутахассисларнинг эътиборини озгина бўлсада қарата оласак, ўзимизни мақсадга эришган деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан ҳам бу ниятни амалга ошириш учун бир таржимоннинг фаолиятига, аниқроғи, унинг мустақиллик йилларида Фафур Гулом шеърятидан қилган айрим таржималарига қисман муносабат бидириб ўтиш билангина чекланамиз. Бу, таниқли адабиётшунос олим ва ёзувчи Камол Мамбетов таржималари.

Профессор Қ.Мамбетов Фафур Гулом ижодини яхши билган, у ҳақда мақолалар ёзган, шеърларини қорақалпоқ тилига ўғириб, матбуотда эълон қилган олимлардан бири эди. Унинг "Ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари" (1992) номли китобида ва яна бошқа бир неча тадқиқотларида Фафур Гулом асарлари юзасидан эътиборли фикрлар бидириган. Чунончи, олимнинг "Ўзбек халқининг атоқли шоири"² мақоласида Фафур Гулом ижоди кенг таҳлил қилиниб, шоирлик, ёзувчилик, адабиётшунослик

¹ "Устас", 2003, 3 апрел

² "Еркин Қарақалпақстан", 1993, 4 май

фаолиятига қорақалпоқ олими нуқтан назаридан юқори баҳо берилган, адибнинг ўзбек, қолаверса, жаҳон адабиётидаги мавқеини, салоҳиятини ҳолисона белгиллаган. Ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқаларига қўшган ҳиссасини, қорақалпоқ ижодкорларига кўрсатган ғамхўрлигини мисоллар билан яхши ёритган. Ўзбек шоири ижодида ҳурмат рамзи сифатида унинг "Хотин", "Соғиниш", "Вақт" шеърларини ўз таржимасида мақолага илова қилганди. Биз ушбу шеърларнинг таржималари ҳусусида икки оғиз сўз айтмоқчимиз.

К.Мамбетовнинг таржима учун айнан шу шеърларни танлагани бежиз эмас. Бу уч шеър ҳам Ғафур Ғуломнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзган мукаммал шеърлари сирасига киради. Мавзу талқини, ғоявий-бадний хусусиятлари жиҳатидан нафақат Ғафур Ғулом лирикаси, айни чоғда, ўзбек ҳарбий шеърятининг гўзал намуналари сифатида тан олинган бу асарларни асл нусхадагидек қорақалпоқ ўқувчисига етказиш учун ўзбек тилини биланган ташқари ижодий истеъдод ҳам талаб этилади. К.Мамбетов ўзининг ёзувчилик тажрибасидан фойдаланиб, шеърларни яхши ўтирган. Ғ.Ғулом услубига хос жанговарлик, ҳайқирик, публицистик оҳанг, нотиклик каби хусусиятлар таржимада яхши сақланган, асл нусхадагидай таассурот қолдиради. Фикриниз исботи учун "Соғиниш" шеърдан олинган қуйидаги икки бандни унинг таржимасига солиштириб кўрайлик:

*Не қилса отамең, мерос ҳиссиёт...
Жондан соғинишига унинг ҳаққи бор,
Кутаман узокдан кўринса бир от,
Келаяпти дейман кўринса ғубор.
Кечқурун ош сўзсак бир насиба кам,
Қўмсайман бировни — алақимимни,
Доимо умидим бардам бўлса ҳам,
Баъзан васвасалар босар дилимни*

Таржимада:

*Узакдан бир аттн дубири келсе,
Улым! - деп есикке атылды атан
Туёл болмас еди, сенсиз уйимиз,
Коп қайғылар шекти бул эиз мекан.*

*Кешкуриң аўқатлар таяр болганда
Ортада суўыды бир кесе дагман.
Ғарри кўтер еди, киши баласын,
Бендениң борҳама тилеги арман.*

Ғафур Ғуломнинг "Соғиниш" шеъри ўгли Жўраҳоннинг фронтига кетиши муносабати билан ёзилган. Шеърда оталик меҳри мисраларга шуңдай сингдирилганки, бу туйғулар ўқиган кишини ҳам ҳаяжонга солади. Отанинг ўғлини соғиниши, уни интизорлик билан кутиши, баъзан ҳар хил васвасаларга берилиб, ҳадиксираш ҳолатлари шеърда жуда ҳайътий кечинмаларда баён этилган. К.Мамбетов лирик қаҳрамон қалбидан ўтган мана шу ҳиссиётларни, шоирнинг "юрак йитгиси"ни терең ҳис қилган ва уни таржимада аслидагидек қилиб ўғиришга эришган. У мисраларни сўзма сўз таржима қилишдан қочиб, ижодий ўтиртгани, энг муҳими, банднинг мазмунини, оҳангини сақлашга интилгани, бизнингча, таржимоннинг жиддий ютуғи.

Диққат қилган бўлсангиз, таржимада мисраларнинг ўрни алмашган, мазмун янада конкретлаштирилган ва чуқурлаштирилган. Биринчи банднинг учинчи мисрасидаги "Кутаман узокдан кўринса бир от" мисраси таржимада банднинг биринчи қаторига олиб чиқилган ва "Узакдан бир аттн дубири келсе, "Улым" деп есикке атылды атан" мазмунида ўтирилганки, бу асл нусханинг маъно-моҳиятини, мазмунини бузмаган, аксинча, унинг таъсирини, жозибасини янада кучайтирган. Бошқа бандлар ҳам шуңдай ижодий ёндашув билан таржима қилинган.

К.Мамбетов "Вақт" шеъри таржимасида ҳам худди шу усулни қўллаган. Бундай таржима усули шеърнинг ифода шаклини сақлашга, поэтик образларни аслидагидек миллий бўёқлари билан ўқувчига етказишга ҳалақит бермаган. Қиёсланг.

Асл нусхада:

*Йигит термулади қизнинг кўзига,
Киприк сузилиши, майин табассум...
Қўша қаримоққа муҳр бўлади
Ҳаётда икки лаб қолушган бир зум.*

Таржимада:

*Жигитлер телмирип қыздың көзине,
Ништер киприктери төселген уақыт.*

*Жоллама бағышлар, үлкен өмірге,
Бұл саатлар үшін жүз жыллық бахыт.*

Асл нуска билан таржимадаги, айниқса, банднинг учинчи-тўртинчи қаторларидаги таржимасининг мазмунига эътибор берсангиз, таржимоннинг матнга анча эркин ёндашганини, лекин шеърнинг умумий мазмунидан, гоъвий йўналишидан узоқлашиб кетмаганини дарҳол англайсиз. Таржимон қўлаган қофиялар ҳам банднинг мазмунини янада чуқурлаштиришга, вақтнинг инсон тақдирдаги аҳамиятини теранроқ очиб беришга бўйсундирилган.

Биз К.Мамбетов таржималаридан айрим намуналаринигина асл нусхаларига солиштириб кўрдик ва шундай хулосага келдикки, у Ғафур Ғулом шеърларини яхши ўтирган. Бу таржималар қорақалпоқ таржима адабиётини бойитишга қодир деб ишонч билан айта оламиз. Умид қиламизки, келажакда янги таржимонлар авлоди етишиб чиқади. Ва улар Ғафур Ғулом асарларининг янги таржималари устида самарали фаолият кўрсатадилар, шу орқали қорақалпоқ-ўзбек адабий алоқаларини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Ғафур Ғулом қорақалпоқ халқига, адабиётига, ижодкорларига жуда яқин, тақдирдош шоир бўлган. Унинг қорақалпоқ заминига қўйган ҳар бир қадами, қутлуғ қадам эди. Адабий давралардаги учрашувлар, мулоқотлар ўзбек шоири учун илҳом манбаи, ижоди учун бой материал бўлиб хизмат этган. У қорақалпоқ халқи, адабиёти тўғрисида қаерда, қандай минбардан гапирмасин, ҳақиқия унинг ютуқларидан фойдаланиш туйғуларини баён этган. Бошқаларни ҳам мана шундай улуг халқнинг улуг адабиёти ва маданиятидан баҳраманд бўлишга доимо чорлаб келган. Қорақалпоқ адабиёти ва санъатига бағишланиб Тошкентда ўтказилган тадбирлардан бирида Ғафур Ғулом сўз олиб шундай деган экан: "Қорақалпоқда "Қирқ қиз"дек машҳур дostonлар. Бердақдек атоқли шоирлар кўл, бундай донишманд, бадиий сўз усталарига бой халқнинг қалби ҳам кенг ва улкан бўлади. Қорақалпоқлар чўл қоплони, азамат халқ. Унинг ажойиб шеъриятидан баҳраманд бўлмаслик гуноҳ саналади".

Ғафур Ғулом бу қардош, тақдирдош адабиётга умрининг охиригача катта ҳурмат билан қаради, уни ўрганди. У Аббос



Содиқ Нурумбетов ва Ғафур Ғулом

Добилов, Содиқ Нурумбетов каби халқ шоирларини ўзига устоз деб билди, улар билан яқин алоқада бўлиб, ижодий тажриба алмашиб турди. Халқ шоирларининг асарларини Ўзбекистонда тарғиб қилишда фаоллик кўрсатди, ўзбек тилига ўгириб республиканинг газета-журналларида бостирди.

Ҳа, Ғафур Ғулом қорақалпоқ халқининг ўз шоиридай бўлиб қолган эди. Унинг вафоти барча ўзбекистонликлар қатори Қорақалпоғистон халқи учун ҳам катта йўқотиш бўлганди. Қорақалпоқ ижодкорлари бу мусибатдан қаттиқ қайғурди. Шоир вафоти муносабати билан адабиётнинг ҳар хил жанрларида таъзиялар бийдирилди, марсиялар ёзилди. Бу қайғули воқеага биринчилардан бўлиб диал изҳорини айтган шоир Содиқ Нурумбетов эди. У "Шоирларнинг сардори" деган марсия ёзиб, қардошларига таъзия йўллади. Марсия ўзбек шоирларининг Ғафур Ғуломга бағишланган марсиялари қаторида ўша йили "Шарқ юлдузи" журналда эълон қилинди. Мана, унинг айрим бандлари:

*Қагиргон дўст Ғафур Ғулом вуголашди,
Оташ нафас, ширин калом вуголашди,*

ҚАРДОШЛИК КҮНГИЛЛАР АРО КҮПРИКДИР...

(Хулоса ўрнида)

Фафур Ғуломнинг қардош адабиётлар, жумладан, туркман, қозоқ, қорақалпоқ адабиётлари билан алоқалари ҳақида рисолада юритилган таҳлиллар, айтилган фикрлар хулоса сифатида бир ҳақиқатни яна бир мартаба таъкидлаб ўтишни тақозо этади. Гап шундаки, кейинги йилларда қардош адабиётларнинг атоқли вакиллари ўртасидаги ўзаро борди-кечдилар, шахсий дўстлик муносабатлари пасайиб кетганини китобнинг муқаддимасида тилга олган эдик. Бу ибратли анъаналар адабиётларимизнинг ҳозирги авлод вакиллари томонидан деярли давом эттирилмаётганини ҳам афсусланиш билан қайд этгандик.

Қардош республикаларда адабиёт ва санъат ҳафталикларини ўтказиш анъаналари унутилиб кетди. Бундай анжуманлар турли миқлат шоир ва ёзувчиларнинг ўзига хос тадбири эди. Адабиётларимизнинг забардаст адиблари билан ҳавас қилса арзигulik дўстлигининг ilk босқичи ана шундай расмий учрашувлардан, ҳафталик ва декадалардан, бошқада адабий-маданий тадбирлардан бошланганини кўпчилик яхши билади. Бундай дўстлик муносабатлари адабий алоқаларимиз ривожига қанчалик наф келтириши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат эканлиги барчага кундек равшан. Мен (К.Курамбоев) шу ўринда гарчи, сал нокамтарлик бўлса-да (кинобхондан узр сўраган ҳолда), ўз ҳаётим ва илмий тажрибамдан таҳлил қилинаётган мавзуга тегишли амалий бир мисол келтириб ўтмоқчиман. Камина салкам қирқ йилдан бери илмий фаолият билан шуғулланиб келаман. Асосан, қардош адабиётларининг алоқаларини ўрганаман. Дастлабки илмий тадқиқотларим ўзбек-туркман адабий алоқаларини таҳлил қилишдан бошланганди. Илмий фаолиятимнинг самарали бўлиши, бир жиҳатдан туркман адабиётшунослари билан алоқалар ўрнатиб, илмий ҳамкорлик қилишимга боғлиқ эканлигини англадим. Шунинг учун мен ilk илмий фаолиятимда туркман олимлари билан танишиб, дўстлик муносабатларини ўрнатиш йўллариини изладим. Шундай бир имконият тутилдими, тақдир менга худди шундай ажойиб бир инсонни, адабиётшунос олимни рўпара қилди. Бу туркменистонлик олим ва шоир, ҳозирги кунда

филология фанлари доктори, Қорақалпоғистон илмий-адабий жамоатчилигига яхши таниш Ахмет Мамедов эди. У 1970 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси А.С.Пушкин (ҳозирги Алишер Навоий) номидаги Тил ва адабиёт институтига Ашхабоддан илмий-ижодий сафарга келганди. Мен у билан танишдим, дўстлашдик. Тадқиқот мавзуларимиз йўналишининг умумийлиги бизни янада яқинлаштирди. Ўзаро фикрлашиб, тажриба алмашиб туришга ваъдалашдик. Кейин ҳам Ахмет Мамедов илмий ишлари бўйича Тошкентга бир-икки марта келди, мен уни таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар билан учраштириб, таништирдим. Ҳозирга қадар Ахмет бу олимларнинг кўпчилиги билан илмий-ижодий алоқаларини узган эмас. Мен ҳам диссертациям сабаб бўлиб, Ашхабодга икки-уч марта бордим, илмий-тадқиқот институти, газета-журнал таҳририятларида бўлдим. Бу сафарларимда Ахмет Мамедов менга ҳамроҳлик қилди. Туркман адабиётининг энг машҳур ёзувчи ва шоирлари, адабиётшунос олимлари билан таништирдим, илмий ишим учун зарур материаллар тўплашимга ёрдам берди. Бутуна эмас, Туркменистоннинг газета-журналларида ўзбек-туркман адабий алоқаларига бағишланган мақолаларимнинг мунтазам чиқиш туришига бошқоқ бўлди. Фақат Ахмет билангина эмас, кейинчалик мен туркман олимлари, ёзувчилари, шоирлари билан ҳам ўзаро мактублар ёзишиб, ҳар икки адабиётга, адабий алоқаларимизга тегишли масалалар бўйича фикрлашиб турдим. Ўзбек адабий жараёндаги янгиликлардан уларни хабардор қилганимдек, улар ҳам менга туркман адабиётига доир янги маълумотлар юбориб туришди. Буларнинг барчаси Ахмет Мамедовнинг воситачилигида, унинг ташаббуси ва маслаҳатлари асосида амалга оширилганлигини бутун ҳам мамнуният билан эслайман.

Ахмет Мамедовнинг қорақалпоқ адабиёти ижодкорлари билан алоқаларининг доираси кенгайиб боришда ҳам озгина ҳиссам бўлганидан мамнунман. Ўтган асрнинг саксонинчи-тўқсонинчи йилларида Ахметнинг қорақалпоқ адабий муҳити билан ҳамкорлиги фаолашди ва жуда яхши самаралар берди. У Қорақалпоғистонга бир неча марта келди, ижодий сафарларида доимо бирга бўлдим, адабий анжуманларга бирга қатнашдик. Натижада, шоир ижодида қорақалпоқ мавзуси шаклланди ва бу йўналишда ўнлаб шеърлар яратди, уларни бир туркум шаклига келтириб эълон қилди. Кўплаб қорақалпоқ шоирларининг



*Адабий алоқаларимизнинг фидойиси,
хусусан, қорақалпоқ адабиётининг таржимони,
таниқли туркман шоири ва ашми Ахмет Мамедовга
миллий дўппи ва тўн кийгизилишида катта раҳмий маъно бор*

асарларини туркман тилига ўтирди. Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ каби муштор шоирларининг шеърларини туркман тилига таржима қилиб, алоҳида китоб шаклида нашр эттирди. И.Юсуповнинг "Ўриклар гуллаганда" шеърлар тўплами ҳам Ахмет Мамедов таржимасида туркман тилида чоп этилди. Булардан бошқада бир неча қорақалпоқ шоирларининг шеърый асарлари билан туркман китобхоналарини таништиришда Ахмет жуда фаоллик кўрсатди. Унинг ўзининг шеърлар тўплами ҳам "Кўнглим кўзгуси" деган ном билан қорақалпоқ тилида босилиб чиқди. У қорақалпоқ адабиёти ҳақида жуда кўп мақолалар эълон қилди.

Ахмет Мамедов ижоди, илмий фаолияти тўғрисида ҳам Қорақалпоғистоннинг газета-журналларида кўп ёзилади. Бир сўз билан айтганда, Ахмет Қорақалпоғистоннинг ўз шоиридай бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам унга 1996 йилда "Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони берилади.

Нима демоқчиман? Бундан салкам қирқ йил олдин Ахмет Мамедов билан ўрнатган шахсий дўстлик алоқамиз узоқ йиллар самарали давом этди ва ҳозир ҳам давом этапти. Бу ҳамкорлик фақат бизнинг шахсий манфаатларимизга эмас, ўзбек-туркман-қорақалпоқ адабий алоқалари манфаатларига ҳам маълум даражада хизмат қилди. Таржима адабиётимиз озми-кўпми бойиди, адабиётларимизда байналминал мавзудаги асарларнинг доираси янада кенгайди, адабиётшунослик илмимизда ўзаро ҳамкорлик қилишнинг, тажриба алмашувининг ижобий самаралари намойён бўлди. Шоир ва ёзувчилар, олимлар ўртасида дўстлик муносабатлари кўпайди в.х. Энг асосийси, менимча, бу тадбирлар уч биродар халқ ўртасидаги азалий дўстликка камтарона ҳисса бўлиб қўшилди.

Лекин бу билан мен: бизнинг Ахмет Мамедов билан шахсий дўстлигимиз уч адабиёт алоқаларида "кашфиёт" бўлди ёки янги саҳифа очди деган фикрни айтмоқчи эмасман. Ёхуд бу дўстлик алоқаларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш фикридан ҳам мутлақо йироқман. Ушбу соҳадаги бизнинг саъй-ҳаракатларимиз, балки қутилган даражадаги салмоққа эга бўлмаслиги мумкин. Бироқ бу муносабатларнинг ҳар икки томон, ҳар икки адабиёт, ҳар икки адабиётшунослик учун муайян даражада келтирган фойдасини иноватга олсак, бундай шахсий дўстлик алоқаларининг аҳамияти муҳим деган мантикий хулоса келиб чиқадики, бунини эътироф этмаслик адолатсизлик бўлур эди. Бундай ҳамкорликнинг, айниқса, ҳозирги даврда жуда зарур эканлигини бутунги ҳаёт тақозо этмоқда.

Очиги, сўнгги йилларда адабий жараёнда вужудга келган бу масаладаги сусткашликни ҳеч бир далил билан оқлаб бўлмайди. Шу маънода айрим ижодкорларнинг миллий адабиётлар арбоблари билан шахсий борди-келдиларининг, дўстона алоқаларининг қуни сайин камайиб кетаётганлигидан ташвишланишларида асос бор. Бу жараён, айниқса, сўнгги ўн-ўн беш йил ичида ривожланишдан деярли тўхтади. Ҳозирда адабиётларимизнинг биронта вакилини бошқа миллий адабиётлар, айниқса, қўшни республикаларнинг

ташқили намояндалари билан Фафур Фулом ва Берди Кербобоев ёки Собит Муқонов ёхуд Жўлаширза Оймирзаевлар даражасида дўстлик алоқаларини ўрнатиб, адабиётларимизнинг манфаати учун борди-келдилар қилиб келаяётганига, шу орқали адабий дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганига далил кўрсатиш анча мушкул.

Миллий адабиётлар тараққиётида узоқ йиллар давом этиб келган бу анъанани қайта тиклаш ва ривожлантириш ҳар бир шоир, ёзувчи ва олим, у адабиётнинг қайси авлодига мансуб бўлишдан қатъий назар, ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини унутмаслик лозим. Бугунги ҳаёт талаби ҳам шу! Ҳозирги даврда бу хайрли ишларни йўлга қўйиш нақадар амалий аҳамиятга эга, маълум даражада, сиёсий тадбир эканлигини изоҳлашга зарурат бўлмаса керак. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг бундан бир неча йил олдин ўзбекистонлик барча ижодкорларга қаратилган қуйидаги даъвати, бизнингча, бугун ҳам аҳамиятини йўқотган эмас: "Олдинда ижодий ишларимиз ҳам, ижтимоий вазифаларимиз ҳам кўп. Мен, аввало, энг зарур ва кечиктириб бўлмайдиган ишимиз — минтақада ҳам, иттифокда ҳам адабиёт ва санъат аҳлининг ижодий алоқаларини мустаҳкамлаш, аввалги борди-келдиларимизни тиклаш деб ўйлайман. Афсуски, демократик роялрини олга сурган қайта куриш замонида дўстлик рившталаримиз маҳкамроқ боғланиш ўрнига, турли-туман қов-қовлар, азалий қадрдонлигимизга ярашмайдиган гап — сўзлар қўнайиб кетди. Ой сайин, кун сайин чуқурлашиб бораётган бу англашилмовчиликни тезликда бартараф этиш, яқин кунларда минтақамиз адабларининг, маданият арбобларининг даврасини йиғиш лозим. Бундай ташаббус биздан чиқса, шундай йиғин Тошкентда ўтса, янада маъқул бўлاردى".¹

Адабининг ушбу чақирғини ёки бошқа бирор сабаб бўлдимки, ҳар ҳолда бу жараёнда бирмунча силжиш кўзга ташланди. 1994 йилда Қозоғистонда ўзбек адабиёти ва санъати кунлари бўлиб ўтди. Уша йилнинг кузида қозоқ адабиёти ва санъати намояндалари Ўзбекистонга келиб, ўзларининг гузал санъатларини намойиш этишди, адабиётининг сўғити йиллардаги ютуқларидан халқимизни баҳраманд қилишди. Ҳар икки республикада ўтказилган бу тадбир ўзбек-қозоқ, қозоқ-ўзбек адабий ва маданий алоқаларининг жонланишига туртки бўлди. Икки биродар

халқнинг дўстлигига, шоир ва ёзувчилари ўртасида ижодий ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилди. 1995 йилнинг ноябр ойида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан Тошкентда "Туркистон умумий уйимиз" шiori остида Туркистон халқлари маданияти форумининг ўтказилиши адабий-маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Унга собиқ иттифокнинг бир неча республикаларидан, хусусан, Марказий Осиёдан анчагина шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар қатнашди.

Бу тарихий анжуман Туркистон халқларини бирликка, адабиётларни, санъаткорларни ўзаро ижодий ҳамкорликка қаровчи Марказий Осиё давлатларида яратилган энг яхши адабиёт ва санъат асарларини қардош халқларнинг маънавий мулкига айлантиришга даъват этувчи, яхшилик, эзгулик, ҳамжиҳатликни тарғиб қилувчи форум сифатида Туркистон халқлари маданияти тарихига кирди. Айниқса, Юртбошимиз И.А.Каримовнинг Туркистон халқлари маданияти форуми қатнашчиларига йўлаган "Таъриғи" ва унда баён этилган самимий сўзлар, эзгу тилаклар анжуман иштирокчиларини наҳомлантирди, келажак режаларига йўналиш берди. Президентимизнинг қуйидаги ўроз-истаклари қурултой иштирокчисининг ҳар бири учун дастуруламал, Туркистон халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда руҳий таянч бўла олади: "Аждодаларимиз аздал-азалдан бир оила бўлиб, қон-қариндош ва оға-ини бўлиб яшаб келишган. Тақдирлари узвий халқларимизнинг расм-русуми, урф-одати ва анъаналари, бой маданиятлари ҳам муштаракдир. Тарихий анжуманингиз Марказий Осиё минтақасида ҳамжиҳатлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, маданиятларимиз, адабиётимиз, санъатимиз, урф-одатларимиз муштараклигини таъминлаш, янада равиқат топтириш ва дунёга ёйиш сари қўйилган дадил қадамдир".¹

Туркистон халқлари маданияти форуми кўтаринки руҳда ўтди. Дастлабки кунданок, ўртага ташланган "Қўлни қўлга берайлик, қардошим, бовури, тувиқсоним, биродарим, гардашим!" деган ихомбахш шior ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман халқларини бирликка, ҳамжиҳатликка даъват этувчи қақирғи янгиғ жаранглаб турганлигига халқимиз матбуот, радио-телевидение эшитириш ва кўрсатувлари орқали гувоҳ бўлди. Мана шундай шior остида яшаш, ижод қилиш, минтақа халқлари қўлга киритган буюк истиқлолни мустаҳкамлаш ҳар бир қаламкаш

¹ "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1991, 12 апрел

¹ "Туркистон", 1995, 25 ноябр

учун муқаддас бурч эканлиги анжуман охирига қадар қардошларимиз тилларида янграб, кўнгилларга таскин берди. Ҳар бир учрашув, ҳар бир адабий даврада, ўзаро гурунгаларда, ўшбу гоёга содиқлик руҳи ҳукмрон эди. Жумладан, форумда минтақа адабиётларининг таниқли арбоблари бирин-кетин минбарга чиқиб, регион адабиётлари алоқаларини, маданиятлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш зарурлигини, бусиз ҳеч бир адабиёт юксак чўққига кўтарила олмаслигини таъкидлаб гапирдилар. Чунинчи, форум Президенти Чингиз Айтматовнинг минбардан айтган қуйидаги сўзлари минтақа халқларининг айни дилдаги гап эди: "Биз ҳозир тарихнинг тамомила янги босқичида турибмиз. Ҳар бир миллат, ҳар бир миллий адабиёт ўзига хос анъаналарини сақлаб қолиши лозим. Аммо бу ишни ўзга адабиётлар, бошқа маданиятлар ҳамкорлигисиз бажариб бўламайди". Таниқли қорақалпоқ адаби Тўлємбергєн Қєипбергєнов бу фикрларни мантїқан давом эттириб, шундай деган эди: "Биз умуминсоний маданиятга бебаҳо хїсса қўшган халқ экєанлигїмїз билан фахрланамїз. Шу билан бирга, умумбашарий маданиятнинг барча намуналаридан баҳраманд бўлиб бормогїмїз ҳам зарур".

Бундай фикрлар ҳар бир қардош республикадан келган адабиёт ва санъат вакили томонидан илгари сурилди. Форумда келажакда амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг режаси келишиб олинди, тадбирлар белгиланди. Марказий Осиёдаги адабиётлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида туркий халқлар учун умумий адабий-бадний нашрларни йўлга қўйиш, китоблар, журналлар нашр этиш, газеталар чиқариш заруранлиги таъкидланди. Ва бундай тадбирнинг амалий аҳамияти ҳар бир халқ, ҳар бир адабиёт учун ниҳоятда катта эканлиги тилга олинди. Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясининг масъул раҳбарларидан бири Тўлємбергєн Қєипбергєновнинг ўша йилларда айтган ва матбуотда босилган қуйидаги фикрлари бутун ҳам долзарб бўлиб кун тартибїда турибди: "Ҳозиргача бизда минтақа халқлари олиб ўқийдиган умумий бир нашр йўқ эди. Бу борадаги эңдиги биринчи ишимиз вақти-вақти билан чиқиб турадиган шундай нашрни йўлга қўйишдан иборат. Минтақанинг барча тїлларида бирор китоб ёки тўлама ҳолида бир муҳова остида чиқадиган бундай нашр орқали биз бир-биримїзнинг аҳволїмїз, тараққїєтїмїз, янгиликларїмїздан ўз вақтида воқиф бўлиб турамїз. Ва у, шубҳасїз, бизни фақат

маънавий жиҳатдангина яқинлаштириб қолмайди. Уйлайманки, тїлларїмїз ҳам шу жараёнда бир-бири билан яқинлашиб, ўзаро бойиб, бир-бирига тушинишлик ва уйғунлик касб этиб боради".¹

Мазкур халқаро ҳаракатнинг раҳбарларидан бири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Оди Ёқубов ҳам: "Асосий мақсадимиз Марказий Осиё давлатларида яратилган илмий кашфиётларни, энг сара адабиёт ва санъат асарларини қардош халқларимїзнинг маънавий мулкїга айлантириш" деб ёзган эди мақолаларидан бирида. Қирғиз, қорақалпоқ ва ўзбек адаблари туркий адабиётлар ва маданиятларни, туркий тїлларни ўзаро яқинлаштиришнинг энг қулай ва энг самарали усулларидан, восїталаридан фойдаланиш ҳақидаги зарур амалий тақлифларни ўртага ташлаган эдилар.

Чиндан ҳам, Марказий Осиё адабиётлари алоқаларини фақат мана шундай йўллар билангина ривожлантириш, мустаҳкамлаш мумкин. Бу амалда исботланган, синовдан ўтган тажриба. Афсуски, кейинги йїллarda бу фойдалан тадбирларни, тақлифларни амалга ошириш тугул, борлари, ҳаракатдагилари ҳам унутїлди. Бу масалада нафақат ўзбек ёки қорақалпоқ, умуман, Марказий Осиё адабиётларида "турғунлик" ҳолати вужудга келди, десак аччиқ ҳақиқатни тан олган бўламиз. Форумда режалаштирилган аксарият тадбирлар, деярли қорозда қолди. "Марказий Осиё маданияти" газетасининг ташкил қилинганни истисно қилганда, минтақада воқеа бўладиган маданий-адабий тадбир ўтказїлмади хисоб. Ўзбек, туркман, қозоқ, тожик, қирғиз адабиётлари ўртасида доимий ўтказилиб келинган адабиёт байрамлари эсдан чиқарилди. Қорақалпоқ адабиёти ва санъати кўнїлларини Тошкентда, баъзан Хоразмда ёки ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталигининг Қорақалпоқистонда оғда-сонда ўтиб туришини хисобга олмаганда, минтақамизда воқеа бўладиган даражадаги бирор адабий-маданий тадбирлар амалга оширилгани маълум эмас. Минтақамиздаги таржима адабиётлари ҳам кўнїлдагидек ривожланишга деб айтиш қийин. Театрларимиз ўртасидаги ҳамкорликлар, тажриба алмашувлар жуда камайиб қолди. Қардош республикалар шoir ва ёзувчиларининг шахсий дўстлиги, борди-кедиаларининг мавжудлиги тўғрїсїда гапирмаса ҳам бўлади. Бир вақтлар катта авлод вакиллари бошлаб берган ва давом эттирган ибратли шахсий дўстона муносабатлар ҳозирги ижодкорларимиз орасида деярли йўқ.

¹ "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1997, 17 январь

Биз ижтимоий-маданий соҳадаги, адабий жараёндаги мана шу таъшиш ҳолатни назарда тутиб, шоир ва ёзувчиларнинг бошқа бир адабиёт ижодкорлари билан дўстлиги, алоқаси қанчалик зарур эканлигини ва бунинг самаралари ҳар бир адабиёт учун катта бўлиши муқаррарлигини Фафур Фуломнинг ижодий фаолияти мисолида, унинг туркман, қozoқ ва қорақалпоқ адабиётлари билан алоқалари аспектида ёритишга ҳаракат қилдик. Ва шундай хулосага келдикки, таниқли қozoқ адиби Мухтор Шаханов таъкидлаб айтганидек, адабиётни алоҳида, катта шахслар яратди. Катта шахсларнинг дўстлиги эса халқларнинг дўстлигига айланади. Ижодкорларнинг шахсий дўстлиги орқалигина адабиётлар дўстлиги шаклланади. Модомики, шундай экан, ижодкорман деган ҳар бир зиёли фаолияти давомида бошқа миллий адабиётларнинг сўз усталари билан яқиндан ижодий алоқа ўрнатишга ҳаракат қилмоғи, ўз салафларининг бу соҳадаги ибратли тажрибаларидан ўрнак олиб адабий алоқаларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Бу иш ижодкорнинг шахсий манфаати, келажаги учун ҳам жуда зарур. Шу маънода машҳур қozoқ адиби Мухтор Шахановнинг ўзбек матбуотида Музаффар Аҳмад таржимасида босилган "Дўстлик ҳақида" номли шеъридан олинган куйидаги бир тўртлик айни бугунги куннинг даълатидир.

*Дўст кучишган бўшамасин қўлларим,
Шуни жуда армон қилар дилларим.
Дўстлигимга ишонганлар оз бўлса —
Унда менинг ожизланиб қолганим...*

Юқоридаги тўртликда илгари сурилган гоя, халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарликнинг қадри — қиммати, жамият ва ҳар бир инсон ҳаётидаги аҳамияти Ўзбекистон халқ шоири Мақсуд Шайхзоданинг халқлар дўстлиги мавзусига бағишланган шеъридан олинган мана бу мисраларда янада чуқурлаштирилиб, образли шаклда маҳорат билан ифодаланган эди:

*Қардошлик кўнгиллар аро кўприқдир,
Кўзларнинг соқиси мезик кўприқдир...*

Дарҳақиқат, қардошлик, дўстлик алоқалари турли миллат вакиллари ўзаро яқинлаштириб, кўнгилларини кўнгилларига пайванд этадиган ноб фазилатдир. Унга халқларга катта ҳурмат

туйғуларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайдиган, ҳаёт синоваридан ўтиб, улугъ авлод-аждодларимиздан ўлмас маънавий мерос сифатида бизгача етиб келган бу муқаддас хислатни кўзнинг қорачигидек асраш, уни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлаб бориш учун барча имкониятларни ишга солиш, айниқса, ҳозирги мустақиллик даврида жуда зарур. Ҳар бир зиёли, шоир ва ёзувчи, умуман, Ўзбекистоннинг булк келажагини яратишга бел боғлаган ҳар бир фуқаро бу масалада фидоийлик кўрсатиши, байналминаллик фаолиятини кучайтириб, амалий тадбирларни ҳаётга жорий этиши ва шу орқали халқлар ҳамда адабиётлар дўстлигига астойдил хизмат қилиш маъсулиятини ўз зиммасига олиши лозим.

Бу ҳозирги авлод олдида турган маънавий-маърифий соҳадаги ҳеч кечактириб бўлмайдиган бутунги ҳаёт тақозо этаётган энг долзарб масалалардан биридир. Зеро халқларимиз фаровонлиги, адабиётларимиз раванки ҳамкорлиқда экан, бу жараёнга ҳамма маъсулдир.

МУНДАРИЖА

АДАБИЁТЛАР ДУСТАЛИГИ — ХАЛҚЛАР ДУСТАЛИГИНИНГ БИР КЎРИНИШИ (Муҳаддима ўрнида)	3
ХАЛҚ ҲУРМАТИГА БЕЛАНГАН "ШАХИР"	15
ҚОЗОҚҚА ҚАРДОШ, ЖОНДОШ ШОИР	50
ҚАРДОШ АДАБИЁТТА ТАҚДИРДОШ АДИБ	85
ҚАРДОШЛИК КЎНГИЛАР АРО КЎПРИҚДИР... (Хулоса ўрнида)	116

Каримбой КУРАМБОЕВ, филология фанлари доктори,
Гуланом КУРАМБОЕВА, филология фанлари номзоди

ҒАФУР ҒУЛОМ ВА АДАБИЙ АЛОҚАЛАР

Ўзбек тилида
«Қорақалмоғистон» нашрияти
Нукус—2006

Ажинеъ номидаги
Нукус давлат педагогика институтининг
илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган

Бош муҳаррир
Муҳаррир
Рассом

Жиянбой Избосқанов
Гулистон Пирназарова
Қошкинбой Рейназаров

ЎЗБЕК ТИЛИДА
«ҚОРАҚАЛМОҒИСТОН»
НАШРИЯТИ
2006 йили
1-қўлёқ
1-нотиҳа
1-нотиҳа
1-нотиҳа

«ҚОРАҚАЛМОҒИСТОН»
НАШРИЯТИ

«ҚОРАҚАЛМОҒИСТОН»
НАШРИЯТИ

...миллати ва ҳақиқатини ...
...қадимтарин ...
...қадимтарин ...

...қадимтарин ...
...қадимтарин ...

...қадимтарин ...

...қадимтарин ...
...қадимтарин ...

...қадимтарин ...
...қадимтарин ...
ИБ №5296

Теринишга берилди 10.02.2006. Босишга рухсат этилди
20.04.2006. Бичими 60x84 1/16. Гарнитураси «Таймс».
Оффсет усулида босилди. Ҳажми — 8,0 б. т. Шартли
6 т. — 7,44. Ҳисоб 6 т. — 5,2. Нашр 1000 нусхада.
Буюртма № 197 Баҳри шартнома бўйича.

«Қорақалпоғистон» нашрияти
742000, Нукус, Қорақалпоғистон кў. 99

«Нукус полиграфкомбинати»
маъсулияти чекланган жамият
742000, Нукус, Қорақалпоғистон кўчаси №9